

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

«Ижтимоий фанлар»

КАФЕДРАСИ

Жахон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар

фанидан ўқув услубий мажмуа

Андижон-2015 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**“ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАР”
фанидан**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 300000 – Ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқуқ.
Таълим соҳаси: 340000 – Иқтисод ва бизнес
Таълим йўналиши: 5341100 – Халқаро иқтисодий муносабатлар

Тошкент-2010 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон машинасозлик институти
Ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

Кенгаш раиси _____ доц. Қ.Эрматов

“ 4 ” “ 08 ” 2015 йил

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

Технология факультети кенгашида муҳокама қилинган
ва маъқулланган.

Кенгаш раиси _____

“ 26 ” “ 06 ” 2015 йил

“ТАВСИЯ ЭТИЛГАН”

“Ижтимоий фанлар” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва
тавсия этилган кафедра мажлисининг 13 соили баённомаси

Кафедра мудир _____ Г.Г.Базарова

“ 17 ” “ 06 ” 2015 йил

Тузувчилар:

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Тошкент Давлат иқтисодиёт
университетидан олинган, Андижон машинасозлик институти ўқув
режаларига мувофиқ қайта кўриб чиқилган ва шакллантирилган.

1. Қ. Муфтайдинов - “Ижтимоий фанлар” кафедраси
профессори, иқтисод фанлар доктори.
2. Х.Л. Тургунов - “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта
ўқитувчиси.

Такризчилар:

1. Д. Нурматов - “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, иқтисод
фанлар номзоди.
2. Г. Базарова - “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудир, доцент
иқтисод фанлар номзоди

КИРИШ

Бозор тизими барча мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлиб, у ўз кўламини тўхтовсиз кенгайтирмоқда ва барқарор тараққиёт жараёнининг тезлашувига олиб келмоқда. Тараққий этган, энг қудратли иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар асосан бозор усулининг аралаш иқтисодиёт модели туфайли халқ фаровонлигини таъминлашда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

“Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва инқирозга қарши қабул қилган дастуриимизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта.” [1]

Талабаларга мазкур Фан хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланмада келтирилган материаллар, қоидалар ва хулосаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш фанни ўрганиш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Президентимиз томонидан асарда кенг эътибор қаратилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмуни, келиб чиқиш сабаблари ва салбий таъсири оқибатлари, Ўзбекистонда инқироз таъсири оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омиллар, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва янгилашни изчил давом эттириш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар, устувор йўналишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида талабаларга билим бериш мақсадида асосий масалалар фаннинг барча мавзуларида акс топган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларга жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанига оид назарий ва амалий билимларни бериш, ўз йўналишига мос тассавур ва кўникмаларни ривожлантиришдир.

Фанни ўқитишнинг асосий вазифалари – талабаларга жаҳон ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг назарий асослари ва тамойилларини

ривожлантиришни ўзига хос жиҳатларини тушунишига, ёрдам бериш ва шунингдек жаҳон мамлакатлари билан самарали ҳамкорлик қилишнинг назарий ва амалий тамонларини ўрганишдан иборат.

**Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига
қўйиладиган талаблар**

**“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” ўқув фанини
ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида
бакалавр:**

- талаба жаҳон хўжалигини тавсифловчи иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш хусусиятларини; маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг аниқлиги ва сифатини баҳолаш, кузатишлар натижасида олинган маълумотларни тизимлаш ва қайта ишлашни; маълумотларни қайта ишлаш натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилишни, ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш ва дастурлашни билиши керак;

- талаба жаҳон иқтисодиётининг замонавий тамойиллари, назарий асосларини ҳаётга тадбиқ этиш; чет мамлакатларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини тадқиқ қила олиш; ташқи савдо шартномаларини тузиш, техника ва технологиялар айирбошлаш бўйича битимлар имзолаш; халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳамкорликнинг энг рационал услуб ва кўринишларини аниқлай олиш; иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш юзасидан кўникмаларга эга бўлиши лозим.

- талаба жаҳон хўжалигининг моҳияти ва жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг тамойиллари; халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий тамойиллари ва хусусиятлари; бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари; иқтисодий тизимлар турлари ва моделлари; жаҳон хўжалигининг глобал муаммолари; жаҳон хўжалигининг тармоқ тузилмаси; халқаро иқтисодий интеграция; кўшма корхоналарни ташкил этиш ва бошқариш малакаларига эга бўлиши керак.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фани асосий ихтисослик фанлардан бири бўлиб, 6 семестрда ўқитилади. “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фани ўқув режасидаги барча иқтисодий фанлар билан ва шунингдек ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади; “Халқаро иқтисодиёт”, «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти», “Халқаро маркетинг”, «ХИМ».

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарган корхоналарининг маҳсулотларини ташқи бозорлар чиқиши, чет эл фирма ва компанияларининг мамлакатимизда шаклланаётган товар ва хизматлар бозорига кириши сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Маълумки, очиқ турдаги иқтисодиётни

яратмай туриб мамлакатимизнинг жаҳон ҳўжалигига интеграциялашуви бир мунча секин кечади. Шундай келиб чикиб, жаҳон иктисодиётини ривожланиш тамойилларини чуқур таҳлил этиш ва ўрганиш, жаҳон мамлакатлари билан иктисодий муносабатларни ривожлантириш шу куннинг талабига айланиб бормокда.

Юртимизда кенг имкониятлар мавжудлигини, яъни бой хомашё ресурсларга ва шунингдек малакали ишчи кучларига эгаллигини, борлигини инобатга олиб рақобатбардош, сифатли маҳсулотларни ўз юртимизда чиқариб, шу йўл билан жаҳон ҳамжамиятида ва шунинг дунё бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш мумкин. Мамлакатимиз ривожда хорижий инвестицияларни урни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, шунингдек мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йуналишлардан бири ҳисобланади.

Фанни ўқитишдаги янги педагогик ва ахборот технологиялари

Талабаларнинг “Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар” фанини ўзлаштиришлари учун илғор ва замонавий усуллардан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари билан биргаликда З.М.Иминов ва И.О.Сулаймоновлар томонидан тайёрланган “Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар” фани бўйича таълим технологияси ва ўқув услубий мажмуаси ҳамда ушбу фан бўйича кейс-стадилар ишлаб чиқилган. Фанни ўқитишда “инсерт”, “блиц-сўров”, “кластер”, “ақлий ҳужум”, “зиг-зак”, “гуруҳ бўлиб ишлаш”, “инсерт”, “кооп-кооп” каби педагогик технологиялардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фан бўйича маъруза мавзулари ва уларнинг мазмуни

Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар фанига кириш: курснинг мазмуни ва асосий вазифалари

Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар фани, унинг моҳияти ва таркиби. Курснинг предмети ва объекти. Жаҳон иктисодиёти миллий иктисодиётлар йигиндиси бўлиб, улар ягона жаҳон ҳужалигини ташкил қилади. Жаҳон иктисодиёти жараёнлари ва унинг иктисодий объектларини баҳолашда макроёндашув. Халқаро иктисодиёт замонавий иктисодий назариянинг энг ёш ва динамик ривожланаётган бўлаги сифатида. Иктисодий фанлар тизимида жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатларнинг ўрни.

Халқаро меҳнат таксимооти

Халқаро меҳнат таксимооти жаҳон ҳужалигининг моддий асоси. Халқаро меҳнат таксимооти — бу халқаро микёсда маҳсулотлар, хизмат турлари ва билимларни айирбошлаш, дунёдаги барча мамлакатлар уртасида ишлаб чиқариш, фан — техника, савдо ва булак соҳаларда ҳамкорликда

ривожлантиришнинг обектив асоси эканлиги. Ишлаб чиқаришда халқаро иқтисослашув. Ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперативлашуви. Ишлаб чиқаришда қўшма корхоналар ташкил этишнинг моҳияти.

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари

Ташқи савдо сиёсати. Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати. Давлатларнинг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлик. Пахта комплексининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш. Тайёр маҳсулот экспортини қўпайтириш йўллари. Терроризмни келиб чиқиши, уни асослари ва молиявий раҳномалари. Терроризмнинг асли «мазмун» ва «ниқоби». Шанхай ҳамкорлик ташкилотини минтақавий аксилтеррор маркази-тинчлик ва терроризм гарови. Марказий Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий негизлари.

Халқаро ишчи қучи миграцияси

Ишчи қучи халқаро миграциясининг сабаблари ва эволюцияси. Халқаро меҳнат бозори. Меҳнат ресурсларини халқаро миграцияга олиб келадиган иқтисодий ва ноиқтисодий омиллар. Халқаро меҳнат миграциясининг асосий марказлари. Ишчи қучи иммиграциясининг қабул қилувчи ва донор мамлакатларига таъсири. Ишчи қучи эмиграциясининг донор мамлакатларига таъсири. Меҳнат ресурслари эмиграциясининг ривожланаётган мамлакатлар учун аҳамияти. Ишчи қучининг ошқора ва яширин миграцияси.

Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

Капиталнинг халқаро ҳаракати мамлакатлар ўртасидаги капиталлар миграциясидир. Капиталнинг ҳаракат шакллари. Давлат капитали ва хусусий капитал. Капитални четга чиқиш сабаблари. Капитални четга чиқариш жараёнларидаги янги сифат тавсифлар. Четга капитал чиқаришнинг шакл ва усуллари эволюцияси. Трансмиллий компанияларнинг моҳияти ва шаклланиш хусусиятлари. Шохобча, шубҳа ва ассоциациялашган компаниялар. ТМҚларнинг халқаро иқтисодий алоқаларни ривожланиши ва инвестицияларни жойлаштиришдаги урни.

Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг урни

Эркин иқтисодий ҳудудлар тушунчаси. Халқаро корпорацияларнинг эркин иқтисодий ҳудудларга муносабати. Эркин иқтисодий ҳудудлар жаҳон миқёсида ҳаракатланувчи капиталлар учун узига хос «қопкон» эканлиги. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг асосий қурилишлари. Савдо ҳудудлари. Саноат ишлаб чиқариш ҳудудлари. Сервис хизмат қурсатиш ҳудудлари. Комплекс ҳудудлар. Халқаро ҳудудлар. Оффшор ҳудудлар. Навоий эркин иқтисодий ҳудуди. Ташқи савдо имтиёзлари. Солиқ имтиёзлари. Молиявий ва маъмурий имтиёзлар.

Халқаро валюта – молия ва кредит муносабатлар

Алмашув курси сиёсати. Валюта курси. Валюта алмашув курсининг кўплиги. Миллий валютани мустахкамлаш йўллари. Очик иқтисодиётда ўрнатилган валюта курси шароитида барқарорлаштириш сиёсати. Ўзгарувчан валюта шароитида столлаштириш сиёсати. Иқтисодий хавфсизлик тушунчаси, турлари ва омиллари. Миллий хавфсизликни таъминлаш умумдавлат иши. Республикада божхона сиёсати миллий иқтисодиётни хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўллари. Коррупция билан курашиш-хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўли.

Жахон хужалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти

Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг умумий белгилари. Дунё саноат ишлаб чиқаришида иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг урни. Дунё ялпи миллий махсулотида ва жон бошига ялпи миллий махсулот ишлаб чиқаришида саноати ривожланган мамлакатларнинг урни. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг узаро ва бошқа мамлакатлар билан ташқи савдо ва инвестиция сиёсати. Иқтисодий ривожланишнинг Америка, Япония, Германия моделлари. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатлар ва иқтисодиёти даврига хос булган мамлакатларнинг иқтисодий таракқиётида тутган урни.

Ривожланаётган мамлакатлар – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида

Ривожланаётган мамлакатларга хос булган асосий белгилар. Ривожланаётган мамлакатларнинг тоифаларга бўлиниши. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро меҳнат таксимотидаги роли эволюциясининг босқичлари ва унга ёрдам берувчи омиллар. Ривожланаётган мамлакатларнинг меҳнат таксимотига қушилишига ҳалал берувчи омиллар. Саноат моллари жахон бозорида ривожланаётган мамлакатларнинг тутган урни. Ривожланаётган мамлакатларда хусусийлаштириш муаммолари ва самарадорлиги. Ривожланаётган мамлакатлардан капитал олиб чиқиш.

Халқаро иқтисодий интеграция

Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти. Микро даражада ва макро даражада иқтисодий интеграция. Иқтисодий интеграция даражалари. Имтиёзли савдо ҳақидаги битим – иқтисодий интеграциянинг ибтидоий шакли. Эркин иқтисодий зона. Божхона иттифоқи. Умумий бозор. Иқтисодий иттифок. Гарбий Европа ва Шимолий Америкада интеграция жарёнлари: умумий ва узига хос жиҳатлар. Ҳинд океани митақасида интеграция жараёнлари. Ривожланаётган мамлакатлар ва жахон хужалиги: интеграциянинг узига хос хусусиятлари.

Жахон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг урни

Халкаро иктисодий ташкилотларнинг моҳияти ва мақсади. Жаҳон миқёсидаги халкаро иктисодий ташкилотлар. Минтакавий халкаро иктисодий ташкилотлар. Жаҳон банки ва унинг асосий вазифалари. Халкаро тараққиёт ассоциацияси фаолияти. Халкаро валюта фондининг мақсади. Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг шаклланиши ва асосий фаолият турлари. Европа Иттифоқи, унинг ривожланиш босқичлари. Иттифокнинг интеграция ҳудудидаги ва жаҳон ҳужалигидаги тутган урни. Бирлашган миллатлар ташкилотининг иктисодий ва ижтимоий кенгаши: вазифалари ва масъулияти. БМТнинг саноатни ривожлантириш ташкилоти. Жаҳон божхона ташкилоти. Умумжаҳон савдо ташкилоти.

Жаҳон ҳужалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки

Ўзбекистон мустақилликка эришгач жаҳон ҳамжамиятига муваффақият билан қушилиб, халкаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланиши. Ташқи иктисодий алоқалар стратегияси. Ташқи савдо обороти. Экспорт ва импорт таркиби. Ташқи иктисодий алоқаларни ривожланишниши ва истиқболлари. Ташқи иктисодий фаолиятнинг инвестициявий, қонуний ва ҳуқуқий базаси. Ўзбекистон республикасини ташқи иктисодий фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Прогматизмга асосланган сиёсат. Ўзбекистон иктисодиётининг стратегик ҳамкорлари ва асосий сармоядорлари – АҚШ, Япония, Россия ва Европа давлатлари. Тараққиёт йўлидаги Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти вазифалари, мақсади, дўстлик ва стратегик шериклик.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар ва тавсиялар

Амалий машғулот янги педогогик технологияларнинг “Ақлий ҳужум” усули, “Пинборд”, “Инсерт”, “Кластер”, “Балиқ скелети” каби техникаси ва ҳолатли масалалар ёрдамида ёритилади. Бу усуллар талабаларга мавзуларни ўзлаштиришга, гуруҳларда фаол иштирок этишга ва мустақил фикрлаш қобилиятини такомиллаштиришга ёрдам беради. Гуруҳларга бўлиб, бериладиган савол ва слайдлар Excel, Power Point компьютер дастурида тайёрланади. Семинар машғулотларини ўзлаштиришда интернет тизимидан фойдаланилади ва вазифаларни қабул қилиш тақдирот усулда амалга оширилади.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Жаҳон иктисодиёти ва халкаро иктисодий муносабатлар фанига кириш: курсининг мазмуни ва асосий вазифалари
2. Халкаро меҳнат тақсимоти
3. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йуллари
4. Халкаро ишчи кучи миграцияси
5. Халкаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

6. Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг урни
7. Халқаро валюта – молия ва кредит муносабатлар
8. Жаҳон ҳужалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти
9. Ривожланаётган мамлакатлар – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида
10. Халқаро иқтисодий интеграция
11. Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташкилотларнинг урни
12. Жаҳон ҳужалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки
13. Миллий иқтисодиётни Марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, фанга доир турли дарслик ҳам ўқув қўлланмалар асосида, тарқатма материаллардан фойдаланиш орқали талабалар билимларини ошириш, статистик маълумотлар асосида мавзулар бўйича таҳлиллар олиб бориш, масалалар ечиш ва бошқалар тасия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, унда талаба ўқитувчи раҳбарлигида фан бўйича янги билимларни, ўқув ва кўникмаларни ўзлаштириш, ижодий фаолиятни амалга ошира олади.

Ушбу шаклларга қуйидагилар тегишлидир:

- Тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- Махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- Талабаларнинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- Масофавий таълим;
- Фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланилган ўқув машғулотлари;
- Ўқув қўлланмалари ёрдамида фан мавзуларини ўрганиш.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Германия Федератив Республикаси. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.
2. Франция Республикаси иқтисодиёти. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.

3. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги иқтисодиёти. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.

4. Италия Республикаси иқтисодиёти. Жаҳон мамлакатлари билан олиб бораётган иқтисодий муносабатлари.

Информацион-методик таъминот

Курсни ўрганиш жараёнида компьютер техникаси, мультимедиа тизимлари, диапроекторлар, кўргазмали куроллар, видео ва аудио техникалардан фойдаланиш зарур.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.

2. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.- 56 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт.-2010.– 63-85б.

4. Ишмухамедов А.Э., Юсупов А.С.. Миллий ва халқаро иқтисодиёт. Дарслик.- Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007.- 250 бет

5. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х., Акбаров М. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма.- Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2005.215 бет

6. Назарова Г.Г., Халилов Х., Эштаев А., Хакимов Н.З., Салихова Н., Бобожонов Б.Р. “Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ”. Дарслик – Т., 2006. - 216 бет.

7. Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2004. - 474 с..

8. Ломакин В.К. Мировая экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям / В.К. Ломакин. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 671 стр.

9. Устойчивое экономическое развитие в условиях глобализации и экономики знаний: концептуальные основы теории и практики управления / Под ред. В.В. Попкова. Учебник. М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. — 295 стр.

10. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 стр.

Қўшимча адабиётлар

1. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. – М.: Магистр, 2007. – 429 стр.

2. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник /Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 стр.

Внешнеэкономическая деятельность: учебник. для студ. сред. проф. учебник. заведений /Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 стр.

[1] Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараккиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010 й.

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI**

ANDIJON MASHINASOZLIK INSTITUTI

Ro‘yxatga olindi:

№ _____

2015-y. «____» _____

“TASDIQLAYMAN”

O‘quv ishlari bo‘yicha prorektor

«____» _____ 2015 - yil

**“JAHON IQTISODIYOTI VA XALQARO IQTISODIY
MUNOSABATLAR”**

fanining

ISHCHI O‘QUV DASTURI

Bilim sohasi:	200000 – Ijtimoiy soha, iqtisod va huquq
Ta’lim sohasi:	230000 – Iqtisod
Ta’lim	5230100 – Iqtisodiyot (sanoat)
yo‘nalishi::	

Andijon – 2015

Fanning ishchi dasturi, o'quv, ishchi o'quv reja va o'quv dasturiga muvofiq ishlab chiqildi.

Tuzuvchi:

1. Q.Muftaydinov – "Ijtimoiy fanlar" kafedrasini professori i.f.d.
2. Turgunov X.L. – "Ijtimoiy fanlar" kafedrasini katta o'qituvchisi

Taqrizchilar:

- G. Bazarova – "Ijtimoiy fanlar" kafedrasini dotsenti, i.f.n.
D. Nurmatov – ADU "Iqtisodiyot" kafedrasini dotsenti, i.f.n.

Fanning ishchi o'quv dasturi "Ijtimoiy fanlar" kafedrasining 2015-yil "____" ____ dagi ____ – son yig'ilishida muhokamadan o'tgan va fakultet kengashida muhokama qilish uchun tavsiya etilgan.

Kafedra mudiri: _____ dotsent G.Bazarova

Fanning ishchi o'quv dasturi texnologiya fakulteti kengashida muhokama etilgan va foydalanishga tavsiya qilingan (2015-yil ____ ____dagi ____ - sonli bayonnoma)

Fakultet kengashi raisi: _____

Kelishildi: O'quv uslubiy bo'lim boshlig'i _____ **M.Jo'raxonov**

KIRISH

Bozor tizimi barcha mamlakatlar iqtisodiyotiga xos bo'lib, u o'z ko'lamini to'xtovsiz kengaytirmoqda va barqaror taraqqiyot jarayonining tezlashuviga olib kelmoqda. Taraqqiy etgan, eng qudratli iqtisodiyotga ega bo'lgan mamlakatlar asosan bozor usulining aralash iqtisodiyot modeli tufayli xalq farovonligini ta'minlashda yuqori ko'rsatkichlarga erishmoqdalar.

“Mamlakatimizni rivojlantirish, yangilash va modernizatsiya qilish bo'yicha tanlagan strategiyamizni va inqirozga qarshi qabul qilgan dasturimizni amalga oshirish natijasida yurtimiz dunyodagi sanoqli davlatlar qatorida iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishning barqaror sur'atlarini ta'minlash, aholimizning moddiy farovonligini yuksaltirishga erishgani barchamizga katta mamnuniyat va iftixor bag'ishlaydi, albatta.” [1]

Talabalarga mazkur fan xususiyatlari doirasida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning «Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va kuchli fuqarolik jamiyati barpo etish – ustuvor maqsadimizdir» hamda «Asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirishdir» nomli ma'ruzalarini o'rganish bo'yicha o'quv qo'llanmada keltirilgan materiallar, qoidalar va xulosalarni puxta o'zlashtirishlari, kelgusi faoliyatida samarali foydalanishlari hamda ijodiy yondashishlarini ta'minlash fanni o'rganish oldida turgan asosiy vazifalardan biridir.

Prezidentimiz tomonidan asarda keng e'tibor qaratilgan jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozining mazmuni, kelib chiqish sabablari va salbiy ta'siri oqibatlari, O'zbekistonda inqiroz ta'siri oqibatlarining oldini olish va yumshatishga asos bo'luvchi omillar, mamlakatimiz iqtisodiyotini modernizatsiyalash va yangilashni izchil davom ettirish borasida qo'lga kiritilayotgan yutuqlar, ustuvor yo'nalishlar, mavjud muammolar va ularni hal etish yo'llari to'g'risida talabalarga bilim berish maqsadida asosiy masalalar fanning barcha mavzularida aks topgan.

O'quv fannining maqsadi va vazifalari

Fanni o'qitishdan maqsad - talabalarga jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar faniga oid nazariy va amaliy bilimlarni berish, o'z yunalishiga mos tassavur va ko'nikmalarni rivojlantirishdir.

Fanni o'qitishning asosiy vazifalari – talabalarga jahon va xalqaro iqtisodiy munosabatlarning nazariy asoslari va tamoyillarini rivojlantirishni o'ziga xos jihatlarini tushunishiga, yordam berish va shuningdek jahon mamlakatlari bilan samarali hamkorlik qilishning nazariy va amaliy tamonlarini o'rganishdan iborat.

Fan bo'yicha talabani malakasiga qo'yiladigan talablar

“Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” o'quv fanini o'zlashtirish jarayonida amalga oshiriladigan masalalar doirasida bakalavr:

- talaba jahon xo'jaligini tavsiflovchi iqtisodiy, ijtimoiy va tashkiliy ko'rsatkichlarni tahlil qilish va umumlashtirish xususiyatlarini; ma'lumotlar yig'ishni tashkillashtirish va ularning aniqligi va sifatini baholash, kuzatishlar natijasida olingan ma'lumotlarni tizimlash va qayta ishlashni; ma'lumotlarni qayta ishlash natijalarini umumlashtirish va tahlil qilishni, ijtimoiy-iqtisodiy va ishlab chiqarish jarayonlarini modellashtirish va dasturlashni bilishi kerak;

- talaba jahon iqtisodiyotining zamonaviy tamoyillari, nazariy asoslarini hayotga tadbqiq etish; chet mamlakatlarning asosiy iqtisodiy ko'rsatkichlarini tadqiq qila olish; tashqi savdo shartnomalarini tuzish, texnika va texnologiyalar ayirboshlash bo'yicha bitimlar imzolash; xalqaro iqtisodiy munosabatlar sohasida hamkorlikning eng ratsional uslub va ko'rinishlarini aniqlay olish; iqtisodiy o'sish va rivojlanishning asosiy ko'rsatkichlarini hisoblash va tahlil qilish yuzasidan ko'nikmalarga ega bo'lishi lozim.

- talaba jahon xo'jaligining mohiyati va jahon iqtisodiyoti rivojlanishining tamoyillari; xalqaro iqtisodiy munosabatlarning zamonaviy tamoyillari va xususiyatlari; bozor iqtisodiyoti asoslari va tamoyillari; iqtisodiy tizimlar turlari va modellari; jahon xo'jaligining global

muammolari; jahon xo'jaligining tarmoq tuzilmasi; xalqaro iqtisodiy integratsiya; ko'shma korxonalarni tashkil etish va boshqarish malakalariga ega bo'lishi kerak.

Fanning o'quv rejadagi boshqa fanlar bilan o'zaro bog'likligi va uslubiy jihatdan uzviy ketma-ketligi

“Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” fani asosiy ixtisoslik fanlardan biri bulib, 6 semestrda o'qitiladi. “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” fani o'quv rejasidagi barcha iqtisodiy fanlar bilan va shuningdek ijtimoiy-gumanitar fanlar bilan ham chambarchas bog'lik holda o'rganiladi; “Xalqaro iqtisodiyot”, «Xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti», “Xalqaro marketing”, «XIM».

Fanning ishlab chiqarishdagi o'rni

O'zbekiston Respublikasining ishlab chiqargan korxonalarining mahsulotlarini tashqi bozorlar chiqishi, chet el firma va kompaniyalarining mamlakatimizda shakllanayotgan tovar va xizmatlar bozoriga kirishi sezilarli darajada rivojlanib bormoqda. Ma'lumki, ochiq turdagi iqtisodiyotni yaratmay turib mamlakatimizning jahon xo'jaligiga integratsiyalashuvi bir muncha sekin kechadi. SHunday kelib chikib, jahon iqtisodiyotini rivojlanish tamoyillarini chuqur tahlil etish va o'rganish, jahon mamlakatlari bilan iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirish shu kunning talabiga aylanib bormoqda.

Yurtimizda keng imkoniyatlar mavjudligini, ya'ni boy xomashyo resurslarga va shuningdek, malakali ishchi kuchlariga egaligini, borligini inobatga olib raqobatbardosh, sifatli mahsulotlarni o'z yurtimizda chiqarib, shu yo'l bilan jahon hamjamiyatida va shuning dunyo bozorida o'zimizga munosib o'rin egallash mumkin. Mamlakatimiz rivojida xorijiy investitsiyalarni urni alohida ahamiyatga ega bulib, shuningdek mamlakatimizni rivojlantirishning ustuvor yunalishlardan biri hisoblanadi.

Fanni o'qitishdagi zamonaviy axborot va pedagogik texnologiyalar

Talabalarning “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” fanini o'zlashtirishlari uchun ilg'or va zamonaviy usullardan foydalanish, yangi informatsion-pedagogik texnologiyalarni tadbii qilish muhim ahamiyatga egadir.

Fanni o'zlashtirishda darslik, o'quv va uslubiy qo'llanmalar, ma'ruza matnlari bilan birgalikda Z.M.Iminov va I.O.Sulaymonovlar tomonidan tayyorlangan “Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” fani bo'yicha ta'lim texnologiyasi va o'quv uslubiy majmuasi hamda ushbu fan bo'yicha keys-stadilar ishlab chiqilgan. Fanni o'qitishda “insert”, “blits-so'rov”, “klaster”, “aqliy hujum”, “zig-zak”, “guruh bo'lib ishlash”, “insert”, “koop-koop” kabi pedagogik texnologiyalardan foydalaniladi.

O'quv rejada fanga ajratilgan soatning umumiy xajmi va dars turlar bo'yicha taqsimoti

/r	Mavzular nomi	Ma'ruza
1.	“Jaxon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” faniga kirish: kursining mazmuni va asosiy vazifalari.	4
2.	Xalqaro mehnat taqsimoti (XMT)	4
3.	Tashqi savdoni davlat tomonidan tartibga solish va boshkarish yo'llari	4
4.	Xalqaro ishchi kuchi migratsiyasi	4
5.	Xalqaro kapital migratsiyasi va transmilliy kompaniyalar	4
6.	Jaxon iqtisodiyotida erkin iqtisodiy hududlarning o'rni	4
7.	Xalqaro valyuta-moliya va kredit munosabatlari	4
8.	Jaxon xo'jaligida rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyoti	6
9.	Rivojlanayotgan mamlakatlar-xalqaro iqtisodiy munosabatlar tizimida	4
10.	Xalqaro iqtisodiy integratsiya	6
11.	Jaxon iqtisodiyotini tartibga solishda halqaro tashkilotlarning o'rni	6
12.	Jaxon ho'jaligining globallashuv jarayonlarida O'zbekistonning	4

	ishtiroki	
	Jami	54

MA'RUZA MASHG'ULOTLARI.

“Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” faniga kirish: kursning mazmuni va asosiy vazifalari.

Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar fani, uning mohiyati va tarkibi. Kursning predmeti va obyekti. Jahon iqtisodiyoti milliy iqtisodiyotlar yigindisi bo'lib, ular yagona jahon xo'jaligini tashqil qiladi. Jahon iqtisodiyoti jarayonlari va uning iqtisodiy obyektlarini baholashda makroyondashuv. Xalqaro iqtisodiyot zamonaviy iqtisodiy nazariyaning eng yosh va dinamik rivojlanayotgan bo'lagi sifatida. Iqtisodiy fanlar tizimida jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlarning o'rnini.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: vizual ma'ruza, blits-so'rov, bayon qilish, klaster, “ha-yo'q” texnikasi

Adabiyotlar: A-1; A-2; A-3; A-9; A-10; Q-1; Q-6; Q-7

Xalqaro mehnat taqsimoti

Xalqaro mehnat taqsimoti jahon xo'jaligining moddiy asosi. Xalqaro mehnat taqsimoti – bu xalqaro miqyosda maxsulotlar, xizmat turlari va bilimlarni ayirboshlash, dunyodagi barcha mamlakatlar o'rtasida ishlab chiqarish, fan – texnika, savdo va boshqa soxalarda xamkorlikda rivojlantirishning obyektiv asosi ekanligi. Ishlab chiqarishda xalqaro ixtisoslashuv. Ishlab chiqarishning xalqaro kooperativlashuvi. Ishlab chiqarishda qo'shma korxonalar tashqil etishning mohiyati.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: axborot ma'ruzasi, Insert, blits-so'rov, prezentatsiya, grafik organayzer texnikalari, aniq holatlarni echish, B.B.B.

Adabiyotlar: A-1; A-3; A-5; A-9; A-10; Q-2; Q-6; Q-7

Tashqi savdoni davlat tomonidan tartibga solish va boshqarish yo'llari

Tashqi savdo siyosati. Tashqi savdo va global iqtisodiyotga qo'shilish siyosati. Davlatlarning o'zaro savdosi va mintaqaviy hamkorlik. Paxta kompleksining eksport salohiyatini rivojlantirish. Tayyor mahsulot eksportini ko'paytirish yo'llari. Terrorizmni kelib chiqishi, uni asoslari va moliyaviy raxnomolari. Terrorizmning asli «mazmuni» va «niqobi». Shanxay hamkorlik tashkilotini mintaqaviy aksilterror markazi - tinchlik garovi. Markaziy Osiyo mamlakatlarida transformatsiya jarayonining nazariy va uslubiy negizlari.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: munozarali ma'ruza, insert, aqliy hujum, blits-so'rov, klaster, O'TVG'KT

Adabiyotlar: A-1; A-4; A-6; A-9; A-10; Q-1; Q-6; Q-7

Xalqaro ishchi kuchi migratsiyasi

Ishchi kuchi xalqaro migratsiyasining sabablari va evolyutsiyasi. Xalqaro mehnat bozori. Mehnat resurslarini xalqaro migratsiyaga olib keladigan iqtisodiy va noiqtisodiy omillar. Xalqaro mehnat migratsiyasining asosiy markazlari. Ishchi kuchi immigratsiyasining kabul kiluvchi va donor mamlakatlariga ta'siri. Ishchi kuchi emigratsiyasining donor mamlakatlariga ta'siri. Mehnat resurslari emigratsiyasining rivojlanayotgan mamlakatlar uchun ahamiyati. Ishchi kuchining oshkora va yashirin migratsiyasi.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: ma'ruza, klaster, munozara, texnika: taqdimot, blits-so'rov, grafik organayzerlar.

Adabiyotlar: A-1; A-2; A-3; A-9; A-10; Q-3; Q-4

Xalqaro kapital migratsiyasi va transmilliy kompaniyalar

Kapitalning xalqaro xarakati mamlakatlar o'rtasidagi kapitallar migratsiyasidir. Kapitalning xarakat shakllari. Davlat kapitali va xususiy kapital. Kapitalni chetga chiqish sabablari. Kapitalni chetga chiqarish jarayonlaridagi yangi sifat tavsiflar. Chetga kapital chiqarishning shakl va usullari evolyutsiyasi. Transmilliy kompaniyalarning moxiyati va shakllanish xususiyatlari. Shoxobcha, shuhba va assotsiatsiyalashgan kompaniyalar. TMKlarning xalqaro iqtisodiy alokalarni rivojlanishi va investitsiyalarni joylashtirishdagi o'rni.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: axborot-ma'ruza, insert, hamkorlikda o'qitish texnikasi, sinkveyn.

Adabiyotlar: A-1; A-2; A-3; A-9; A-10; Q-1; Q-2

Jahon iqtisodiyotida erkin iqtisodiy hududlarning o'rni

Erkin iqtisodiy hududlar tushunchasi. Xalqaro korporatsiyalarning erkin iqtisodiy hududlarga munosabati. Erkin iqtisodiy hududlar jahon miqyosida xarakatlanuvchi kapitallar uchun uziga xos «qopqon» ekanligi. Erkin iqtisodiy hududlarning asosiy kurinishlari. Savdo hududlari. Sanoat ishlab chiqarish hududlari. Servis xizmat kursatish hududlari. Kompleks hududlar. Xalqaro hududlar. Offshor hududlar. Navoiy erkin iqtisodiy hududi. Tashqi savdo imtiyozlari. Soliq imtiyozlari. Moliyaviy va ma'muriy imtiyozlar.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: muammoli, fikrlar hujumi, birgalikda o'qish, munozara, taqdimot, Blits so'rov, grafik tashkil etuvchilar, T- jadval, "Vena" diagrammasi.

Adabiyotlar: A-1; A-3; A-5; A-9; A-10; Q-4; Q-6; Q-7;

Xalqaro valyuta – moliya va kredit munosabatlar

Almashuv kursi siyosati. Valyuta kursi. Valyuta almashuv kursining ko'pligi. Milliy valyutani mustaxkamlash yo'llari. Ochiq iqtisodiyotda o'rnatilgan valyuta kursi sharoitida barqarorlashtirish siyosati. O'zgaruvchan valyuta sharoitida stobillashtirish siyosati. Iqtisodiy xavfsizlik tushunchasi, turlari va omillari. Milliy xavfsizlikni tahminlash umumdavlat ishi. Respublikada bojxona siyosati milliy iqtisodiyotni xavfsizligini tahminlashning asosiy yo'llari. Korruptsiya bilan kurashish-xavfsizlikni ta'minlashning asosiy yo'li.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: hamkorlikda vizual-ma'ruza, insert, birgalikda o'qish, munozara, taqdimot, Blits shrov, grafik tashkil etuvchilar, T- jadval, diagramma "Vena".

Adabiyotlar: A-1; A-3; A-5; A-9; A-10; Q-2; Q-6; Q-7;

Jahon xo'jaligida rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyoti

Iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarning umumiy belgilari. Dunyo sanoat ishlab chiqarishida iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarning o'rni. Dunyo yalpi milliy maxsulotida va jon boshiga yalpi milliy maxsulot ishlab chiqarishida sanoati rivojlangan mamlakatlarning o'rni. Iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarning uzaro va boshka mamlakatlar bilan tashqi savdo va investitsiya siyosati. Iqtisodiy rivojlanishning Amerika, Yaponiya, Germaniya modellari. Iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarning rivojlanayotgan mamlakatlar va iqtisodi o'tish davriga xos bo'lgan mamlakatlarning iqtisodiy taraqqiyotida tutgan o'rni.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: Ma'ruza, "birgalikda o'rganish" usuli, texnikalari: insert, blits savol-javoblar, prezentatsiya, grafik organayzer: BG`BG`B jadvali. Muammoli usul, aqliy hujum, muhokama, texnikalar: suxbat

Adabiyotlar: A-1; A-2; A-8; A-9; A-10; Q-5; Q-6; Q-7;

Rivojlanayotgan mamlakatlar – xalqaro iqtisodiy munosabatlar tizimida

Rivojlanayotgan mamlakatlarga xos bo'lgan asosiy belgilar. Rivojlanayotgan mamlakatlarning toifalarga bo'linishi. Rivojlanayotgan mamlakatlarning xalqaro mexnat taqsimotidagi roli evolyutsiyasining boskichlari va unga yordam beruvchi omillar. Rivojlanayotgan mamlakatlarning mexnat taqsimotiga kushilishiga xalal beruvchi omillar. Sanoat mollari jahon bozorida rivojlanayotgan mamlakatlarning tutgan o'rni. Rivojlanayotgan mamlakatlarda

xususiylashtirish muammolari va samaradorligi. Rivojlanayotgan mamlakatlardan kapital olib chiqish.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: Ma'ruza, muammoli usul, suhbat, aqliy hujum, texnikasi: "o'yla-ishla va fikr almash", blits-so'rov, grafik organayzer: klaster, "Savol-javob" jadvali.

Adabiyotlar: A-1; A-2; A-9; A-10; A-11; Q-3; Q-4

Xalqaro iqtisodiy integratsiya

Xalqaro iqtisodiy integratsiyaning mohiyati. Mikro darajada va makro darajada iqtisodiy integratsiya. Iqtisodiy integratsiya darajalari. Imtiyozli savdo haqidagi bitim – iqtisodiy integratsiyaning ibtidoiy shakli. Erkin iqtisodiy zona. Bojxona ittifoqi. Umumiy bozor. Iqtisodiy ittifoq. G'arbiy Yevropa va Shimoliy Amerikada integratsiya jarayonlari: umumiy va uziga xos jihatlar. Hind okeani mintakasida integratsiya jarayonlari. Rivojlanayotgan mamlakatlar va jahon xo'jaligi: integratsiyaning o'ziga xos xususiyatlari.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: Vizual ma'ruza, insert, aqliy hujum, texnikalar: blits so'rov, "o'ylang-ishlang va justlikda muhokama qiling", grafik organayzer: klaster.

Adabiyotlar: A-1; A-4; A-7; A-9; A-12; Q-3; Q-7; Q-8;

Jahon iqtisodiyotini tartibga solishda xalqaro tashkilotlarning o'rni

Xalqaro iqtisodiy tashkilotlarning mohiyati va maksadi. Jahon miqyosidagi xalqaro iqtisodiy tashkilotlar. Mintaqaviy xalqaro iqtisodiy tashkilotlar. Jahon banki va uning asosiy vazifalari. Xalqaro taraqqiyot assotsiatsiyasi faoliyati. Xalqaro valyuta fondining maqsadi. Yevropa tiklanish va taraqqiyot bankining shakllanishi va asosiy faoliyat turlari. Yevropa Ittifoqi, uning rivojlanish bosqichlari. Ittifoqning integratsiya hududidagi va jahon xo'jaligidagi tutgan o'rni. Birlashgan millatlar tashkilotining iqtisodiy va ijtimoiy kengashi: vazifalari va mashuliyati. BMTning sanoatni rivojlantirish tashkiloti. Jahon bojxona tashkiloti. Umumjahon savdo tashkiloti.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: Mualliflik ma'ruzasi, B.B.B jadvali, klaster. Muammoli usul, suhbat, aqliy hujum, munozara, namoyish qilish.

Adabiyotlar: A-1; A-6; A-8; A-9; A-12; Q-4; Q-6; Q-7;

Jahon xo'jaligining globallashuv jarayonlarida O'zbekistonning ishtiroki

O'zbekiston mustakillikka erishgach jahon xamjamiyatiga muvaffakiyat bilan qo'shilib, xalqaro munosabatlarning teng huquqli subyektiga aylanishi. Tashqi iqtisodiy aloqalar strategiyasi. Tashqi savdo oboroti. Eksport va import tarkibi. Tashqi iqtisodiy aloqalarni rivojlanishni va istiqbollari. Tashqi iqtisodiy faoliyatning investitsiyaviy, qonuniy va huquqiy bazasi. O'zbekiston Respublikasini tashqi iqtisodiy faoliyatini rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari. Progmatizmga asoslangan siyosat. O'zbekiston iqtisodiyotining strategik hamkorlari va asosiy sarmoyadorlari – AQSH, Yaponiya, Rossiya va Yevropa davlatlari. Taraqqiyot yo'lidagi O'zbekiston-Xitoy hamkorligi. Shanxay hamkorlik tashkiloti vazifalari, maqsadi, do'stlik va strategik sheriklik.

Qo'llaniladigan ta'lim texnologiyalari: Binar, esse, birgalikda o'qish, munozara, taqdimot, Blits so'rov, grafik tashkil etuvchilar, T- jadval, sinkveyn.

Adabiyotlar: A-1; A-3; A-7; A-9; A-3 Q-1; Q-6; Q-8;

"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani bo'yicha ma'ruza mashg'ulotining kalendar tematik rejasi

t/r	Ma'ruza mavzulari	Soat
1-mavzu: "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" faniga kirish: kursning mazmuni va asosiy vazifalari		
1.	"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" faniga kirish: kursining mazmuni va asosiy vazifalari.	4
1.	"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fanining o'rganish	

2.	uslublari.	
1.	Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar to'g'risidagi	
3.	iqtisodiy ta'limotlar.	
2-mavzu: Xalqaro mehnat taqsimoti (XMT)		
2.	Xalqaro mehnat taqsimoti mohiyati, turlari, uning rivojlanishiga ta'sir	
1.	etuvchi omillar.	
2.	Xalqaro mehnat taqsimoti hozirgi rivojlanishi xususiyatlari.	
2.	Ochiq iqtisodiyot.	4
3.	Iqtisodiy xavfsizlik.	
4.	Raqobatbardoshlik.	
5.		
3-mavzu: Tashqi savdoni davlat tomonidan tartibga solish va boshkarish yo'llari		
3.	Jahondagi davlatlarning asosiy guruhlar va ularning jahon xo'jaligidagi	
1.	birlashuvi.	
3.	Milliy hisoblar tizimi (MHT) va ularning ko'rsatkichlari.	4
2.	Mamlakatlarni iqtisodiy rivojlanish darajasi va ko'rsatkichlari ularni jahon	
3.	xo'jaligida qo'llanishi.	
3.	Jahon xo'jaligi va milliy xo'jaliklarning o'zaro ta'siri.	
4.		
4-mavzu: Xalqaro ishchi kuchi migratsiyasi		
4.	Ishchi kuchi xalqaro migratsiyasining sabablari va evolyutsiyasi	
1.	Xalqaro mehnat bozori	4
4.	Ishchi kuchining oshkora va yashirin migratsiyasi	
2.		
3.		
5-mavzu: Xalqaro kapital migratsiyasi va transmilliy kompaniyalar		
5.	Kapitalning xarakat shakllari.	
1.	Davlat kapitali va xususiy kapital.	4
5.	Kapitalni chetga chiqish sabablari. Kapitalni chetga chiqarish	
2.	jarayonlaridagi yangi sifat tavsiflar.	
3.		
6-mavzu: Jahon iqtisodiyotida erkin iqtisodiy hududlarning o'rni		
6.	Erkin iqtisodiy hududlar tushunchasi	
1.	Erkin iqtisodiy hududlarning asosiy ko'rinishlari	4
6.	Navoiy erkin iqtisodiy hududi	
2.		
3.		
7-mavzu: Xalqaro valyuta va kredit munosabatlari		
7.	Valyuta munosabatlari – xalqaro valyuta-moliya tizimining bosh elementi.	
1.	Jahon valyuta tizimini evolyutsiyasi.	4
7.	Valyuta kurslari va uni aniqlash omillari.	
2.		
7.		

3.		
7.		
4.	Xalqaro kredit munosabatlari.	
7.		
5.	To'lov balansi.	
8-mavzu: Jahon xo'jaligida rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyoti		
8.	Iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarning umumiy belgilari.	
1.		
8.	Dunyo sanoat ishlab chiqarishida iqtisodiy rivojlangan mamlakatlarning o'rni.	6
2.		
8.	Iqtisodiy rivojlanishning Amerika, Yaponiya, Germaniya modellari.	
3.		
9-mavzu: Rivojlanayotgan mamlakatlar – xalqaro iqtisodiy munosabatlar tizimida		
9.	Rivojlanayotgan mamlakatlarga xos bo'lgan asosiy belgilar.	
1.		
9.	Rivojlanayotgan mamlakatlarning toifalarga bo'linishi.	4
2.		
9.	Rivojlanayotgan mamlakatlarda xususiylashtirish muammolari va samaradorligi.	
3.		
10-mavzu: Xalqaro iqtisodiy integratsiya		
10	Iqtisodiy integratsiyaning mazmuni, shakllari va uni aniqlash omillari.	
.1.		
10	Ishlab chiqarish va ilmiy-texnika sohasidagi xalqaro hamkorliklar.	6
.2.		
10	Jahon xo'jaligidagi asosiy iqtisodiy integratsiyalar.	
.3.		
11-mavzu: Jahon iqtisodiyotini tartibga solishda xalqaro tashkilotlarning o'rni		
11	Xalqaro iqtisodiy tashkilotlarning moxiyati va maksadi.	
.1.		
11	Jahon miqyosidagi xalqaro iqtisodiy tashkilotlar.	6
.2.		
11	Mintaqaviy xalqaro iqtisodiy tashkilotlar.	
.3.		
11	Birlashgan millatlar tashkilotining iqtisodiy va ijtimoiy kengashi: vazifalari va mashuliyati.	
.4.		
12-mavzu: Jahon xo'jaligining globallashtirish jarayonlarida O'zbekistonning ishtiroki		
12	O'zbekiston mustakillikka erishgach jahon xamjamiyatiga muvaffakiyat bilan qo'shilib, xalqaro munosabatlarning teng huquqli subyektiga aylanishi	
.1.		
12	Tashqi savdo oboroti. Eksport va import tarkibi.	4
.2.		
12	Tashqi iqtisodiy aloqalarni rivojlanishnishi va istiqbollari.	
.3.		
12	Tashqi iqtisodiy faoliyatning investitsiyaviy, qonuniy va huquqiy bazasi.	
.4.		
Jami		54 soat

Amaliy mashg'ulotlarni tashkil etish bo'yicha ko'rsatmalar va tavsiyalar

Amaliy mashg'ulot yangi pedagogik texnologiyalarning "Aqliy xujum" usuli, "Pinbord", "Insert", "Klaster", "Baliq skeleti" kabi texnikasi va holatli masalalar yordamida yoritiladi. Bu

usullar talabalarga mavzularni o'zlashtirishga, guruhga faol ishtirok etishga va mustaqil fikrlash qobiliyatini takomillashtirishga yordam beradi. Guruhlarga bo'lib beriladigan savol va slaydlar Excel, Power Point kompyuter dasturida tayyorlanadi. Seminar mashg'ulotlarini o'zlashtirishda Internet tizimidan foydalaniladi va vazifalarni qabul qilish taqdimot usulda amalga oshiriladi.

Amaliy mashg'ulotlarning tavsiya etiladigan mavzulari

14. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar faniga kirish: kursining mazmuni va asosiy vazifalari
15. Xalqaro mexnat taqsimoti
16. Tashqi savdoni davlat tomonidan tartibga solish va boshkarish yo'llari
17. Xalqaro ishchi kuchi migratsiyasi
18. Xalqaro kapital migratsiyasi va transmilliy kompaniyalar
19. Jahon iqtisodiyotida erkin iqtisodiy hududlarning o'rni
20. Xalqaro valyuta – moliya va kredit munosabatlar
21. Jahon xo'jaligida rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyoti
22. Rivojlanayotgan mamlakatlar – xalqaro iqtisodiy munosabatlar tizimida
23. Xalqaro iqtisodiy integratsiya
24. Jahon iqtisodiyotini tartibga solishda xalqaro tashkilotlarning o'rni
25. Jahon xo'jaligining globallashtirish jarayonlarida O'zbekistonning ishtiroki
26. Milliy iqtisodiyotni Markaziy Osiyo mustaqil davlatlari transformatsiyasi

Amaliy mashg'ulotlarini tashkil etish bo'yicha kafedra professor-o'qituvchilari tomonidan ko'rsatma va tavsiyalar ishlab chiqiladi. Unda talabalar asosiy ma'ruza mavzulari bo'yicha olgan bilim va ko'nikmalarini amaliy masalalar yechish orqali yanada boyitadilar. SHuningdek, fanga doir turli darslik va o'quv qo'llanmalar asosida tarqatma materiallardan foydalanish orqali talabalar bilimlarini oshirish, statistik ma'lumotlar asosida mavzular bo'yicha tahlillar olib borish, masalalar yechish va boshqalar tavsiya etiladi.

Laboratoriya ishlarini tashkil etish bo'yicha ko'rsatmalar

Fan bo'yicha laboratoriya ishlari namunaviy o'quv rejada ko'zda tutilmagan.

Kurs ishini tashkil etish bo'yicha uslubiy ko'rsatmalar

Fan bo'yicha kurs ishi namunaviy o'quv rejada rejalashtirilmagan.

Mustaqil ishni tashkil etishning shakli va mazmuni

Mustaqil ta'limning turli shakllari mavjud bo'lib, unda talaba o'qituvchi rahbarligida fan bo'yicha yangi bilimlarni, o'quv va ko'nikmalarni o'zlashtirish, ijodiy faoliyatni amalga oshira oladi.

Ushbu shakllarga quyidagilar tegishlidir:

- Tarqatma materiallar bo'yicha ma'ruzalar qismini o'zlashtirish;
- Maxsus adabiyotlar bo'yicha fan bo'limlari yoki mavzulari ustida ishlash;
- Talabalarning o'quv-ilmiy tadqiqot ishlarini bajarish bilan bog'liq bo'lgan fan bo'limlari va mavzularni chuqur o'rganish;
- Masofaviy ta'lim;
- Faol va muammoli o'qitish uslubidan foydalanilgan o'quv mashg'ulotlari;
- O'quv qo'llanmalari yordamida fan mavzularini o'rganish.

Tavsiya etilayotgan mustaqil ishlarning mavzulari:

1. Germaniya Federativ Respublikasi. Jahon mamlakatlari bilan olib borayotgan iqtisodiy munosabatlari.
2. Fransiya Respublikasi iqtisodiyoti. Jahon mamlakatlari bilan olib borayotgan iqtisodiy munosabatlari.

3. Buyuk Britaniya va Shimoliy Irlandiya birlashgan qirolligi iqtisodiyoti. Jahon mamlakatlari bilan olib borayotgan iqtisodiy munosabatlari.

4. Italiya Respublikasi iqtisodiyoti. Jahon mamlakatlari bilan olib borayotgan iqtisodiy munosabatlari.

5. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar (JIXIM) faniga kirish.

6. Umumjahon xo'jaligi va milliy iqtisodiyotlar.

7. Xalqaro mehnat taqsimoti (XMT) va xalqaro mehnat bozori.

8. Sanoati rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyotining xususiyatlari.

9. Rivojlanayotgan mamlakatlar (RM) iqtisodiyoti.

10. O'zbekiston Respublikasining jahon xo'jaligi tizimidagi o'rni.

11. Jahon xo'jaligida xalqaro iqtisodiy integratsiya jarayoni.

12. Xalqaro savdo.

13. Xalqaro valyuta va kredit munosabatlari.

14. Xalqaro kapital xakarati.

15. Dunyoning hozirgi demografik rivojlanishining asosiy yo'nalishlari.

16 Xalqaro mehnat resurslari va migratsiyasi.

17. Xalqaro mehnat bozorlari.

18. Ekologik inqiroz global muammo.

19. Oziq-ovqat muammosi.

20. Global xalqaro xamkorlik va BMT.

21. Erkin iqtisodiy hududlar.

22. Transmilliy korporatsiyalar.

23. Xalqaro ishchi kuchi migratsiyasi.

24. Jahon iqtisodiyotining global muammolari.

25. Jahon xo'jaligida xalqaro iqtisodiy integratsiya jarayoni.

Talabalar mustaqil ta'limining mazmuni va hajmi

	Mustaqil ta'lim mavzulari	Berilgan topshiriqlar	Bajarish muddati	Hajmi (soatda)
				Iqtisodiyot
	1. Jahon iqtisodiyotini va xalqaro iqtisodiy munosabatlar (JIXIM) faniga kirish. 2. Umumjahon xo'jaligi va milliy iqtisodiyotlar.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	1-2-haftalar	4
	3. Xalqaro mehnat taqsimoti (XMT) va xalqaro mehnat bozori.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	3-4-haftalar	4
	4. Sanoati rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyotining xususiyatlari.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	5-6-haftalar	4
	5. Germaniya Federativ Respublikasi. Jahon mamlakatlari bilan olib borayotgan iqtisodiy munosabatlari. 6. Fransiya Respublikasi iqtisodiyoti. Jahon mamlakatlari bilan olib borayotgan iqtisodiy munosabatlari.	Adabiyotlardan konspekt qilish, referat tayyorlash	7-8-haftalar	4
	7. Buyuk Britaniya va Shimoliy Irlandiya birlashgan qirolligi	Adabiyotlardan konspekt qilish, referat	8-9-haftalar	4

	iqtisodiyoti. Jahon mamlakatlari bilan olib borayotgan iqtisodiy munosabatlari. 8. Italiya Respublikasi iqtisodiyoti. Jahon mamlakatlari bilan olib borayotgan iqtisodiy munosabatlari.	tayyorlash		
	9. Rivojlanayotgan mamlakatlar (RM) iqtisodiyoti.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd, referat tayyorlash	9-10-haftalar	4
	10. O'zbekiston Respublikasining jahon xo'jaligi tizimidagi o'rni.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	10-11-haftalar	4
	11. Jahon xo'jaligida xalqaro iqtisodiy integratsiya jarayoni.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	11-12-xaftalar	4
	12. Xalqaro savdo.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	12-13-xaftalar	4
0	13. Xalqaro valyuta va kredit munosabatlari. 14. Xalqaro kapital xakarat.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	13-14-xaftalar	4
1	15. Dunyoning hozirgi demografik rivojlanishining asosiy yo'nalishlari. 16 Xalqaro mehnat resurslari va migratsiyasi. 17. Xalqaro mehnat bozorlari.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	14-15-xaftalar	4
2	18. Ekologik inqiroz global muammo. 19. Oziq-ovqat muammosi.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	15-16-xaftalar	4
3	20. Global xalqaro xamkorlik va BMT. 21. Erkin iqtisodiy hududlar.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	16-17-xaftalar	2
4	22. Transmilliy korporatsiyalar. 23. Xalqaro ishchi kuchi migratsiyasi.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	16-17-xaftalar	2
5	24. Jahon iqtisodiyotining global muammolari. 25. Jahon xo'jaligida xalqaro iqtisodiy integratsiya jarayoni.	Adabiyotlardan konspekt qilish, slayd tayyorlash	17-18-xaftalar	4
	Jami			56

Informatsion-metodik ta'minot

Kursni organish jarayonida computer texnikasi, multimediya tizimlari, diaproeektorlar, korgazmali qurollar, video va audio texnikalaridan foydalanish zarur.

“Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” fanidan barcha yo'nalish talabalari bilimini reyting tizimi asosida baholash MEZONI

“Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” fani uchun o'quv rejadagi barcha yo'nalish bo'yicha jami 116 soat ajratilgan: shundan 30 soat ma'ruza, 30 soat amaliyot va 56 soat mustaqil ta'lim.

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus taolim vazirligining 2010-yil 25-avgustdagi 333-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan "Oliy ta'lim muassasalarida talabalar bilmini nazorat qilish va baholashning reyting tizimi to'g'risida"gi Nizomida ko'rsatilganidek talabalarining fan bo'yicha o'zlashtirishni baholash muntazam ravishda olib boriladi va quyidagi turlar orqali amalga oshiriladi:

- joriy baholash (J.B.);
- oraliq baholash (O.B.);
- yakuniy baholash (Ya.B.).

Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar fani bo'yicha talabalarni bir semestr davomidagi o'zlashti-rish ko'rsatkichi 100 ballik tizimda baholanadi.

Ushbu 100 ball quyidagicha baholanadi:

J.B. – 35 ball,

O.B. – 35 ball,

Ya.B. – 30 ball.

"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fanidan talabalar bilmini baholash yuqoridagi Nizom asosida o'tkaziladi. Xususan:

O.B.da fanning bir necha mavzularini qamrab olgan bo'lim yoki qismi bo'yicha nazariy mashg'ulotlar o'tib bo'lingandan so'ng, talabalarining nazariy bilimlari baholanadi va unda talabani muayyan savolga javob berish yoki muammoni yechish mahorati va qobiliyati aniqlanadi. O.B. ma'ruza darslarida amalga oshirilishi mumkin. «Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar» fani bo'yicha O.B. lar bir marta o'tkaziladi.

J.B.da fanning har bir mavzusi bo'yicha talabalarining bilimi va amaliy ko'nikmalarini aniqlab borish nazarda tutiladi va u amaliy mashg'ulotlarda amalga oshiriladi. "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani bo'yicha J.B. lar 2 marta o'tkaziladi.

Ya.B. yozma shaklida o'tkaziladi.

Talabalarining ballarda ifodalangan o'zlashtirishi quyidagicha baholanadi.

"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani bo'yicha talabalarining bilimini baholashda quyidagi namunaviy mezonlar inobatga olinadi:

Ball	Baho	Talabalarining bilim darajasi
0-54	qoniqarsiz	Tarixiy rivojlanishni bilmaslik. "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" to'g'risida tushunchaga ega bo'lmasa. Mazkur fan bo'yicha asosiy g'oya va nazariyalar to'g'risida tasavvurga ega bo'lmasa
55-70	qoniqarli	"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani to'g'risida tasavvurga ega bo'lsa. "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fanida berilgan turli xil iqtisodiy fikrlarni ayta olsa. "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fanini boshqa fanlar bilan bog'liqligini tushuntira olsa
71-85	Yaxshi	"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani bo'yicha mustaqil mushohada yurita -olsa. Milliy iqtisodiyot va uning rivojlanishida "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fanining roli to'g'risida fikr yurita bilsa. "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fanidagi iqtisodiy oqimlarni bir biridan farqlay olsa
86-100	Ahlo	"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fanidagi iqtisodiy oqimlar haqida to'liq tushunchaga ega bo'lsa. Iqtisodiy yo'nalish vakillarining iqtisodiy g'oyalarini zamonaviy ruhda talqin qila bilsa, to'g'ri xulosa chiqara olsa

Iqtisodiyot bakalavriat yo'nalishi uchun "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fanidan Ya.B. og'zaki va test usullarida o'tkazishda talabalar reytingini baholash MEZONI

"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani bo'yicha Ya.B. yozma usulida baholash mezoni bakalavr o'quv dasturiga to'la mos holda tuzilgan bo'lib, "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani bo'yicha savollarni o'z ichiga olgan savolnoma asosida o'tkaziladi va 30 ballik reyting tizimi asosida baholanadi. Har bir talabaga 5 ta savol beriladi. Ushbu sinov davomida har bir talaba 5 ta savol bo'yicha jami 0-30 ballgacha, shu jumladan bitta savol bo'yicha 0-6 ball to'plashi mumkin. Sinov natijalari har bir talabaning "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani bo'yicha bilim darajasini, uning to'plagan ballari asosida baholashga imkon beradi.

Har bir savolning quyidagi qirralari oydinlashtirilishi tegishli reyting ballari bilan baholanadi:

Javoblarda "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani muammosining nazariy asosi fikran to'g'ri bayon eta olinishi (maksimal 10 ballgacha).

Ko'rilayotgan savolning mohiyati va uning zamonaviy ruhda talqin qilinishi (maksimal 10 ballgacha).

Savollarga javoblarda ushbu savol bilan bog'liq tortishuvli masalalarning izohlanishi (maksimal 10 ballgacha).

Agar talaba savolning har bir qirrasiga to'g'ri va mukammal javob bersa, savol yuzasidan keltirilgan faktlarni mustaqil fikrlab baholay olsa, shuningdek, javobni tushunarli va ifodali bayon etib, mantiqiy xulosa qila olsa, bunday hollarda unga yuqorida belgilangan maksimal ball qo'yiladi.

Talabalar JN, ON va YaN dan to'playdigan ballarning mezonlari

№	Ko'rsatkichlar	JN ballari	OB ballari	YaN ballari
1	<i>Darsga qatnashganlik darajasi</i>	0-4	0-4	
2	Darslarda faolligi, konspekt va seminar mashg'ulotlar daftarlarning tutilishi va holati	0-5	0-4	
3	Mustaqil ta'lim uchun belgilangan topshiriqlarning o'z vaqtida va sifatli bajarilishi, uy topshiriqlarining bajarilishi	0-5	0-6	
4	Yozma nazorat ishi kollokvium yoki test savollariga berilgan javob uchun	0-4	0-5	
5	Fan bo'yicha asosiy va qo'shimcha adabiyotlarni konspekt qilish	0-4	0-4	
6	Dolzarb mavzular bo'yicha ijodiy ish bajarish	0-5	0-4	
7	Ilmiy to'garakka va anjumanlarda ma'ruza bilan qatnashish	0-4	0-4	
8	Slaydlar va ko'rgazmali qurollar tayyorlash	0-4	0-4	
9	Yakuniy baholash	-	-	0-15
9.1.	Nazariy savollarga javob yoki test savollariga javob	-	-	0-15
	JAMI	0-35	0-35	0-30

"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fanidan Ya.N. og'zaki va test usullarida o'tkazishda talabalar reytingini baholash mezoni

"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani bo'yicha Ya.N. og'zaki usulida baholash mezoni bakalavr o'quv dasturiga to'la mos holda tuzilgan bo'lib, "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani bo'yicha savollarni o'z ichiga olgan savolnoma asosida

o'tkaziladi va 30 ballik reyting tizimi asosida baholanadi. Har bir talabaga 5 ta savol beriladi. Ushbu sinov davomida har bir talaba 5 ta savol bo'yicha jami 0-30 ballgacha, shu jumladan bitta savol bo'yicha 0-6 ball to'plashi mumkin. Sinov natijalari har bir talabaning "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani bo'yicha bilim darajasini, uning to'plagan ballari asosida baholashga imkon beradi.

Har bir savolning quyidagi qirralari oydinlashtirilishi tegishli reyting ballari bilan baholanadi:

Javoblarda "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar" fani muammosining nazariy asosi fikran to'g'ri bayon eta olinishi (maksimal 10 ballgacha).

Ko'rilayotgan savolning mohiyati va uning zamonaviy ruhda talqin qilinishi (maksimal 10 ballgacha).

Savollarga javoblarda ushbu savol bilan bog'liq tortishuvli masalalarning izohlanishi (maksimal 10 ballgacha).

Agar talaba savolning har bir qirrasiga to'g'ri va mukammal javob bersa, savol yuzasidan keltirilgan faktlarni mustaqil fikrlab baholay olsa, shuningdek, javobni tushunarli va ifodali bayon etib, mantiqiy xulosa qila olsa, bunday hollarda unga yuqorida belgilangan maksimal ball qo'yiladi.

Tavsiya etiladigan adabiyotlar **Asosiy adabiyotlar**

1. Asosiy vazifamiz - Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirishdir / I.A.Karimov. - T.: O'zbekiston, 2010. - 80 b.
2. Karimov I.A. Jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, O'zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo'llari va choralari / I.A.Karimov. - T: O'zbekiston, 2009. - 56 b.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning "Mamlakatimizni modernizatsiya qilish va kuchli fuqarolik jamiyati barpo etish-ustuvor maqsadimizdir" hamda "Asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirish"nomli ma'ruzalarni o'rganish bo'yicha O'quv uslubiy majmua.-Toshkent:Iqtisodiyot.-2010.-63-856
4. A.E.Ishmuhammedov, A.S.Yusupov Milliy va xalqaro iqtisodiyot T: -2007 – 68-79 bet
5. A.V.Vahobov, D.A.Tadjiboyeva, Sh.X. Hajibakiyav Jahon iqtisodiyoti va halqaro iqtisodiy munosabatlar. Darslik.-T.: 2011.250 bet.
6. Nazarova.G.G.,Xaydarov N.X., Akbarov M.Xalqaro iqtisodiy munosabatlar.O'quv qo'llanma.- T.:MCHJ "RAM-S",2007. 215 bet.
7. Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная эконимика: Учебник. – М.: ИНФРА – М, 2008, - 474 стр.
8. Ломакин В.К. Мировая эконимика : учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направления / В.К. Ломакин. – 3-е изд, перераб. И.доп. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2007. – 671 стр.
9. Устойчивое экономическое развитие в условиях глобализации и экономики знаний: концептуальные основы теории и практики управления/Под.ред В.В. Попкова. Учебник. М.: ЗАО «Издательство» «Экономика», 2007. - 295 стр.
10. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: учебник. – М.: ЗАО «Экономика», 2007 – 359 стр.

Qo'shimcha adabiyotlar

1. Мировая экономика: прогнозы до 2020/под ред. Акад. А.А. Дынкина / Учебник ИМЭМО РАН. – М.: Магистр, 2007. – 429 стр.
2. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник/ Под ред Л.Н.Красавиной-3-е изд., перераб и под-М: Финансы и статистика, 2007.-576 стр.
3. Внешнеэкономическая деятельность: учебник для студентов сред.проф.ред.Б.М.Смитиенко, В.К.Поспелова-4-е изд, перераб.и доп.-М: «Академия», 2007-304 стр.

[1] Karimov I.A. Asosiy vazifamiz – Vatanimiz taraqqiyoti va xalqimiz farovonligini yanada yuksaltirishdir. – T.: O'zbekiston, 2010 y.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

“ИЖТИМОЙ ФАНЛАР” кафедраси

**«ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО
ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР» фанидан**

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

АНДИЖОН– 2015

К И Р И Ш

Республикаимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иқтисодчи мутахассисларини тайёрлайдиган барча факультетларида фундаментал иқтисодий фанлардан бири ҳисобланган “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанини ўқитишнинг аҳамияти каттадир.

Хўш, фаннинг мақсади ва вазифалари, унинг ўқув жараёнида тутган ўрни нимадан иборат. Маълумки, жаҳонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 290 дан ортиқ давлатлар мавжуд бўлиб, бу давлатлар ўз иқтисодиётини ва халқаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришлари билан уч гуруҳга (ривожланган, ривожланаётган, паст ривожланган давлатларга) бўлинади. Улар ўзларининг бир неча асрлар давомидаги иқтисодий ривожланишида турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий босқичларни босиб ўтганлар.

Кишилиқ жамиятида синфий жамиятнинг вужудга келиши (бу жараён турли давлатларда турли даврларда рўй берган) билан боғлиқ ҳолда, бозор муносабатлари ҳам турлича шаклланиб борди. Бозор муносабатлари дастлаб XVII- XIX асрларда Ғарбий Европанинг бир қатор давлатларида (Голландия, Англия, Франция, Германия, АҚШ) тез ривожланиб борган бўлса, ушбу мамлакатлар томонидан мустамлака қилинган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари (Ҳиндистон, Туркия, араб давлатлари, Мексика ва бошқалар) иқтисодиёти эса ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ниҳоятда тушкунликка тушиб қолган эди. Шундай қилиб, бозор муносабатлари бу даврда жаҳоннинг деярли барча давлатларида ҳукмрон бўлгани билан унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий оқибатлари турлича бўлган эди.

“...Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Бу ўринда гап банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ҳақида бормоқда...”¹

Маълумки, иқтисодий ривожланиш жаҳоннинг барча давлатлари учун умумий табиий қонуниятлари асосида боради, яъни, айтмоқчимизки бозор муносабатларининг алоҳида

¹ Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

ажратиб олинган кўриниши ёки миллий либоси йўқ, аммо ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари, йўллари мавжуд бўлиб, улар жаҳоннинг у ёки бу мамлакатларини жугрофий ўрни, табиий шароити, иқлими, табиий ресурслари, аҳолиси, иқтисодий ривожланиш даражаси ва муносабатларининг кўпгина бошқа сабабларига кўра турлича бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳондаги баъзи бир давлатлар юқори даражада, айримлари ўртача ва паст (колок) ривожланган бўлади. Бу давлатларнинг (айниқса, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Голландия) иқтисодий ютуқларини атрофлича таҳлил этиш, уларнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ривожланиш йўлларида ўрнатилиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. “Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар - АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамкамлашга алоҳида эътибор беради”² - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Муаллифлар мазкур таълим технологиясини яратишда ўзининг маслаҳатларини аямаганлиги, китобнинг янада мазмунли бўлишида фикрлари билан ўртоқлашганлиги ҳамда ташкилий ишларда ёрдам берганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус таълим вазири, профессор Б.Ю.Ходиевга, ТДИУ ректори, профессор Н.Х. Жумаевга, ТДИУ ўқув ишлар бўйича проректори, профессор А.Ш. Бекмуродовга, ТДИУ ўқув-услубий бошқарма бошлиғи Б. Усмановга, доцент Л.В.Голишга, катта ўқитувчи О.Б. Гимрановага, “Ташки иқтисодий фаолият” факультети декани и.ф.н. Т.А. Ақромовга “Халқаро иқтисодиёт” кафедраси профессор-ўқитувчиларига ўз миннатдорчилигини билдиради.

«ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР» ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ЎҚИТИШ СТРУКТУРАСИ

1.	«Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» курсининг долзарблиги ва ўқитиш структураси
-----------	--

Маълумки, иқтисодий ривожланиш жаҳоннинг барча давлатлари учун умумий табиий қонуниятлари асосида боради. Ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари, йўллари мавжуд бўлиб, улар жаҳоннинг у ёки бу мамлакатларини жугрофий ўрни, табиий шароити, иқлими, табиий ресурслари, аҳолиси, иқтисодий ривожланиш даражаси ва муносабатларининг кўпгина бошқа сабабларига кўра турлича бўлади. Бу давлатларнинг иқтисодий ютуқларини атрофлича таҳлил этиш, уларнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ривожланиш йўлларида ўрнатилиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. “Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар - АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамкамлашга алоҳида эътибор беради” - деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.³

Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг Университет ва институтларини иқтисодий йўналишидаги барча факультетларида “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанини ўқитиш муҳим аҳамиятга моликдир.

“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанининг мақсади— талабаларни жаҳоннинг етакчи мамлакат

² И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон, 1996

³ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

лари иктисодий ривожланишининг узига хос хусусиятлари билан таништириш, миллий хужаликлар таракқиёти хусусиятлари ва макроиктисодий моделлар тахлили, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар иктисодиётини таккослаш кабилар ҳисобланади.

“Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар” фанинг асосий вазифаси – жаҳоннинг етакчи мамлакатлар иктисодиётлари билан бир қаторда диққатга сазовор бўлган ривожланаётган мамлакатлар иктисодиёти билан таништиришдан иборат.

“Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар” ўз ўрганиш услуби бўйича алоҳида иктисодий фан сифатида барча мутахассисликка оид иктисодий фанлар билан ва шунингдек ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва дипломатик фанлар билан ҳам ҳамбарчас боғлиқдир.

“Жаҳон иктисодиёти ва ХИМ” фанини ўрганишда маъруза ва амалий (семинар) машғулотларида кластер, инсерт, аклий ҳужум усуллари, кейс-стадидан фойдаланилиб, “кичик гуруҳчалар” усули, муаммоли таълим технологиялари, “бумеранг” технологияси, кластер усуллари каби илғор технологиялардан фойдаланилади.

«ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР» ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНING КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

2.	“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” ўқув курси бўйича маъруза ва амалий машғулотларда ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари
----	--

Ўзбекистон ўз истиқлол ва таракқиёт йўлидан ривожланиб, халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Давлатимизнинг мустақил таракқиёт йўлини таъминлаш учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамият ва инсон манфаатига қаратилган бу ислохотларнинг самараси бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб сифатли кадрлар тайёрлашга қодир миллий асосга қурилган ва жаҳондаги илғор давлатлар таълими таракқиёти тажрибаларига таянадиган кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш асосий вазифаларидан бирига айланди. 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” миллий таълим таракқиёти ва миллий кадрлар тайёрлаш тизими истиқболларини белгиловчи ҳужжат сифатида бу соҳадаги ишларни ривожлантиришда яна бир тарихий давр бошланишига замин яратди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдир. Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб, уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдида жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўқитувчининг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-хоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир. Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миёсидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар

йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги талабаларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса ана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қилади, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқитганларини синтез қилади. Натижада билимга эга бўлади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқarli ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдида қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устиворлигини таъминлайди.

Айтилганлардан келиб чиқган ҳолда «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» ўқув курси бўйича таълим технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндошувларни келтираемиз:

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқган ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жарённинг мантикийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёنли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларнинг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив карама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Келтирилган концептуал йўриқларга асосланган ҳолда, «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» курсининг мақсади, тузилмаси, ўқув ахборотининг мазмуни ва ҳажмидан келиб чиқган ҳолда, маълум шароит ва ўқув режасида ўрнатилган вақт оралиғида ўқитишни, коммуникацияни, ахборотни ва уларни биргаликдаги бошқаришни кафолатлайдиган усуллари ва воситалари танлови амалга оширилди.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар ва лойиҳалар усуллари, амалий ишлаш усули.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитиш воситалари ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

**“ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР”
ФАНИДАН МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

1-маъзу	Жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти
----------------	---

(Маъруза-2 соат, амалий машғулот-2 соат)

1.1.Ахборот маърузада таълим технологияси

Талабалар сони: 20-60	Вақт- 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш-тематик маъруза-визуализация
Маъруза режаси	1. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанинг предмети 2. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари 3. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари 4. Халқаро меҳнат тақсимоти ва унга таъсир этувчи омиллар 5. Халқаро меҳнат тақсимотини ривожланишининг замонавий ўзига хос томонлари. Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси
Ўқув машғулотининг мақсади: “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фани, замонавий шароитларда жаҳон иқтисодиёти, халқаро иқтисодий муносабатларнинг моҳияти тўғрисида яхлит тасаввур шакллантириш.	

Педагогик вазифалар: • Жаҳон иқтисодиёти, халқаро иқтисодий муносабатлар тушунчалари ва уларнинг моҳияти билан таништиради; • Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг амалий аҳамиятини тушунтиради; • Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фани ҳақида гапириб беради; • Жаҳон иқтисодиёти эволюциясини босқичма-босқич очиб беради; • Халқаро иқтисодий муносабатлар шакллариға қисқача характеристика беради; • Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ фанининг.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба бажариши лозим: • таркибий-логик схема ёрдамида “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанининг мавзуларини айтадилар ва уларни ўрганиш кетма-кетлигини кўрсатадилар; • Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар моҳияти, ва уни ўрганиш мақсадларини очиб бериш; • Қуйидаги тушунчаларға тариф бериш: «Жаҳон иқтисодиёти», «халқаро иқтисодий муносабатлар», «Очиқ иқтисодиёт»; • Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичларини санаб ўтиш; • Халқаро иқтисодий муносабатлар шакллариға қисқача характеристика бериш; • замонавий шароитлардаги жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятларини гапириб бериш.
Ўқитиш усуллари	Маъруза-ахборот, ақлий ҳужум, техника: блиц-сўров, диққатни жалб қилувчи саволлар
Ўқитиш воситалари	Лазерли проектор, визуал материаллар.
Ўқитиш шакллари	Жамоавий, фронтал.
Ўқитиш шароитлари	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: диққатни жалб қилувчи саволлар

Маърузанинг технологик картаси (1-машғулот)

Босқичлар, вақт	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талабалар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (5 мин.)	Ташкилий ҳолат: Талабалар билан танишади, ўзи ҳақида маълумотлар беради. 1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади.	1.1. Диққат билан тинглайдилар.
2-босқич. Ахборот босқичи (65 мин.)	2.1. Билимларни фаоллаштириш учун диққатни жалб қилиш саволлари беради: 1. Жаҳон иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз? 2. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар тушунчалари ўртасида қандай фарқ бор? 3. Нима деб ўйлайсиз Очиқ иқтисодиёт нима? 2.2. Экранга визуал материалларни чиқаради ва (1 илова) “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” схемаси билан танишишни таклиф этади, ушбу фаннинг бўлажак ўқиш ва амалий фаолият	2.1. Индивидуал равишда ишлайдилар, муҳокама қиладилар ва жавоблар берадилар. 2.2. Слайдларни ўрганадилар. Фаннинг бўлажак амалий фаолият, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

	билан боғлиқлигини, курс нимани ўргатади ва у бошқа фанлар билан қандай боғлиқлигини тасвирлашни таклиф этади (ақлий ҳужум усули). Талабалар иши натижаларини шарҳлайди, айтилган фикрларни умумлаштиради, фаннинг роли ва аҳамияти ҳақида якуний фикр билдиради. 2.3. Экранга кейинги «Фаннинг таркиби» слайдини чиқаради, фаннинг мавзулари билан таништиради, уларни қисқача шарҳлайди. Фан рейтинг мезонлари, жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш кўрсаткичлари ва критерийлари билан таништиради. Асосий адабиётлар рўйхати, талабаларга қўйиладиган талаблар билан таништиради. 2.4. Босқичма-босқич равишда режадаги саволлар бўйича маъруза материалларини тушунтиради (2-илова) ва диққатни жалб қилувчи саволлар беради: Биринчи савол бўйича – Жаҳон иқтисодиёти нима? Иккинчи савол бўйича – халқаро иқтисодий муносабатлар нима? Мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олишни таклиф қилади.	тўғричида фикрларини айтадилар. 2.3. Кейинги слайдларни ўрганадилар. Шарҳ мобайнида схема, жадваллар, слайдларни муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар. Асосий жойларини ёзиб олади.
3 босқич. Яқунловчи (10 мин.)	3.1. Ўзлаштириш даражасини синаш учун савол беради: Халқаро иқтисодий муносабатлар миллий иқтисодиётдаги роли қандай? Машгулот бўйича яқун чиқаради, фан ҳақидаги маълумотларни блиц-сўров техникаси ёрдамида умумлаштиради (3-илова). 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: Жаҳон ҳўжалигини ривожланиш босқичлари (босқич, унинг хусусиятлари) жадвалини тузиш; маърузанинг 4 саволини Инсерт техникаси ёрдамида ўқиш ва Инсерт жадвалини тўлдириш.	3.1. Саволга жавоб беришади. 3.2. Мустақил иш учун вазифани ёзиб олишади.

1-илова (1.1) Фанга кириш. «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг роли ва аҳамияти»
--



“Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ” фанининг таркиби
3-курс бакалавриат

1-мавзу. Жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти

2-мавзу. Жаҳон ҳўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар: асосий кўринишлари ва хусусиятлари. Халқаро меҳнат тақсимоти

3-мавзу. Тошқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари

4-мавзу. Халқаро ишчи кучи миграцияси

5-мавзу. Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

6-мавзу. Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудудларнинг туган ўрни

7-мавзу. Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлар


8-мавзу. Жаҳон ҳўжалигида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти

9-мавзу. Ривожланаётган мамлакатлар – халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида

10-мавзу. Халқаро иқтисодий интеграция

11-мавзу. Жаҳон иқтисодиётини тартибга солишда халқаро ташилотларнинг роли

12-мавзу. Жаҳон ҳўжалигининг глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг иштироки



**“Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар”
фани бўйича
Рейтинг жадвали**

Ўқув режасига кўра аудитория соатлари

Жами	84
Шу жумладан:	
Маъруза	42
Амалий машғулот	42

Фан бўйича максимал балл - 100

Шу жумладан:	
Жорий назорат	50
Оралиқ назорат	20
Якуний назорат	30
Саралаш бали	55


Баҳолаш мезонлари

86-100	Аъло
71-85	Яхши
56-70	Қониқарли
55	Қониқарсиз

2-илова (1.1)

Визуал материаллар

1-савол. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг предмети



Халқаро иқтисодий муносабатлар предмети

**Халқаро иқтисодий
муносабатлар предмети икки
асосий қисмдан, яъни, халқаро
иқтисодий муносабатларнинг
ўзи ва уни амалга ошириш
механизмидан иборатдир.**

**Халқаро иқтисодий муносабатлар ўз ичига алоҳида
мамлакатларни, уларнинг минтақавий
бирлашмаларини, шунингдек алоҳида
корхоналарнинг (трансмиллий, кўпмиллий
корпорацияларни) жаҳон хўжалиги тизимидаги бир-
бирига қарама-қарши бўлган иқтисодий
муносабатларининг мажмуини олади.**

**Халқаро иқтисодий муносабатлар механизми эса ўз
ичига ҳуқуқий меъёрларни ва уларни амалга
ошириш воситаларини (халқаро иқтисодий
шартномалар, келишувлар, “кодекслар”, хартиялар
ва ҳ.к.), халқаро иқтисодий муносабатларни
ривожлантириш мақсадида амалга оширишга
йўналтирилган халқаро иқтисодий
ташкилотларнинг фаолиятини олади.**

2-савол. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари



Интенсив давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги даражаси қуйидагиларни кўрсатади:

- ☐ жаҳон ҳўжалигида халқаро меҳнат тақсимои даражасининг чуқурлигини;
- ☐ анъанавий халқаро тайёр маҳсулотлар савдоси миқёсларининг кенгайиши ва характерининг ўзгарганлигини (у кўп жихатдан миллий ишлаб чиқариш жараёнларига тўғридан-тўғри хизмат қила бошлайди);
- ☐ капитал миграциясининг интенсивлашганлигини;
- ☐ илмий-техник билимлар алмашувининг тезлашганлиги ва шунингдек хизматлар соҳасининг ривожланганлигини;
- ☐ ишчи кучи миграциясининг сезиларли даражада ўсганлигини (халқаро ишчи кучи миграцияси халқаро ҳўжаликнинг байналминаллашувининг муҳим қисми бўлиб қолмоқда);
- ☐ давлатлар ва минтақалар ўртасидаги иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг тезлашиши ва кенгайишини.

**Замонавий халқаро иқтисодий
муносабатларнинг асосий тенденциялари**

**Байналмилаллашув ва
глобаллашувдир**

**Замонавий халқаро иқтисодий
муносабатларнинг асосий тенденциялари**

**Хўжалик ҳаётининг
БАЙНАЛМИЛАЛЛАШУВИ
мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий
ўзаро алоқаларнинг барқарор
ривожланиши ва такрор ишлаб
чиқаришнинг миллий чегаралардан
чиқиб кетиши жараёнидир**

**Замонавий халқаро иқтисодий
муносабатларнинг асосий тенденциялари**

**Жаҳон иқтисодиётининг
ГЛОБАЛЛАШУВИ – хўжалик юритиш
субъектлари (жаҳон хўжалиги субъектлари)
ўзаро боғлиқлигининг бир субъект ҳаракати
бошқа барча (кўпчилик) субъектлар
манфаатига таъсир қиладиган даражада
ривожланиш жараёни**

3-савол. Жаҳон ҳўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари

Жаҳон иқтисодиётининг шаклланиш босқичлари

XV-XVI асрлар.

Буюк географик кашфиётлар. Жаҳон мустамлака тизимининг шаклланиши. «Нархлар инқилоби». Жаҳон капиталистик бозорининг пайдо бўлиши. Мануфактура.

XVII-XIX асрнинг биринчи ярми.

Жаҳон капиталистик бозорининг шаклланиши. Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши (саноат тўнтариши, буржуазия инқилоби, мануфактурадан ишлаб чиқаришнинг фабрика тизимига ўтилиши). Жаҳон савдосининг ХИМ шакли сифатида ривожланиши

XIX асрнинг ўрталари – XX аср.

Саноат инқилоби. Жаҳон ишлаб чиқишининг пайдо бўлиши. Барча мамлакатлар иқтисодиётларининг меҳнат тақсимои асосида ўзаро боғлиқлигини ортиб бориши. ХИМ шакллариининг пайдо бўлиши ва ривожланиши (ишлаб чиқариш омилларининг жаҳон миграцияси, жаҳон валюта-молия тизими). ИТИ ривожланиши, ҳўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви. Иқтисодий интеграция, жаҳон ҳўжалигининг трансмиллийлашуви. ЖИдаги инқирозли ҳолатлар:

1910-1930-йиллар – Биринчи жаҳон уруши. Социалистик революция, жаҳон иқтисодий инқирози («Буюк депрессия»), автаркия тенденциялари

1930-1940-йиллар – иккинчи жаҳон уруши, жаҳон социалистик ҳўжалик тизимини яратилиши (ЖХ структурасининг бузилиши), жаҳон ҳўжалиги алоқаларини қисман тиклаш билан бирга тўхталиши

1950-1960-йиллар – жаҳон мустамлака тизимининг емирилиши

1990-йиллар – жаҳон социалистик тизими ва СССРнинг емирилиши, мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги ва ўзаро боғлиқлигининг кучайиши

1990-2000 йиллар

Жаҳон ривожланишининг янги (замонавий) босқичи жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва унинг ривожланишидаги асосий ўрин ТМК ва ТМБга ўтиши. Бозорларнинг глобаллашуви.

4-савол. Очiq иқтисодиётнинг моҳияти

Очiq иқтисодиётнинг афзалликлари қуйидагилардир:

- ☐ **ишлаб чиқаришни ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашиши;**
- ☐ **ресурсларни мулоҳазакорлик билан самарадорлик даражасига қараб тақсимлаш;**
- ☐ **халқаро иқтисодий алоқалар тизими орқали жаҳон тажрибасининг тарқалиши;**
- ☐ **жаҳон бозоридаги рақобат томонидан рағбатлантириладиган миллий ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатнинг кучайиши.**

Очиқлик миқдорининг биринчи даражали индикаторига экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) ул ушини киритиш мумкин.

■ экспортнинг ЯИМга муносабати
экспорт квотаси сифатида аниқланади:

■ $Эк = Э / ЯИМ \times 100\%$,

■ бу ерда $Эк$ - экспорт квотаси, $Э$ - экспорт ҳажми.

Иқтисодий оқишнинг бошқа
курсагичи импорт билан ЯИМ
муноабатида келиб чиқувчи импорт
квотаси курсицир:

□ $Ик = И / ЯИМ \times 100\%$,

□ бу ерда $Ик$ - импорт квотаси, $И$ - импорт
ҳажми

3-илова (1.1)

Блиц-сўров саволлари

1. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанининг моҳияти нимада?
2. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг қандай эволюцион боскичларини биласиз?
3. Замонавий иқтисодиёт тизимида халқаро иқтисодий муносабатларнинг роли қандай?
4. Очик иқтисодиёт нима?

4-илова (1.4)

Ўқув визуал материаллар


1-слайд

□ Халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш давлатларга қўшимча иқтисодий самара бериб, ўз эҳтиёжларини энг кам ҳаражатлар билан тўлиқроқ қондириш имконини беради.

2-слайд


- Меҳнат тақсимоти – бу тарихан белгиланган ижтимоий меҳнат тизимидир. У жамият ривожланиши жараёнида фаолиятнинг сифат жиҳатдан дифференциацияси натижасида келиб чиқади.
- Меҳнат тақсимоти турли шаклларда намоён бўлади. Халқаро иқтисодий муносабатлар курсида халқаро меҳнат тақсимоти ўрганилади.

Ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимои




Халқаро ишлаб чиқариш омиллари тақсимои – тарихан шаклланган ёки эгалланган ҳолда турли мамлакатларда ишлаб чиқариш омилларининг жамланиши бўлиб, мамлакатлар томонидан бошқа мамлакатларга нисбатан маълум бир товарларни самаралироқ ишлаб чиқариш имконини беради

Халқаро меҳнат тақсимотининг моҳияти



Халқаро меҳнат тақсимотининг шакллари



1.2. Амалий машғулотда ўқитиш технологияси

<i>Талабалар сони: 25-30</i>	<i>Вақт- 2 соат</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий машғулот
<i>Амалий машғулотда муҳокама қилиш учун саволлар</i>	1. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанинг предмети 2. Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари 3. Замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш хусусиятлари 4. Халқаро меҳнат тақсимоти ва унга таъсир этувчи омиллар 5. Халқаро меҳнат тақсимотини ривожланишининг замонавий ўзига хос томонлари. Халқаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш	
<i>Педагогик вазифалар:</i> • мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; • билимларни, таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; • ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; • коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> <i>Талаба бажариши лозим:</i> • Қуйидаги тушунчаларга тариф бериш: «Жаҳон иқтисодиёти», «халқаро иқтисодий муносабатлар», «Очиқ иқтисодиёт»; • Жаҳон хўжалигини ривожланиш босқичларини санаб ўтиш; • Халқаро иқтисодий муносабатлар шаклларига қисқача характеристика бериш; • замонавий шароитлардаги Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланиш хусусиятларини гапириб бериш.
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Суҳбат, ақлий ҳужум, тақдимот, блиц-сўров
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матнлари, таркатма материллар, доска, бўр, видео проектор
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал ва жамоавий, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: ўқув вазифалари, жадваллар тузиш

Амалий машғулотнинг технологик картаси

Босқичлар, вақт	Фаолият	
	Ўқитувчи	Талабалар
1 - босқич. Ўқув машғулотига кириш (20 мин.)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. Ўқитиш гуруҳларда ишлаш технологияси асосида олиб борилишини эълон қилади. 1.2. Мавзунинг таянч иборалари асосида блиц-сўров ўтказилади. Қуйидаги тушунчаларга тариф беришни таклиф қилади: «Жаҳон иқтисодиёти», «халқаро иқтисодий муносабатлар», «Очик иқтисодиёт»; Ушбу мавзу бўйича олдинги машғулот охирида берилган вазифани (Жаҳон ҳўжалигини ривожланиш босқичлари жадвалини тузиш) муҳокамасини ташкил этади. Иккинчи вазифа бўйича муҳокама вазифа гуруҳларда бажарилгандан кейин бўлишини эълон қилади. Ҳар бир талаба гуруҳ баҳосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш, график ташкил этувчи Т-схема тузиш қоидалари билан таништиради (1-илова). Гуруҳларда ишлаш натижаси плакат қоғозларда кўрсатилиши кераклигини эълон қилади.	1.1. Тинглайд и-лар, ёзиб оладилар 1.2. Саволга жавоб берадилар.
2- босқич. Гуруҳлар да ишлаш (25 мин.)	2.1. Талабаларни 4 гуруҳга бўлади. Ўқув вазифаларини тарқатади (2-илова). Қандай натижалар олиними кераклигини аниқлаштиради. Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини шарҳлайди (3-илова). Вазифани бажаришда қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради (дарслик, маъруза матнлари). Гуруҳларда ишлашни бошлашни эълон қилади.	2.1. Ўқув вазифалари, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишадилар. Вазифани бажарадилар.
3 - босқич. Тақдимо т (35 мин.)	3.1. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар, умумлаштиришларга эътиборни қаратади.	3.1. Тақдимот қилишади. Қўшимчалар қилишади, баҳолашади.
4 - босқич. Яқунловчи (10 мин.)	4.1. Иш яқунларини қилади. 4.2. Мустақил иш учун вазифа беради: “21 асрда жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг хусусиятлари” мавзусида эссе ёзиш.	4.1. Тинглайд и-лар, аниқлаштирадилар. 4.2. Мустақил иш учун вазифани ёзиб олишади..

1-илова (1.2)

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.
Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.
Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.
Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.
Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.
Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:
- Бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- Кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

«Т - схема» техникаси

- бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган; бунда уларнинг ҳар бири алоҳида нукталардан муҳокама этилади. Масалан ижобий ва салбий томон-лари, афзаллик ва камчилик-лари, бир ғоянинг икки томони, фойда ва зарарлари;
- танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлаш муваффақияти ривожлантиришига ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имкон яратади;
маъруза якунида қўлланилади,

Т-схема қонун-қоидалари билан танишиб чиқади.
Якка таркибда ёки жуфт-жуфт бўлиб Т-схемани тўлдиради

Ўз ғояларини ёзма равишда ўнг ва чап тарафларида ёзиб чиқарилар. Ғоялар қарама-қарши бўлиши мумкин.

Схемадаги ғоялар таққосланиши ва якка тартибда, жуфт-жуфт ҳолда ёки кичик гуруҳларда тўлдирилиши мумкин.

Ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин.

Жадвални тўлдириш

Т—схема.

<i>Афзалликлар</i>	<i>Салбий жиҳатлар</i>

2-илова (1.2)

Ўқув вазифалари

1-гурӯх

- Бир сўз билан ушбу саволга жавоб беринг:
«Жаҳон иқтисодиёти» ва «Халқаро иқтисодий муносабатлар», тушунчалари бир-бири билан қандай боғланган?
- Глобаллашувнинг жаҳон иқтисодиётига таъсирини ёритиб беринг ва унинг афзалликлари ва салбий жиҳатлари жадвалини тузинг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).
- Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари айтиб беринг

2-гурӯх

- «Очиқ иқтисодиёт» тушунчасини тушунтириб беринг.
- Глобаллашувнинг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини ёритиб беринг ва унинг афзалликлари ва салбий жиҳатлари жадвалини тузинг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).
- Замонавий жаҳон иқтисодиёти ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни айтинг.

3-гурӯх

- Экспорт квотаси нима?
- Глобаллашувнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини ёритиб беринг ва унинг афзалликлари ва салбий жиҳатлари жадвалини тузинг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).
- Очиқ иқтисодиётнинг афзалликлари нималардан иборат?

4-гурӯх

- Импорт квотаси нима?
- Глобаллашувнинг ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини ёритиб беринг ва унинг афзалликлари ва салбий жиҳатлари жадвалини тузинг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).
- Хўжалик ҳаётининг байналмилалашуви деганда нимани тушунаси?

3-илова (1.2)

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)

№ Гуру хлар	1 вазиф а	2 вази фа	3 вазиф а	Т-схема	Жами баллар

	(0,5)	(0,5)	(0,5)	(0,5)	(2,0)
1					
2					
3					

2-мавзу	Халқаро савдонинг ривожланиш назариялари ва моделлари
----------------	--

(маъруза – 4 соат, амалий машғулот – 4 соат)

2.1.Маърузани ўқитиш технологияси

<i>Талабалар сони: 20-50та</i>	<i>Вақти: 4 соат.</i>
<i>Ўқув мағулотининг шакли</i>	Информацион – кўргазмали маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Халқаро савдо концепцияси 2. Халқаро савдонинг классик назариялари 3. Халқаро савдода умумий мувозанат 4. Халқаро савдонинг янги назариялари
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> талабаларда халқаро меҳнат тақсимооти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар</i> • Халқаро савдонинг классик назария ва моделлари мазмуни ва моҳиятини тушунтиради; • Халқаро савдо ривожланишининг замонавий хусусиятларини ёритиб беради; • Халқаро савдодаги ихтисолашув шартлари моҳиятини тушунтириб беради; • Ишлаб чиқаришда нисбий харажатлар назариясини ёритиб беради; • Классик назарияларнинг ютуқ ва камчиликларининг тушунтириб беради.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> <i>Талаба бажариши лозим:</i> • халқаро савдода ихтисослашув ва унинг замонавий хусусиятлари, шакллари тушунтириб бера оладилар; • замонавий шароитда халқаро савдонинг ривожланиш назария ва моделларини ривожланишининг хусусиятларини очиқ берадилар • ишлаб чиқаришда нисбий харажатлар назариясини ёритиб берадилар • ишлаб чиқариш омиллари назарияси моҳияти ва уни татбиқ этишда таъсир қилувчи омилларни санаб берадилар
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Маъруза, «Т-схемаси» техникаси, бахс-мунозара, ФСМУ технологияси.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер технологияси, проектор, слайдлар, таркатма материаллар
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоавий, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.

Мониторинг ва баҳолаш	Кузатиш, оғзаки назорат, ёзма назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топширик.
-----------------------	--

Маърузанинг технологик картаси (1-машгулот)

Иш жараёни ва вақти	фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради. 1.2. Машғулоти ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. 1.3. Талабага мавзу бўйича тар-қатма материалларни тарқатади. 1.4. Мавзу бўйича маъруза машғулотининг таянч иборалари ва маъруза режасига изох беради.	Тинглайди, мавзу номини ёзиб олади. Тарқатмалардан фойдаланади Таянч иборалар билан танишади
63. Бир мамлакатда икки иқтисодиёт расмий (социалистик ва бозор иқтисодиёти) амал қилаётган мамлакатни аниқланг.

- A) Хитой
- B) Япония
- C) Венгрия
- D) Шимолий Корея

64. Жахон иқтисодиётини ривожланган уч марказини аниқланг.

- A) Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Шарқий-Жанубий Осиё
- B) АҚШ, Германия, Осиё
- C) АҚШ, Ғарбий Европа Австралия
- D) Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Хиндистон

65. Халқаро савдода нисбий устунликлар назариясини 1-чи бўлиб ким яратган?

- A) Д. Риккардо
- B) Томас Мальтус
- C) Поль Самуэльсон
- D) Адам Смит

66. Франция Англияга вино, Англия эса Францияга туқимачилик маҳсулотини экспорт қилди. Англияда винонинг нархи туқимачилик маҳсулотига нисбатан қутарилиши нимани билдиради?

- A) Франциянинг ташқи савдоси шарт-шароитини яхшилланиши
- B) Англиянинг экспорт имкониятларини кийинлашуви
- C) Франция савдо имкониятини эгри чизигининг бурчагини узгариши
- D) Англияда вино истеъмолини қупайиши

67. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси қачон ташкил этилган?

- A) 2008 йил декабрь ойида
- B) 2009 йил декабрь ойида
- C) 2009 йил май ойида
- D) 2007 ноябрь ойида

68. Импорт квотаси нима учун қўлланади?

- A) Ички ишлаб чиқаришни импортга нисбатан рақобатбардошлилигини таъминлаш учун
- B) Ички бозорда талаб ва таклифни баланслаштириш учун
- C) Халқаро музокараларда узаро қилишувга эришиш учун восита сифатида қўлланилади
- D) Тулов балансини мувофиқлаштириш учун

69. Ташки савдонинг миллий даромад ва ЯММ га таъсирини миқдорий баҳолаш учун қайси курсаткичдан фойдаланилади?

- А) Ташки савдо мультипликатори.
- Б) Реал экспорт квотаси.
- В) Импорт квотаси.
- Г) Экспорт квотаси.

70. Давлатлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб, халқаро меҳнат тақсимотидан максимал даражада фойда олишини қандай ишлаб чиқариш самараси вужудга келтиради?

- А) Оммавий ишлаб чиқариш самараси.
- Б) Миллий даромаднинг экспорт ҳисобига қупайиш самараси.
- В) Мураккаб технологияли ишлаб чиқариш самараси.
- Г) Арзон нархдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш самараси.

71. АКШнинг янги ва истикболи товарлар ишлаб чиқаришдаги етакчилигини қайси назария тушунтириб беради?

- А) Товарнинг яшаш цикли назарияси.
- Б) Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси.
- В) Нисбий устунлик назарияси.
- Г) Капитал назарияси.

72. Альтернатив харажатлар назариясига қура мамлакатлар қандай маҳсулотни экспорт қиладилар?

- А) Илғор технологияларга эга ишлаб чиқариш маҳсулотларини.
- Б) Кам харажатли ишлаб чиқариш маҳсулотларини.
- В) Меҳнат талаб маҳсулотларни.
- Г) Мураккаб технологияли ишлаб чиқариш маҳсулотларини.

73. Агарда немис маркасининг АКШ долларидagi нархи 50 центдан 45 центга тушса, Германияда 150 маркадан сотилаётган магнитофоннинг доллардаги нархи қанчага узгаради?

- А) 7,5 долларга пасаяди.
- Б) 10 долларга камаяди.
- В) 5 долларга пасаяди.
- Г) 7,5 долларга усади.

74. Реал валюта курси нимани англатади?

- А) Инфляция даражасини ҳисобга олиб белгиланган курс.
- Б) Марказий банк томонидан белгиланган расмий курс.
- В) Валютанинг харид қувватидан келиб чиқиб белгиланган курс.
- Г) Ревальвация килинган валюта курси.

75. Миллий валюта курси девальвация килинса?

- А) Миллий валютанинг хорижий валютадаги нархи пасаяди.
- Б) Давлат тилланинг сотиб оладиган нархини оширади.
- В) Мамлакатда тулов баланси дефицити камайтиради.
- Г) Валютанинг ички харид қуввати камаяди.

76. Доллар стандарти қачон бекор килинган?

- А) 1971
- Б) 1967
- В) 1973
- Г) 1975

77. Валюта курси режимлари қайси жавобда тугри курсатилган?

- А) Эркин сузиб юривчи, бошқариладиган сузиб юривчи, фиксация килинган. курслар
- Б) Фиксация килинган курс.
- В) Форвард курс.
- Г) Эркин сузиб юривчи курс.

78. 1995 йил дунёдаги 100 та энг йирик ТМКлар каторига кирган ривожланаётган давлатларнинг ТМКси қайси?
А) Петролес де Венесуэла, ДЭУ.
Б) Мобил, Ай Би Эм.
В) Форд, Ситка.
Г) Хитаи, Юнилевер.
79. ТМК ларнинг ракобат устунлигини асосий шакллари қайсилар?
А) энг кам харажатлар, товарнинг дифференциацияси.
Б) микёс самарасига эришиш, узининг илгор технологиясига эга булиш.
В) монопол хукмронлик, минтакаларда ишлаб чиқаришни жамлаш.
Г) савдо фаолиятини байналминаллашуви, хом-ашё ва ярим фабрикал етказиб берувчиларни хилма-хиллаштириш.
80. ТМК лар фаолиятида интернализация концепцияси нимани англатади?
А) Фирма мулкани янги бозорларда кулайтириш, янги хом-ашё манбаалари ва ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш.
Б) Ноёб товар ишлаб чиқариш, экспорт килиш.
В) Хусусий технология ва рекламадан самарали фойдаланиш.
Г) Экспорт бозорларига инвестиция киритиш.
81. ТМК лар фаолиятида “экстернализация” концепцияси нимани англатади?
А) Корпарация учун етакчи хисобланган сохаларида фаолиятни жамлаш, хом-ашё ва ярим фабрикал етказиб беришни мустакил фирмаларга топшириш.
Б) Корпарациянинг ишлаб чиқариш сохаларининг узаро бир-бирига богликлиги.
В) Янги ишлаб чиқариш турларини узлаштириш.
Г) Корпарация фаолиятини янги ишлаб чиқариш турлари эвазига кенгайтириш.
82. ТМК лар ракобат устунлиги учун “киймат занжири” концепциясининг ахамияти нимада?
А) Фирма ракобат устунлигига эришиш учун унинг фаолияти комплекс тахлил килиниб, киймат занжиридаги нозик бугин излаб топилади ва бартараф килинади.
Б) Фирма фаолиятини стратегик жихатдан мухим унсурларга ажратиб беради.
В) Корхона фаолиятини тулик тахлил килиб, ракобат устунлиги тушунилиб етилади.
Г) Корхона алокаларини кенгайтиришга ёрдам беради.
83. Халкаро кредитнинг асосий шакллари қайси жадвалдарда тугри курсатилган?
А) Акцепти-Расбурсли кредит.
Б) Акцептли кредит.
В) Истеъмол кредити.
Г) Фирма кредити.
84. Халкаро ташкилотлар берадиган кредит хусусий банклар берадиган кредитдан фарки нимада?
А) Узок муддатли эканлиги, фоиз микдори пастлиги билан.
Б) Кредитни бериш воситаси билан.
В) Бериш максади ва таъминлаш даражасига кура.
Г) Кредит муносабатларида катнашувчи субъектлар турига кура.
85. Еврокредит нима?
А) Европа молия бозорида бериладиган кредит.
Б) Европа банклари берадиган кредит.
В) Европа мамлакатларида бериладиган.
Г) Швейцария франкида бериладиган кредит.

86. Либер кандай ставка?

А) Етакчи баркарор валюталардаги депозитларга туланадиган Лондон молия бозори фоиз ставкаси.

Б) АКШ экспорт-импорт банки фоиз ставкаси.

В) Инглиз банки тижорат кредитлар фоиз ставкаси.

Г) Жахон бан кредитлар фоиз ставкаси.

87. Ривожланаётган давлатларнинг карздорлик муаммоси қачон пайдо бўлган?

А) 20 аср 80-йилларида

Б) 20 аср 70-йилларида

В) 20 аср 50-йилларида

Г) 20 аср 60-йилларида

88. Халқаро кредитлар бўйича карздорлик муаммосини ҳал қилишнинг қайси йули маъқул?

А) Умидсиз ссудилларни банк балансидаги учиратиш.

Б) Янги кредит молияси очиш.

В) Карз йигиндиларини инкассация қилиш жараёнига эътиборни қучайтириш.

Г) Кредит олаётган объектларни инспекция қилишни қучайтириш.

89. Тулов балансидаги капитал ҳаракати ҳисоби қайси битимларни ўз ичига олади?

А) Капиталга бўлган эгаллик ҳуқуқини бериш ёки бекор қилишга оид битимларни.

Б) миллий қорхоналар ва қимматбаҳо қозғаларни сотиш ва сотиб олишга оид операциялар.

В) Импорт туловига оид битимларни.

Г) ташқи қарзни тулашга оид битимларни.

90. тулов балансидаги капитал ҳисоби гуруҳларга бўлинади?

А) Қиска ва узок муддатли капитал ҳаракати.

Б) Моддий ва номоддий активлар.

В) Активлар ва пасивлар.

Г) Хорижий валютадаги захира, хорижий тижорат кредитлар.

91. Марказий Банкнинг тулов балансини баркарорлаштириш учун ишлатувчи расмий тилла-валюта заҳираси ўз ичига нималарни олади?

А) монетар тилла, валюта заҳираси, СДР, ХВФдаги захира ҳисса.

Б) мамлакатнинг тилла заҳираси, чет элдаги моддий ва номоддий активлари.

В) мамлакатнинг хорижий валютадаги заҳираси, чет мамлакатларга берган қарзи.

Г) четдан олинган кредитлар, тиллава хорижий валюта заҳираси.

92. Тулов балансидаги моддалар қелиб қиқилишга қура қайси турдаги моддаларга бўлинади?

А) автоном ва балансловчи.

Б) кредит ва дебет.

В) актив ва пасив.

Г) ташқи савдо ва капитал баланси.

93. Тулов балансининг нолга тенг натижа берувчи ҳолати қачон юз беради?

А) ташқи савдо ва хизматлар бўйича сальдо ҳисоби, ҳамда узок муддатли капитал экспорти ҳажми билан қиска муддатли кредитларнинг сальдоси ҳисоби бир-бирига тенг бўлса.

Б) ташқи савдо бўйича ижобий, узок муддатли капитал ҳаракати бўйича салбий сальдога эга бўлса.

В) қиска ва узок муддатли капитал сальдоси ва ташқи савдо сальдоси бир-бирига тенг бўлса.

Г) мамлакатга қириб қелувчи ва қиқиб қетувчи капитал сальдоси ва товарлар экспорти ва импорти сальдоси бир-бирига тенг бўлса.

94. Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий шарти қайсылар?

А) иқтисодий тараққиёт даражасининг яқинлиги, умумий чегара ва тарихан шаклланган иқтисодий алоқаларни мавжудлиги, биргаликдаги ҳаракатларни талаб қилувчи умумий муаммоларни мавжуд бўлиши.

Б) ташки савдони эркинлаштириш, бир минтакада жойлашиш.
В) ишлаб чиқаришнинг кучли бир-бирига боғлиқ бўлиши, иқтисодий манфаатларнинг бир-бирига мослиги.

Г) минтакавий бозорни мавжудлиги, умумий чегараларнинг мавжудлиги.

95. Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий мақсадлари нима?

А) микёс самараси эъзига ишлаб чиқариш харажатларини камайитиш, истеъмол бозорини кенгайтириш, ҳамма йуналишлар бўйича ҳамкорликни мустахкамлаш, жаҳон бозорида иштирокчи давлатларнинг рақобат позициясини мустахкамлаш.

Б) минтака давлатларининг узаро савдосини ривожлантириш.

В) ишчи кучининг эркин миграциясини йўлга қўйиш, минтака давлатларида халқаро савдони ривожлантириш.

Г) иштирокчи давлатлар умумий савдосини эркинлаштириш, божхона иттифоқини яратиш.

96. Дифференциаллашган интеграция модели нимани англатади?

А) интеграция жараёнининг тезлигини иштирокчи давлатлар тараққиёт даражасидан келиб чиқиб белгилаш.

Б) интеграция гуруҳига янги аъзоларни қабул қилиш.

В) интеграция жараёнининг кетма-кет ривожланиши.

Г) интеграция жараёнининг мақсадларини турлича бўлиши.

97. Интеграцион гуруҳларнинг иқтисодий модели деганда нима тушунилади?

А) интеграция жараёни амалга оширишда қилишилган иқтисодиётни бошқариш ва фаолият курсатиш механизми.

Б) интеграция жараёнидаги иштирокчи давлатларнинг иқтисодий тараққиётини ўзига хос хусусиятлари

В) иштирокчи давлатлар иқтисодиётини узаро бир-бирини тулдирувчилиги.

Г) иштирокчи давлатларда бир хил бозор иқтисодиёти моделини амал қилиши.

98. Халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиш босқичларини кетма-кетлиги қандай?

А) эркин савдо ҳудуди, божхона иттифоқи, умумий бозор, валюта иттифоқи, сиёсий иттифок асосидаги тулик интеграция

Б) божхона иттифоқи, умумий бозор, валюта иттифоқи.

В) аввал иқтисодий ҳамкорлик, сунгшра иқтисодий интеграция.

Г) божхона иттифоқи, валюта иттифоқи, сиёсий иттифок.

99. Евроҳудудига қабул қилиш мезонлари қайси жавобда тугри қўрилган?

А) бюджет дефицитини ЯИМга нисбати, давлат қарзини ЯИМга нисбати, инфляция даражаси.

Б) ўзқўқудатли қредит фойз устамаси, инфляция даражаси, ишсизлик.

В) ташқи қарзни ЯИМга нисбати, ишсизлик даражаси, иқтисодий ўсиш сўр'ати.

Г) инфляция сўр'ати, валюта қўрсининг ўзғариш даражаси, ташқи қарзни экспортга нисбати.

100. Евроҳудуди қачон ва нечта давлат иштирокида ташқил топди?

А) 1999 йил 1-январда 11та давлат иштирокида.

Б) 2001 йил 1-январда 12та давлат иштирокида.

В) 1999 йил 1-майда 12 давлат иштирокида.

Г) 2000 йил 1-февралда, 15та давлат иштирокида.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

“ТЕХНИКА” факультети

“ИЖТИМОЙИЙ ФАНЛАР” кафедраси

**«ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО
ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР» фанидан**

УМУМИЙ САВОЛЛАР

АНДИЖОН – 2015

**Жаҳон иқтисодийти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фанидан
жорий назорат саволлари.**

2. ЖИХИМ тушунчаси моҳияти, шакллари.

3. ХИМ ривожининг хусусиятлари ва амал килиш механизми.
4. Халқаро меҳнат тақсимотининг моҳияти ва шакллари.
5. Халқаро меҳнат тақсимои моделлари. (назариялари)
6. Ташки савдо мултипликатори – мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоидаги иштирокининг самарадорлик курсаткичи.
7. Халқаро савдонинг моҳияти, ривожланиш тенденциялари.
8. Халқаро савдонинг товар таркиби ва географик тақсимои.
9. Халқаро истеъмол бозорлари, озик – овкат, ёкилги, тайёр маҳсулотларнинг жаҳон экспорти.
10. Халқаро рақобатбардошлик курсаткичлари. М.Портернинг «Рақобат ромби».
11. Давлатларларнинг халқаро рақобатбардошлик боскичлари. Микроиктисодий рақобатбардошлик.
12. Халқаро капитал харақатининг шакллари ва йуналишлари.
13. Хорижий инвестицияларнинг қабул қилувчи давлат иктисодиётига таъсири ва ташки савдо билан алоқадорлиги.
14. Дунё капитал бозоринг асосий ривожланиш тенденциялари ва 20 аср 80-90 йиллардаги либераллашуви.
15. Валюта курси тушунчаси ва курс шаклланишига таъсир этувчи омиллар.
16. Дунё валюта тизимининг эвалюцияси.
17. Когоз – кредит пуллар алмашувининг қиймат пропорцияси.
18. Валюта курси режимлари ва котировка турлари.
19. Валюта курсининг ташки савдога таъсири.
20. Халқаро ишчи қучи миграциясининг сабаблари ва тулқинлари.
21. Асосий ишчи миграцияси марказлари. Миграциянинг ижобий ва салбий оқибатлари.
22. Халқаро кредитнинг моҳияти, манбаси, функцияси ва шакллари.
23. Халқаро кредит бозорлари.
24. Халқаро кредит муносабатларини давлатлараро бошқарув.
25. Ривожланаётган давлатларни кредитлашнинг асосий шакллари ва ташки қарздорлик муаммоси.
26. Халқаро иктисодий интеграциянинг объектив асоси ва моҳияти, шакллари.
27. ТМҚ тушунчаси моҳияти, қелиб чиқиш сабаби, шакллари ва жаҳон иктисодиётида тутган урни.
28. ТМҚларнинг асосий фаолият шакллари ва операциялар микёси, рақобат устунликлари.
29. Тулов балансининг макроиктисодий роли.
30. Оқик иктисодитётда харажатлар мултипликатори.
31. Валюта курсининг макроиктисодий роли.
32. Жаҳон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар (ЖИХИМ) фанидан яқуний назорат саволлари.
- 33.

34. Жахон иктисодиёти ва халқаро иктисодий муносабатлар тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.
35. ХИМнинг шакллари ва амал қилиш механизми.
36. ХИМнинг ташкилий ҳуқуқий асослари.
37. Халқаро меҳнат тақсимотининг мазмуни, шакллари ва унинг ривожига таъсир қилувчи омиллар.
38. Ташқи савдо мультпликатори.
39. Мамлакатнинг экспорт ишлаб чиқаришига нисбий ихтисослашув коэффициентлари.
40. Дунё мамлакатларининг иктисодий таснифланиши.
41. Жахон иктисодиётининг мамлакатлар бўйича таркиби ва уларнинг ХИМдаги иштироки.
42. Жахон иктисодиётининг глобаллашуви ва ХИМ ривожига янги тенденциялар.
43. Халқаро савдонинг товар таркиби.
44. халқаро савдонинг географик тақсимоти ва унинг ривожига узғаришлар.
45. Хизматлар Халқаро савдоси.
46. Халқаро савдонинг классик ва янги назариялари.
47. Ташқи савдони таҳлил қилиш инструментлари.
48. Ташқи савдони бошқариш воситалари.
49. Ташқи савдонинг шарт – шароити.
50. Халқаро рақобатбардошликнинг мазмуни ва уқсаткичлари.
51. Халқаро рақобатбардошликнинг ривожланиш босқичлари.
52. Мирқоиктисодий рақобатбардошлик ва М.Портернинг рақобат ромби.
53. Дунё валюта тизимларининг шаклланиши ва эволюцияси.
54. Курс шаклланишига таъсир этувчи омиллар.
55. Олтин тандарти бўйича валюталар алмашув усули.
56. Кредит қозғаловулларнинг алмашув усули.
57. Харид қуввати паритети назарияси.
58. Валюта курсининг ташқи савдога таъсири.
59. Халқаро кредитнинг шакллари ва вазифалари.
60. Халқаро кредит муносабатларини давлатлараро бошқарув.
61. Ривожланаётган давлатларни кредитлаш шакллари.
62. Ривожланаётган давлатлар иктисодиётида хорижий капитал.
63. Халқаро капитал ҳаракатининг шакллари ва йуналишлари.
64. халқаро капитал ҳаракатининг ташқи савдо билан узаро боғлиқлиги.
65. Хорижий капиталнинг қабул қилувчи мамлакат иктисодиётига таъсири.
66. Халқаро капитал бозорларининг ривожланиш тенденциялари ва эркинлашуви.
67. Тулов балансининг моҳияти ва шакллари.
68. Тулов балансини корректировка қилиш усуллари.
69. Тулов балансига назарий ёндашувлар.
70. Халқаро ишчи қучи ҳаракатининг асосий тулкинлари ва сабаблари.
71. Ишчи қучи ҳаракатининг ижобий ва салбий томонлари.

72. Халкаро иктисодий интеграциянинг мохияти ва ривожланиш боскичлари.
73. Халкаро минтакавий интеграцион уюшмаларнинг асосий шакллари.
74. Европа Иттифокининг иктисодий интеграция жараёни ва ривожланиш боскичлари.
75. НАФТА уюшмасининг ривожланиши.
76. Халкаро ТМКларнинг турлари ва келиб чиқиш сабаблари.
77. ТМКларнинг асосий фаолият курсатиш соҳалари.
78. ТМКларнинг ракобат устунликлари ва стратегиялари.
79. Хорижий инвестицияларнинг назариялари.
80. ТМКлар фаолиятининг байналминаллашув индекслари.
81. Халкаро ишчи кучини қабул қилувчи асосий марказлар ва уларнинг иммиграция сиёсати.
82. Валюта режимлари ва қотиловка турлари.
83. ТМКларнинг инвестиция қиритиш тамойиллари.
84. Халкаро кредитнинг шакллари ва бериш шартлари.
85. Халкаро молиявий ташкилотларнинг кредит бериш тамойиллари.
86. Халкаро савдонинг ривожланиш тенденциялари.
87. Осиё қитъасидаги интеграцион уюшмалар.
88. Халкаро валюта кризислари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари.
89. Европа валюта тизими.
90. Халкаро молия бозорлари.
91. Хорижий инвестицияларнинг шакллари ва миллий иктисодиётга таъсири.
92. халкаро савдонинг ривожланиш тенденциялари.
93. Халкаро савдонинг қарама-қаршиликлари ва уни ҳал қилиш йуллари.

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ


« ТЕХНИКА » ФАКУЛЬТЕТИ

«ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР »
КАФЕДРАСИ


« ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР»
ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР УЧУН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

Андижон - 2015

Тарқатма ва тақдимот материаллар



1.1-чизма. Соф бозор иқтисодиёти шароити ресурслар, маҳсулотлар, даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланиши.



1.2-чизма. Ресурслар, маҳсулотлар, даромадлар ва харажатларнинг аралаш иқтисодий тизимдаги доиравий айланиши.

Ялпи миллий маҳсулотни аниқлашга икки хил ёндашув

	ЯММни товар ва хизматлар сотиб олишга мўлжалланган барча харажатлар бўйича ўлчаш	Шартли белгилар	Миқдор
.	Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари	C	63,0
.	Бизнесга инвестиция харажатлари ёки ялпи хусусий ички инвестициялар	I	18,0
.	Товар ва хизматларнинг давлат хариди	G	21,0
.	Соф экспорт	Xп	-2,0
.	Жами: $ЯММ = C + I + G + Xп$	Y	100,0
.	ЯММни барча даромадлар бўйича ўлчаш		
.	Истеъмол қилинган капитал ҳажми	A	9,0
.	Бизнесга эгри солиқлар	T	7,0
.	Ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари ва		
.	ижтимоий сугурта ажратмалари	W	61,0
.	Ижара ҳақи	R1	1,0
.	Фоииз ставкаси	R2	7,0
.	Индивидуал мулкдан олинадиган даромадлар	P1	6,0
.	Корпорациялар фойдасига солиқлар	P2.1	5,0
.	Дивидендлар	P2.2	2,0
.	Тақсимланмайдиган фойдалар	P2.3	2,0
.	Жами: $ЯММ = A + T + W + R + R1 + P1 + P2.1 + P2.2 + P2.3$	Y	100,0

**Ўзбекистон ва МДХ мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши
(олдинги йилга нисбатан фоииз ҳисобида)**

	2006й.	2007й.	2008й.
Ўзбекистон	109,5	109,0	108,2
Озарбажон	72,0	80,1	88,3
Арманистон	95,0	108,2	119,1
Белерусь	98,7	105,4	117,0
Грузия	52,5	57,1	63,3
Қозоғистон	97,2	106,1	116,2
Қирғизистон	76,1	81,2	87,0
Малдавия	48,5	51,6	54,7
Россия	77,8	83,3	89,5
Тажикистон	49,3	54,3	59,7
Украина	54,2	58,8	66,6
МДХ бўйича ўртача	77,0	82,0	88,6

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009 й.

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлари, депозитлари ва умумий капитали,
млрд. сўм**

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009
--------------	------	------	------	------	------

Кредитлар	3876,0	4104,2	4777,6	6374,4	8558,2
Депозитлар	1688,7	2544,5	3829,2	5771,6	8703,1
Шу жумладан:					
- юридик шахслар депозитлари	1239,2	1866,2	2834,6	4127,6	5953,2
- жисмоний шахслар депозитлари	449,5	678,3	994,6	1644,0	2749,9
Умумий капитал	930,9	1070,1	1502,6	2104,3	3010,4

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009 й.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг динамикаси,
млрд. сўм


Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009
Банклар томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар-жами	419,9	547,4	743,7	1250,7	1851,7
Шу жумладан:					
Кичик бизнес субъектларига банклар томонидан берилган микрокредитлар	45,4	64,9	110,0	202,5	322,1

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009 й.




Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009 й.

**Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси
ҳажмининг ўсиши, млрд. АҚШ долл.**




Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009 й.

**Ўзбекистонда солиқ юкининг ўзгариши
динамикаси, ЯИМга нисбатан фоизда**



Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009 й.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги
улуши, фоизда**



Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009 й.



Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009 й.



Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009 й.



Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009 й.

2005-2009 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1
Чег эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2009 й.

Ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари





Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2010 й.

**Ўзбекистонда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати
(ўтган йилга нисбатан фоизда)**

Хизмат турлари	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Жами хизматлар	126,6	121,3	116,7
Савдо ва умумий овқатланиш	132,5	126,8	121,8
Транспорт хизматлари	121,1	112,7	110,4
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1	121,6
Молия хизматлари	123,8	132,2	124,7
Туристик-сайёҳлик хизматлари	122,3	140,1	121,6
Меҳмонхона хизматлари	109,3	122,5	112,3
Коммунал хизматлар	109,3	108,4	101,1
Маиший хизматлар	128,0	129	122,6
Автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари	138,7	139,2	130,2
Бошқа хизматлар	142,5	130,6	128,6



Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2010 й.

Ўзбекистон экспортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Экспорт жами (млн. АҚШ долл.)	3267,6	4853,0	11493,3	11771,3
Экспорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Пахта толаси	27,5	19,1	9,3	8,6
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	2,9	5,3	5,6	5,0
Қора ва рангли металллар	6,6	9,2	7,0	5,0
Машина ва ускуналар	3,4	8,4	7,6	2,9
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	4,5	6,0
Энергия ресурслари	10,3	11,1	24,7	34,2
Хизматлар	13,7	12,2	10,4	8,8
Бошқалар	30,2	30,5	30,9	29,5


Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2010 й.

Ўзбекистон импортининг товар таркиби


Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Импорт жами (млн. АҚШ долл.)	2944,5	4091,3	9704,0	9438,3
Импорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	13,6	13,6	11,6	11,1
Қора ва рангли металллар	8,6	10,3	7,7	6,3
Машина ва ускуналар	35,4	43,3	52,4	56,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,3	7,0	8,3	9,0

Энергия ресурслари	3,8	2,5	4,6	5,3
Хизматлар	8,5	10,4	4,4	4,4
Бошқалар	17,8	12,9	11,0	9,2

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2010 й.




Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2010 й.



Манба: Ишмухамедов А.Э., Юсупов А.С., Сафаров Н.Ч., Носирова К.А. Миллий ва халқаро иқтисодиёт

**2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар
Дастури (иқтисодиёт тармоқлари таркибида, млн долл.)**



Нефть ва газ тармоғи	Энергетика
Тоғ-кон ва металлургия саноати	Кимё саноати
Машинасозлик	Транспорт ва инфратузилма
Курилиш молларини ишлаб чиқариш	Енгил саноат
"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси	Бошқалар

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2010 й

Тижорат банклари қўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши тўғрисида маълумот (млрд. сўм)

	банк номи	Эълон қилинган устав капитали	Қўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши					
			жам и	шужумладан				
				2008	2009	2010	2011	2012
.	Халқ баки	200	120	20	30	30	20	20
.	Асака банки	300	147	100	47	-*	-	-
.	Ўзсаноатқурилиш банки	10	65	63	2	-	-	-
.	Микрокредитбанк	150	72	54	18	-	-	-
.	Пахта банк	100	50	22	28	-	-	-
.	Ғалла банк	50	36	13	23	-	-	-
	жами		491	272	149	30	2	


Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2010 й

**Халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг
баҳосини олган банклар**


«Мудис»	«Фитч рейтинг»	«Стандарт энд Пурс»
ТИФ Миллий банк Ипотека-	Ўзсаноатқурилишбанк	ТИФ Миллий банк

банк Ғалла-банк Алоқабанк Туронбанк Кредит стандарт банк	Пахтабанк Асакабанк Ҳамкорбанк Ипак йўли банк	Капиталбанк
--	--	-------------


Манба: Ишмухамедов А.Э., Юсупов А.С., Сафаров Н.Ч., Носирова К.А. Миллий ва халқаро иқтисодиёт ТДИУ., 2010. 56-бет.



4.1-расм. Банкларнинг жами капитали (млрд. сўм)




4.2-расм. Банк активлари (млрд. сўм)



4.3-расм. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори (млрд. сўм)

Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2010 й

Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси ва 2009 йил истикбол кўрсаткичлари



Манба: Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2010 й

1994-2008 йилларда Ўзбекистон ташқи савдосининг динамикаси

	Экспорт		Импорт		Жами	
	ҳажми, млн. долл.	Ўтган йилга нисбатан % ҳисобида.	ҳажми, млн. долл.	Ўтган йилга нисбатан% ҳисобида.	ҳажми, млн. долл.	Ўтган йилга нисбатан % ҳисобида.
1994	2689,9	-	2609,5	-	5299	-
1995	3719,9	138,3	2892,7	110,8	6612,6	124,8
1996	4590,2	123,4	4721,1	163,2	9311,3	140,8
1997	4387,5	95,6	4523	95,8	8910,5	95,6
1998	3528,2	80,4	3288,7	72,7	6816,9	76,5
1999	3235,8	91,7	3110,7	94,6	6346,5	93,1
2000	3264,7	100,8	2947,4	94,7	6212,1	97,6
2001	3264,9	100,0	3136,9	106,4	6401,8	103,1
2002	2988,4	91,5	2712	86,5	5700,4	89
2003	3725,0	124,6	2964,2	109	6689,2	117,4
2004	4853,0	130,3	3816,0	128,7	8669,0	129,6
2005	5408,8	111,5	4091,3	107,2	9500,1	109,5
2006	6389,8	118,1	4395,9	107,4	10785,7	113,5
2007	8991,5	140,7	5235,6	109,5	14227,1	127,4
2008	11572,1	128,7	5699,6	108,9	17271,7	121,4

200						
3						
200						
4						
200						
5						
200						
6						
200						
7						
200						
8						

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

«ТЕХНИКА» ФАКУЛЬТЕТИ

**«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР»
КАФЕДРАСИ**

**« ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАР »
ФАНИДАН ГЛОССАРИЙ**

АНДИЖОН - 2015

Глоссарий

Асосий фондлар ва уларнинг баҳоси (capital stock) – турли хўжалик субъектлари ва фуқароларнинг пул маблағларини аниқ бир мақсад йўлида бирлаштириш ва ишлатиш.

Активлар (assets) – иқтисодий фаолият субъектларининг пул ва молиявий маблағлари, асосий ва айланма фондлари қиймати.

Амортизация (depreciation) – фойдаланиш жараёнида асбоб-ускунлар қийматининг эскирган сайин маҳсулот ҳисобига ўтказиш жараёни. Асосий жамғармалар истеъмол нархини тўла ёки қисман тиклаш учун амортизация орқали амалга ошириладиган нархини тўлатиши зарур. Асосий жамғармалар сарфини қоплаш учун уларга кетган сарфларни тайёрланаётган маҳсулотга сингдириб бориш асосий жамғармаларнинг амортизациясини ташкил этади. Асосий жамғармаларнинг амортизацияси маҳсулот таннархини ўз ичига олади. Бу, корхона, ташкилотларга асосий жамғармаларнинг моддий ва маънавий сарфини қоплаш учун маҳсулотларни сотиш орқали маблағ тулаш имконини беради.

Акселератор (accelerator) – иқтисодиётда истеъмолчилик сарф-харажатлар ҳажми ўзгариши билан юзага келадиган капитал қўйилмалар ҳажми ўзгаришини тавсиф этувчи кўрсаткич. Акселерация принципининг моҳияти шундан иборатки, иқтисодиётда истеъмолчилик харажатлари динамикаси инвестициялар ҳажми динамикасига ўз таъсирини кўрсатади: истеъмолчилик харажатларининг сезирарли ўсиши инвестицион фаолликни юзага келтиради, рағбатлантиради ва аксинча.

Альтернатив вариантлардан танлов (tradeoff) – танлаб олинган вариант альтернатив вариантдан воз кечиш эвазига амалга оширилишини тақозо этувчи қарор қабул қилиш зарурати. Макроиқтисодий атамалар доирасида иқтисодий

атамалар сиёсатнинг чора-тадбирлар ишлаб чиқиш жараёнида у ёки бу ғояларнинг танлов-муаммоларини белгилаш учун ишлатилади. Масалан, ишсизликнинг ўсиши ва инфляция жадаллиги, фойданинг ўсиши ёки иш ҳақининг ошиши орасидаги танлов муаммоси.

Асосий нарх (base price) – халқ ҳўжалигини ривожлантириш ва статистик ҳисоб олиб боришда индексларни ҳисоблаш ва тўлашгача ҳисобланган нарх.

Бюджет тақчиллиги (budget deficit) – давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан устун бўлиши.

Банд аҳоли (employees) – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг фуқаролик секторида банд бўлган ва мамлакат қонунчилиги томонидан белгиланган нормаларга мос равишда ҳисобга олинadиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли.

Бандлик даражаси (rate of employees) – бандлар умумий сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига нисбати.

Бартараф этилган инфляция – иқтисодиёт доирасида бошқариладиган ёки табиий, қўйилган нархларни бошқариш давомидаги инфляцион жараёнларнинг ўзига хос кўриниши. Директив тарзда белгиланган нархлар даражаси сақланган ҳолда инфляция муомаладаги пул миқдорининг кўпайиши ва унинг сотиб олиш қурби пасайиши. Буларнинг таъсири талаб кескин ошиб, товар ва хизматлар таҳчиллиги ўсиб бориши, аҳолининг вақтинчалик қондирилган талаби ортиши орқали намоён бўлади.

Банк кредити (banking credit) – даромад (%) кўринишида фойда олиш учун банк томонидан қарзга пул бериш.

Белгиланган алмаиув курси (fixed exchange rate) – миллий валютанинг чет эл валюталарига нисбатан аёнанавий тарзда белгиланadиган қиймати ва ўзгармас тизим.

Бюджет солиқ сиёсати (fiscal policy) – бюджет сиёсатида давлат ўз истаги билан бюджет харажатлари ва даромадларини шакиллантирган ҳолда 3 хил бюджет сиёсати юритади. Бюджет харажатлари, трансфер харажатлари шаклидаги харажатлар. Даромадлар эса уч манбадан келиши мумкин: солиқлардан, хазина томонидан, чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар сотилишидан ва бюджет томонидан маълум қисми марказ томонидан банк эмиссияси ҳисобига ёпилишидан. Шунга кўра, давлат харажатлар ва даромадларни бошқариш орқали бюджет сиёсатини юритади.

Бозор муносабати (market clearing) – бозордаги талаб ва таклифларнинг миқдоран ва таркибий жиҳатдан бир-бирига мувофиқ келиши. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, бозор мувозанати издан чиқади.

Банк резервлари (reservers) – банкда сақланаётган нақд пуллар, марказий банкда сақланаётган фойсиз депозитлар.

Баҳо, нарх (price) – товар қийматининг пулдаги ифодаси. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни ва фойдани кўрсатади.

Бозор нархи (market price) – иқтисодиётда жами талабларга кўра ўзгармас ҳолда қолувчи нархлар.

Валюта курси – мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси.

Гиперинфляция (hyper-inflation) – хаддан ташқари инфляция, нархнинг шуддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши, пул топишга интилишнинг минимал даражага келиши билан характерланади.

Давлат бюджети (state budget, local budget) – асосан давлат (вилоят, шаҳар, туман, муассаса, ташкилот ва бошқалар) нинг маълум муддатдаги (йил, квартал, ой) даромадлари ва харажатларининг пул ҳисоби.

Девальвация (devaluation) – мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта курсининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда миллий пул бирлиги қийматининг расмий тартибда пасайтирилиши.

Дефляция (deflation) – инфляция даврида муомаладаги қоғоз пулни камайтириш; давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул- кредит тадбирларини қўллаш билан амалга оширилади.

Депозитлар (deposits) – омонатга асраб қўйилган: 1) банк ва омонат кассаларига қўйилган омонатлар; 2) банк дафтардаги ёзувчилар; 3) кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматбаҳо қоғозлар (акция ва облигация).

Дивиденд (dividend) – ҳиссадорлик жамиятлари фойдасининг бир қисми бўлиб, акциянинг сони ва турига қараб ҳар йили ҳиссадорлар орасида тақсимланади.

Дисконт (discount) – марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган қарзларга қўйиладиган фоиз.

Даромад (income) – ишлаб чиқариш натижасида тушган пул (фойда).

Даромаднинг мавжуд миқдори (disposable income) – сарф-харажатлар ва жамғармалар учун ишлатиш мақсадида иқтисодий секторлар қўлида мавжуд бўлган даромадлар; даромадлар ва тўғри солиқлар орасида фарқ билан аниқланади.

Доимий, давомий инфляция (chronic inflation) – нисбатан юқори ёки паст инфляция даражаси узок муддат давомида ушлаб туриладиган иқтисодий вазият. Барқарорликка эришгунга қадар давомли, юқори инфляция даражаси содир бўлган мамлакатларга мисол қилиб, Бразилия, Исроил, Мексика, Перу, Аргентинани келтириш мумкин.

Давлат истеъмоли – давлат истеъмоли учун маҳсулот ва хизматларга, шунингдек, хусусий секторда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларга кетган харажатлар.

Дисконт (discount) – марказий банкнинг тижорат банкларига кредит беришдаги фоиз ставкалари.

Ёпиқ иқтисодиёт (closed economy) – ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо-иқтисодий имкониятларга эга бўлмайдиган иқтисодиёт.

Жами таклиф (aggregate supply) – мамлакатда ишлаб чиқарилган ҳамма товар ва хизматларнинг жами қиймати. Бу товар ва хизматлар миллий маҳсулот ҳам деб аталади.

Жамғармага мойиллик (propensity to save) – даромадда жамғарма ҳиссаси қанчани ташкил этиши.

Жами талаб (aggregate demand) – мамлакатнинг реал харид қобилиятини акс эттирувчи кўрсаткич; жами харажатлар деб ҳам аталади. Унга давлатнинг истеъмол харажатлари, хусусий сектор истеъмоли, жами инвестициялар ва экспорт-импорт харажатлари киради.

Жами банд аҳоли (employees) – банд бўлган аҳоли ва ҳарбий хизматчилар.

Ишсизлик (unemployment) – аҳолининг иқтисодий фаол қисми иш топа олмаслиги, меҳнат резервига айланиши.

Ишсизликнинг даражаси (unemployment rate) – ишсизлар умумий сонининг ишчи кучига бўлган нисбати.

Ишсизликнинг табиий даражаси (natural rate of unemployment) – реал ва потенциал ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиши бир-бирига мос келадиган иқтисодий ривожланиш даври оралиқларига хос бўлган ишсизлик даражаси. У иқтисодий ривожланишнинг ҳақиқий ва структуравий ишсизлик кўрсаткичлари йиғиндиси сифатида ҳам ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, NARU (natural rate of unemployment) атамаси ишсизликнинг ўсмайдиган даражаси кўрсаткичи тарзида ҳам қўлланилади. Бу кўрсаткич ижтимоий жиҳатдан нисбатан нейтрал бўлиб, инфляциянинг турғун, барқарор даражалари ҳамда реал ва потенциал ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) мос тушган ҳолатидаги ишсизлик даражасини акс эттиради.

Иш ҳақи (wage, nominal) – пул, қиймат шаклидаги иш ҳақи.

Импорт (import) – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини ва технологиясини олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсмоти натижасидир. У вақтни тежашга, халқ хўжалиги, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга қўмаклашади.

Инвестиция (investment) – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш. Инвестицияларнинг молиявий ва реал турлари мавжуд.

Истеъмол нархлари индекси (consumer price index) – одатда, оила томонидан истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар нархи базис даврга нисбатан ўзгаришининг ўртача даражасини акс эттирадиган кўрсаткич, инфляция кўрсаткичи сифатида ишлатилади.

Ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси (producer price index) – базис давр оралиғида хом ашё, материаллар ва оралиқ товарлар нархи ўзгаришининг ўртача даражасини акс эттирувчи кўрсаткич. ЯММнинг максимал даражада деталлаштирилган компонентлари нархини солиштирма нархларга ўтказишда ишлатилади.

Индекслар – ЯММ дефляторлари (GNP deflators) – ЯММ кўрсаткичларини солиштирма нархларда акс эттириш учун ишлатиладиган индекслар гуруҳи. Уларга нархларнинг агрегат индекси, ЯММ дефлятори нархлари индекси, истеъмолчи нархлари индекси, шунингдек, махсус ташкил қилинган индекслар киради.

Индексация (indexation) – иқтисодиётдаги нархларнинг ўртача даражаси ўзгаришига боғлиқ равишда иш ҳақи ва бошқа даромадларни тузатиш, келиштириш тизими.

Инфляция (inflation) – пулнинг қадрсизланиши, муомаладаги пулнинг қадрсизланиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Инфляция товар баҳосининг очикчасига ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади.

Инфляция даражаси (rate of inflation) – маълум вақт ичида (ой, йил) нарх даражасининг фоизда ўзгариши.

Истеъмол кредити (consumer credit) – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати воситаси (инструменти). У банклар томонидан берилиши мумкин бўлган ички кредитнинг максимал миқдори расмий равишда белгиланишини тақозо этади.

Истеъмол (consumption) – кишиларнинг иқтисодий талабларини қондириш жараёнида ижтимоий маҳсулотдан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирига босқичи.

Истеъмол харажатлари – макроиқтисодиётда уй хўжалиги ва қурилиш харажатларини қамраб оладиган харажатлар.

Ишлаб чиқариш функцияси (production function) – маҳсулот ишлаб чиқариш учун мазкур корхонага зурур бўлган барча кишилар ва меҳнат куруллари ҳаракатлари мажмуи.

Ишчи кучи (labour force) – одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида ишга солинадиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

Ишчи кучи ҳиссаси (labour force rate) – одамларнинг меҳнат қобилияти, ҳаёт неъматларини ишлаб чиқариш жараёнида ишга солинадиган жами жисмоний ва маънавий кучлар.

Иш вақти (hours of work) – ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг ишлаган вақти ҳажми.

Иш вақтининг умумий соатлари сони (total hours of work) – ўртача статистик ишловчи банд бўлган иш вақтининг ўртача соатлари сони.

Иқтисодий ўсиш – реал миллий даромад ёки маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ўсиши.

Импорт қилишга мойиллик (propensity to import) – даромадда импортга қаратилган харажатлар ҳиссаси.

Инвестицияларга бўлган мойиллик (propensity to invest) – истеъмол харажатларининг даромаддаги ҳиссаси.

Истеъмол қилишга мойиллик (propensity to consume) – истеъмол харажатларининг даромаддаги ҳиссаси.

Ички истеъмол учун мўлжалланган товарлар (nontraded goods) – ташқи бозорда сотишга мўлжалланмаган, ички истеъмол учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар (кўчмас мулк, хизматларнинг айрим турлари).

Ишлаб чиқарувчилар нархи (producers price) – товар ва хизматнинг базис нархини, солиқларни қамраб олувчи ва субсидиялар олиб ташланган нарх.

Капитал экспорти – тижорат мақсадида амалга ошириладиган экспорт.

Кутилаётган инфляция даражаси (expected rate of inflation) – мавжуд ижтимоий, иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

Ликвидлик (liquidity) – турли корхоналар, бирлашмалар, фирмалар ва банкларнинг ўз қарзини тўлай олиш ёки бошқа мажбуриятларини бажара олиш имконияти.

Марказий банк (Central bank) – мамлакатнинг жами кредит тизимида раҳбарлик қилади, давлат пул-кредит сиёсатини олиб боради, пул ва қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини монопол ҳуқуқида амалга оширади.

Муомаладаги пуллар (currency) – мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз): пулга тенглаштирилган тўлов воситалари: пул ҳисоб-китобларини тақозо этадиган халқаро иқтисодий айирбошлаш ва бошқа алоқаларда қатнашадиган воситалар.

Миллий даромад (national income) – миллий ишлаб чиқаришда олинadиган даромад ёки иқтисодиётнинг барча турдаги даромади баҳоси.

Меҳнат умумдорлиги (labour productivity) – меҳнат маҳсулдорлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи умумлашма кўрсаткичлардан бири.

Мулк (property) – муайян қийматга эга бўлиб, бирон бир шахсга қарашли нарсаси.

Макроиқтисодиёт (macroeconomics) – барқарорлаштириш, бир бирлик миллий валютамини мустаҳкамлаш, капитал қуриш дастури, иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан янгилаш йўлини давом эттириш режасини ёки мулкдорлар синфини янгилаш, қонунчилик ёки ҳуқуқий таркибни мустаҳкамлаш.

Номинал ЯММ (nominal GNP) – жорий нархларда акс эттирилган ялпи миллий маҳсулот.

Нархлар индекси (price index) – ҳар хил вақт оралиғида товар ва хизматларга нархнинг мувозанати ўзгаришини акс эттирувчи кўрсаткич.

Нархлар коррективировкаси (price adjustment) – нархларнинг бозор вазияти ўзгаришига мослашув жараёни.

Номинал алмашув курси (nominal exchange rate) – миллий валюта ва чет эл валюталари бирликларининг одатда мавжуд бўлган нисбати. Ушбу нисбат ҳам қатъий белгиланган, ҳам чайқалиб турувчи асосда амалга оширилиши мумкин.

Номинал фоиз ставкаси (nominal interest rate) – маълум давр ичида (ой, йил) қарзга олинган пул бирлигига тўланган пул миқдори. Депозит счётларда ва қимматли қоғозларда активларнинг номинал қиймати усимтаси белгиланишига фоиз ставкалари дейилади.

Оралиқ истеъмол (intermediate consumption) – ишлаб чиқаришнинг бир босқичида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқаришнинг бошқа босқичида меҳнат предметлари сифатида ишлатилиши.

Ортиқча таклиф (excess supply) – мавжуд нархларда товар ва хизматлар таклифи уларга бўлган талабдан устун бўладиган иқтисодий вазият, шунингдек, ортиқча ишлаб чиқариш.

Ортиқча талаб (excess demand) – мавжуд нархлар ҳолатида товарлар ва хизматларга бўлган талаб таклифлардан устун бўладиган иқтисодий вазият, шунингдек дефицит деб ҳам аталади.

Очиқ иқтисодиёт (open economy) – ташқи иқтисодий бозорда кенг савдо-иқтисодий ва молиявий алоқаларга эга бўлган иқтисодиёт.

Потенциал ЯММ (potential GNP) – мавжуд сармоя ресурслари ва ишчи кучи ҳисобига эришиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми.

Паритет (parity) – тенглик, тенг ҳуқуқли, тенг вакиллик асосларида бирон бир иқтисодий (сиёсий) ҳаракатда иштирок этиш.

Пасайиш (recession) – иқтисодий фаолликнинг пасайиши бўлиб, бундай фаолиятнинг ўсиши билан характерланади.

Пулга бўлган талаб (demand for money) – мамлакат аҳолисининг жамғариш ва истеъмол қилиш, олди-сотди ва ҳар хил иқтисодий битимлар тузиш учун эгалик қилмоқчи бўлган миқдори; истеъмол, фоиз ставкаси, операцион харажатлар ва бошқа функциялар билан ифодаланади.

Пул базаси – МО (monetary base) – муомаладаги нақд пуллар, корхоналарнинг кассадаги пуллари ва тижорат банкларининг миллий банкдаги захираси.

Реал ЯММ (real GNP) – солиштирма доимий нархлар орқали акс эттирилган ЯММ. У жорий нархларда ҳисобланган ЯММни нархларнинг ўзгариши кўрсаткичи (инфляция даражаси) ҳисобига тўғрилаш йўли билан ҳисобланади.

Реал иш ҳақи (real wage) – нархлар ўзгариши даражаси ҳисобига тузатиш киритилган номинал иш ҳақи (ёки номинал иш ҳақидан нархлар ўзгариши даражасининг ҳисобга олингани).

Реал алмашув курси (real exchange rate) – икки мамлакатдаги нархлар даражасининг ўзаро нисбати, улар ўртасидаги муносабатни ҳисобга олувчи алмашув курси. Муайян мамлакатлардаги номинал алмашув курси нархлари индексларини уларнинг ўзаро нисбатига бўлиш орқали ҳосил бўлади.

Реал фоиз ставкаси (real interest rate) – маълум давр ичида депозит счётлардаги ва қимматли қоғозлардаги активларнинг реал қиймати ўсиши юз берадиган фоиз ставкаси; номинал фоиз ставкасидан шу давр оралиғида қутилаётган номинал фоиз ставкаси.

Рационал кутушлар (rational expectations) – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўзларида мавжуд бўлган барча ижтимоий-иқтисодий маълумотлар асосида энг рационал тарзда ўз иқтисодий хулқ-атворини режалаштирадилар, деб таъкидловчи назария.

Ревальвация (revaluation) – мамлакат пул бирлиги расмий курсини чет эл валюталарига нисбатан ошириш.

Солиқлар (taxes) – миллий даромадни тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шакли, солиқ, бюджет ва бюджетдан ташқари пул фондларини ташкил этишнинг асосий воситаси.

Солиқ сиёсати – мамлакат тараққиёти капитал қўйилмаларни молиялаштиришда “мажбурий жамғармалар” ташкил қилувчи асосий омиллардан бири.

Сарф-харажат баланси (spending balance) – макроиқтисодиётда ЯММ ни ишлаб чиқаришга кетган жами харажатлар ва яратилган ялпи миллий маҳсулотнинг охириги истеъмол мақсадида ишлатилиши орасидаги баланс.

Солиштирма афзаллик (comparative advantages) – айрим иқтисодий агентларнинг товар ва хизматларни камроқ харажатлар эвазига ишлаб чиқариш

хусусияти. Макродаражада солиштирма афзалликлар принципи ишлаб чиқариш ва экспортнинг самарали структурасини шакллантириш учун қўлланилади.

Субсидия (subsidy) – давлат бюджети ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ. Субсидия бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситаси ҳисобланади.

Савдо баланси (merchandise trade balance) – экспорт ва импорт тушумлари ва тўловларини акс эттирувчи баланс. Унда савдо битимида кўзда тутилган, аммо жорий даврда амалга оширилмайдиган тўловлар ва тушумлар ўз аксини топмайди.

Савдо балансининг дефицити (trade deficit) – иқтисодий суръатларнинг ҳисобот даври охирига келиб, импорт бўйича қилинган жами харажатлар экспорт даромадларидан ошадиган вазиятгача ўсиши.

Савдо балансининг ижобий сальдоси (trade surplus) – ҳисобот даври охирига келиб, экспорт бўйича жами даромадлар импорт бўйича харажатлардан устун келган вазият.

Саноат цикли (business cycle) – иқтисодиётнинг вақти-вақти билан қайтарилиб турувчи турли ривожланиш босқичлари. Умумий ишбилармонлик фаоллигининг ошиши ва пасайиши, шунингдек, тушумлар билан характерланади.

Соф миллий маҳсулот (net product) – макроиқтисодий кўрсаткич; ЯММ ва амортизация ажратмалари жами миқдорининг айирмаси.

Тижорат банки (Commercial bank) – қўйилмалар шаклидаги пул капиталлари ва жамғармалар ҳисобига барча тармоқ корхоналари учун универсал банк ҳаракатларини амалга оширувчи кредит муассасаси. Тижорат банки кредит системасининг етакчи бўғинидир. Унинг ҳаракатларида саноат ва савдо корхоналарини кредитлаш асосий ўрин эгаллайди. Банк, шунингдек, коммиссион муомалаларни ҳам олиб боради.

Тўлов баланси (balance of payment) – бу шундай иқтисодий тушунчаки, у орқали мамлакатларнинг ташқи иқтисодий муносабатлари ҳолатини, халқаро миқёсда тўловга қобиллигини билиш мумкин. Тўлов баланси шундай ҳужжатки, унда мамлакатлар хорижий давлатларга улашган ва хорижий давлатлардан келган барча тўловлар ва тушумларнинг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади, шартномаларда кўзда тутилган, аммо ҳали келиб тушмаган тўловлар ёки тушумлар суммаси ўз аксини топади.

Таркибий ишсизлик (structural unemployment) – иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, эскирган тармоқ ва касблар бартараф этилиши, ишчи малакаси пастлиги ёки умуман йўқлиги натижасида юзага келадиган мажбурий ишсизликнинг кўриниши.

Ташқи дунё – муайян мамлакатни ташқи иқтисодий алоқалар олиб боровчи иқтисодий агентлар билан бирлаштирувчи институционал сектор.

Талаб этилгунга қадар сақланадиган депозитлар (demand deposits) – банкдаги қўйилмаларда талаб этилгунга қадар сақланадиган пул воситалари.

Тижорат кредити (commercial credit) – қисқа муддатли қарз (1 йил муддатгача берилади); сотиб олинadиган товарларга тўлаш учун пул шаклида бериладиган қарз.

Трансферт тўловлари (transfer payment) – ўтказма тўловлар, яъни давлат бюджетидан аҳолига ва хусусий тадбиркорларга бериладиган тўловлар.

Товар экспорт қилиш – мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни четга сотиш ҳамда хориждаги шерикларга ишлаб чиқариш ва талаб характерида эга хизматлар кўрсатиш.

Узоқ муддат давомида ишлатилувчи товарлар (durable goods) – истеъмолчиларга узоқ вақт хизмат қиладиган (1 йилдан кам) товарлар. Узоқ вақт хизмат қиладиган товарларга автомобиль, холодильник ва бошқа маиший хизмат товарлари киради.

Фрикцион ишсизлик (frictionfl unemloyment) – бир ишдан бошқа бир ишга ўтиш билан боғлиқ бўлган вақтинчалик ишсизлик. Яширин ишсизлик (hidden, latent, disguised) – ишлаб чиқариш жараёнида объектив ҳолда ишчилар сонини ҳам талаб этадиган, лекин амалда ишлаб чиқаришда ортиқча бўлган ишчилар сони.

Фактор даромад (factor income) – ишчи кучи, капитал мулк, ишлаб чиқариш омиллари қўлланиши натижасида юзага келадиган даромад.

Фойда (profit) – қўшимча маҳсулотнинг пул шакли; корхона, тармоқ ва бутун халқ хўжалиги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини умумлаштирувчи кўрсаткич. Корхонанинг молиявий аҳоли, иқтисодий рағбатлантириш фондини шакллантириш имкониятлари, бюджет ва юқори турувчи органлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши фойда ҳажмига боғлиқ.

Фоиз (interest) – даромад, ўз мулкни бошқа жисмоний ва ҳукукий шахсларга фойдаланишга бериш ва шундан фойда олиш.

Фоиз ставкаси (interest rate) – кредит ёки қарз ставкаси капитали эвазига тўловнинг фоиз кўрсаткичи. Одатда, қарзга олинган пул белгисининг бир бирлигига тўғри келадиган йиллик тўловни акс эттиради.

Филлипс эгри чизиги (phillips curve) – инфляция даражаси динамикаси ва ишсизлик даражаси динамикаси ёки реал ЯММнинг потенциалдан оғиши орасидаги ўзаро боғлиқликни тафсифловчи ва графикда ифодаловчи восита.

Хусусийлаштириш (privatization) – давлат мулкни, иқтисодиётдаги давлат секторини хусусийлаштириш. Хусусийлаштириш давлат мулки монополиясини тугатиш, эркин соҳиблик ташаббусига йўл очиш, бозор иқтисодиётини рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади.

Шахсий даромад (personal income) – жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

Шахс сармояси – капитал сифатида ёндашув икки томонлама хусусиятга эга бўлади. Унинг салбий томони шундаки, бундай қарашлар ижтимоий муаммолар ва меҳнат капитал томонидан эксплуатация қилиниши ҳақидаги фикрларга уланиб кетади. Бундай ҳолларда капитал меҳнатни эксплуатация қилар экан, у ҳолда инсон капитали ҳам меҳнатни эксплуатация қиладими, деган фикрни келтириб чиқаришга уринишади. Инсонга капитал сифатида ёндашувнинг ижобий томони шундан иборатки, бундай ёндашув ресурслардан самарали фойдаланишни ва уларнинг оқилона тақсимланишини таъминлайди.

Экспорт (export) – товарлар, хизматлар ва капиталларни ташқи бозорда реализация қилиш мақсадида четга чиқариш.

Ялпи миллий маҳсулот – *ЯПП* (*gross national product-GNP*) – истеъмолчиларнинг йил давомида маҳсулот яратиш учун қилган харажатлари қийматини жамлаш орқали, яъни, маҳсулотни умумий пул қиймати аниқланиши орқали ҳисобланади. Ҳозирги ялпи миллий маҳсулотга давлатнинг товарлар ва хизматларни сотиб олишга қилган харажатлари ҳамда хусусий инвестициялар ҳам қўшилади. Даромадларга, яъни, иш ҳақи, фоиз, рента ва фойда жамият томонидан маҳсулотлар учун қилинган харажатлар сифатида қаралиб, уларни жамлаш орқали ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ялпи маҳсулотни ҳисоблашда жамиятда иқтисодий ўсиш аниқланади, «ялпи инвестиция» ва «хусусий инвестиция» тушунчалари қўлланмоқдаки, бунда улар йил давомида қурилган уйлар, фабрика, завод, машиналарни ифода этади.

ЯММ даражаларидаги фарқлар (*GNP gap*) – потенциал ва реал ЯММ даражалари орасидаги фарқ.

ЯММ дефлятори нархлар индекси (*GNP implicit price deflator*) – жорий нархлардаги ЯММни солиштирма нархлардаги ЯММга нисбатан тафсиловчи кўрсаткич ёки номинал ЯММнинг реал ЯММга нисбати.

Ўзгарувчан алмашув курси (*flexible exchange rate*) – ички мувозонатни тиклаш мақсадида мамлакат алмашув курсига эга бўладиган халқаро ҳисоб-китоблар тизими.

Қарзлар – “заёмлар” (*borrowing*) – маълум бир муддатга қайтариб олиш шarti билан берилган маблағлар. Қарзлар қуйидагича бўлиши мумкин: тижорат фоизсиз шаклдаги қарзлар, имтиёзли қарзлар ҳамда ички ва ташқи қарзлар. Жисмоний, юридик шахсларнинг қарзлари ички қарзларга киради.

Қарз бериш (*crediting*) – пул ёки товарларни қайтариш шarti билан маълум муддатга бериш.

Қадрсизланиш (*depreciation*) – миллий валютанинг нархи чет эл валюталари баҳосидан пасайиши.

Қимматбаҳо қозоғлар (*securities*) – эгасига қандайдир капитал ёки мол-мулкка эгалик қилиши ҳуқуқини тасдиқловчи ва фоиз, дивиденд кўринишда даромад келтирувчи ҳужжат.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

«ТЕХНИКА» ФАКУЛЬТЕТИ

**« ИЖТИМОЙЙ ФАНЛАР»
КАФЕДРАСИ**

**«ЖАХОН ИҚТИСОДИЙТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАР»
ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР УЧУН РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ
(АндМИ бакалавриат босқичи талабалари учун)**

АНДИЖОН-2015
« ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙТИ ВА ҲАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАР » ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР УЧУН РЕФЕРАТ
МАВЗУЛАРИ

1. Ҳалқаро меҳнат тақсимоти эволюцияси
2. “Обод турмуш йили” давлат дастурининг асосий йўналишлари.
3. Мамлакатнинг саноат сиёсати ва уни миллий иқтисодиётнинг ҳалқаро иқтисослашувига таъсири (Ўзбекистон Республикаси ва чет эл мамлакатлари мисолида).
4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва уни белгиловчи омиллар.
5. Иқтисодий ислохотларни ўтказишнинг жаҳон тажрибаси ва уни Ўзбекистон Республикасида татбиқ этиш.
6. Ривожланаётган мамлакатларда (бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда) иқтисодиётини байналминаллашув.
7. Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва иқтисодиётда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги урни. (Ўзбекистон Республикаси мисолида).
8. АҚШ ҳужалигининг жаҳон иқтисодийтида тутган урни.
9. Қўшма корхона фаолиятининг иқтисодий механизми ва уни такомиллаштириш (аниқ мисоллар асосида).
10. Кризис даврида валюта сиёсати ва воситалари.
11. Ҳалқаро савдони ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари.
12. Ўзбекистон Республикасида ташқи савдони солиқлар орқали тартибга солиш ва унинг самарадорлиги.
13. Ўзбекистон иқтисодиётида тузилмавий ўзгариш муаммолари.
14. Бозор иқтисодиёти шароитида сармояларнинг шаклланиши.
15. Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш йўллари.
16. Республикаимизнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш йўллари.

17. Ўзбекистонда солиқ тизимини такомиллаштириш йўллари.
18. Маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланишни такомиллаштириш.
19. Ўзбекистон иқтисодиётининг хавфсизликни белгиловчи омиллар ва уни мустаҳкамлаш йўллари.
20. Бандлик муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари.
21. Ўзбекистон машинасозлигида инновация жараёнларининг ўзига хос жиҳатлари.
22. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ТМК (трансмиллий корпорациялар)нинг ўрни.
23. Германия иқтисодиёти.
24. Япония иқтисодиёти.
25. Франция иқтисодиёти.
26. Буюк Британия иқтисодиёти.
27. Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан иқтисодий алоқалари.
28. Иқтисодий ўсиш омиллари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги.
29. Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл сармояларини жалб этиш йўллари.
30. Ўзбекистонда инвестиция манбаларини шакллантиришнинг ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари.
31. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш.
32. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ва уни фаоллаштириш йўллари.
33. Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг муаммолари
34. Республикамизда банк тизимини ривожлантириш ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари.
35. Ўзбекистон Республикасида тулов баланси барқарорлиги ва унга эришиш йўллари.
36. Макроиқтисодий мувозанат ва унга эришиш йўллари.
37. Иқтисодий ўсиш моделлари.
38. Инфляцияга қарши сиёсат йўналишлари.
39. Ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш йўллари.
40. Макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи асосий омиллар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

«ТЕХНИКА» ФАКУЛЬТЕТИ

**«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР»
КАФЕДРАСИ**

**ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАР
ФАНИ БЎЙИЧА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.**

(АндМИ бакалавриат босқичи талабалари учун)

АНДИЖОН – 2015

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни.-Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.№ 3-Т.:Адолат,2004.–7-9б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни, 2009 йил

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

4. “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 9 сон – 2010- 9 март.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони// Халқ сўзи, 2005, 15 июн.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги 28.10.2009 й. ПК-1213-сонли қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

7. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50

8. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.- 56 б.

9. И.А.Каримов. “2008 йилда республикани ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза” “Халқ сўзи”, 2009 й.14 феврал, № 33-34 (4696-4697)

10. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз –жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 136 б.

11. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 феврал.

12. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликга эришиш остонасида,-Т.: “Ўзбекистон”, 2011

IV. Дарсликлар

14. Миллий ва халқаро иқтисодиёт. Ишмухамедов А.Э., Юсупов А.С.. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007й

15. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х.,Акбаров М. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007й

16. Назарова Г.Г., Халилов Х., Эштаев А., Хакимов Н.З., Салихова Н., Бобожонов Б.Р. “Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ”. – Т., 2006. - 216 б.

17. Шодиев Р.Х. “Жаҳон иқтисодиёти”. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 2005.- 215 б.

18. Назарова Г.Г., Халилов Х., Эштаев А., Ахмедов И.А., Хакимов Н.З., Мухаммедрахимов У.Х. “Жаҳон иқтисодиёти” – Т., 2005. - 220 б.

19. Колесов В.П., Кулаков М.В. Международная экономика: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 474 с.

20. Мировая экономика и международный бизнес: учебник / кол. авторов ; под общ. Ред. д-ра экон. Наук, проф. В.В.Полякова и д-ра экон. Наук, проф.р.к.Щенина.- 5-е изд., стер.- М.:КНОРУС, 2008.-688 с.

21. Ломакин В.К. Мировая экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям / В.К. Ломакин. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 671 с.

22. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / под ред. акад. А.А. Дынкина / ИМЭМО РАН. – М.: Магистр, 2007. – 429 с.

23. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник /Под ред. Л.Н. Красавиной. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 576 с.

24. Внешнеэкономическая деятельность: учеб. для студ. сред. проф. учеб. заведений / [Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелов, С. В. Карпова и др.]; под ред. Б. М. Смитиенко, В. К. Поспелова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: «Академия», 2007. — 304 с.
25. Устойчивое экономическое развитие в условиях глобализации и экономики знаний: концептуальные основы теории и практики управления / Под ред. В.В. Попкова. М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. — 295 с.
26. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации: Учебник. — М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.
27. Кочетов Э. Г. Геоэкономика. Освоение мирового экономического пространства: Учебник для вузов. — М.: Норма, 2006. — 528 с: ил.
28. Комаров М.П. “Инфраструктура регионов мира”: учебник. - СПб.: . Изд. 2008-
29. Николаева И.П. “Мировая экономика” Учеб. пособие для вузов М., Юнити, 2004
30. Цыпин И.С., Веснин В.Р. Мировая экономика: Учебник. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. - 248с.
31. Кочетов Э.Г. Геоэкономика. Освоение мирового экономического пространства: Учебник для вузов. - М.: Норма, 2006. - 528с.
32. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008-196 б.
33. Ломакин В.К.. Мировая экономика. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. -735 б.
34. Кудров В.М. Мировая экономика. – М.: Дело 2008.-528 б.
35. Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. – СПб., 2003.- 492 б.
36. Кругман П. Международная экономика. 5-е изд. – СПб.:Питер. 2004. - 831
37. Давидов А. Структурные изменения в Американской экономике. //Мировая экономика и международные отношения № 11, 2009, с-35-47
38. Ерошкин А.М. Современные тенденции финансирования инновации в ведущих зарубежных странах. //Экономический анализ: теория и практика, № 21 (228), 2011

V. Ўқув қўлланмалар

39. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хаджибакиев Ш.Х. Молия-2011
40. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 б.
41. Международный маркетинг. Назарова Г.Г., Адилова З.Д., Мухамедрахимов У.Х. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007 й
42. Международная бизнес стратегия. Назарова Г.Г., Адилова З.Д., Розметова Н.Б., Исмаилова Н.С. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007 й

43. Жаҳон иқтисодиёти. Назарова Г.Г., Халилов Х.Х., Ханова И.М., Хакимов Н.З., Бобожонов Б.Р. Т.: МЧЖ “RAM-S”, 2007 й
44. Экономика зарубежных стран. Назарова Г.Г., Адилова З.Д., Мухамеджанова Г.А. Т.: ТГЭУ, 2007 й
45. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти. Назарова Г.Г., Хакимов Н.З., Бобожонов Б.Р., Эргашев Д.Р., Султанова Н.А. Т.: ТГЭУ, 2007 й
45. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатлари. Хайдаров Н.Х. Т.: ТГЭУ, 2007 й
46. Муаллифлар гуруҳи. Ўзбекистонда бизнес кейслар: Ўзбекистон Республикасидаги бизнес таълимотида “Кейс - Стади” услубининг қўлланилиши. – Т.: Академия, 2006. – 645б.
47. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005. – 273б.
48. Спиридонов И.А. Мировая экономика: Учеб. Пособие. – М.: РИОР, 2007. – 128 с.
49. Ломакин В.К. Мировая экономика. Практикум: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям и направлениям / В.К. Ломакин. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 223 с.
50. Мировая экономика и международный бизнес : учебник / кол. авторов; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. В.В. Полякова и д-ра экон. наук, проф. Р.К. Щенина. — 5-е изд., стер. — М. : КНОРУС, 2008. — 688 с.
51. Шевчук В.А., Шевчук Д.А. Международные экономические отношения: Учеб. пособие. – М.: Издательство РИОР, 2006. – 192 с.
52. Фигурнова, Н. П. Международная экономика: учеб. пособие / Н.П. Фигурнова. — Москва: Издательство «Омега-Л», 2007. — 304 с.
53. Глобализация мирового хозяйства: Учеб. пособие / Под ред. д-ра экон. наук, проф. М.Н. Осьмовой, канд. экон. наук, доц. А.В. Бойченко. - М.: ИНФРА-М, 2006. - VIII, 376 с.
54. Саввина О. В. Международные финансовые организации: Учебное пособие. — М.: Российская Академия предпринимательства, 2006. — 146 с.
55. Смирнов Е.Н. Введение в курс мировой экономики (экономическая география зарубежных стран): учеб. пособ. – М.: Кнорус, 2008. – 416с.
56. Международные стратегии экономического развития: Учеб. пособие / Под ред. Ю.В. Макогона. - К.: Знания, 2007. – 461 с.
57. Расулова Д.В. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. – Т.: Молия-2010

VI. Статистика тўпламлари маълумотлари

58. Инвестиции республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2009. – 148 с
59. Промышленность республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2007. – 156 с.
60. Сельское хозяйство Узбекистана 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2009. – 160 с

61. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва курсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари “Ўзбекистон” -2011

VII. Интернет сайтлари

62. Микроэкономика. Курс лекций. Задачник. Опорный конспект. Методические указания. http://www.iet.ru/mipt/2/text/curs_micro_lect.htm

63. Курс Микроэкономики 1 в "Микроэкономике промежуточного уровня". Особое внимание уделяется производству, теории фирмы и структурам рынка. http://www.nes.ru/Acad_year_2001/Micro2-rus.htm

64. Учебные материалы по Микроэкономике. On-line <http://www.ic.omskreg.ru/econrus/win/library/3/37/371/3713/table.htm>

65. Программа курса “Микроэкономика” <http://www.ic.omskreg.ru/econrus/win/library/3/program/4.htm>

66. Игнатьева, Моргунова. Микроэкономика. "<http://www.economics.ru>"

67. ГУП Институт Микроэкономики при Министерстве

68. Экономики России. "<http://www.imce.ru>"

69. “Norma” 2009.

70. “Pravo” 2009.

1-мавзу: Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фани предмети ва ўрганиш усуллари. Халқаро иқтисодий муносабатлар тўғрисидаги иқтисодий таълимотлар.

Жаҳон иқтисодиётининг бир миллий қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиёти Россия мустамлакаси ва Иттифоқ даврида бир неча ўн йиллари давомида мустақил иқтисодий субъект сифатида ривожланиш имкониятларидан маҳрум бўлди, таталитар тузум тугатилиши натижасида у ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон бир қанча хорижий мамлакатлар ва халқаро иқтисодий ташкилотлар билан бевосита иқтисодий ҳамкорликларни йўлга қўйишга киришди. Бу масала давлат сиёсатининг муҳим уствор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва тартибга солишда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябридаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари ва янги стратегияси» қарорига мувофиқ, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги иши қайта ташкил этилиши муҳим аҳамият бўлди.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фани иқтисодчи кадрлар тайёрлаш давлат дастурига киритилган.

Бу фан талабаларга Республикамиз Президенти ва Ҳукумати олиб бораётган ташқи иқтисодий сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиш, халқаро муносабатларда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, очиқ иқтисодиёт шароитида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, иқтисодий хавсизлик масаласи борасида халқаро тажрибалар асосида муҳим билимлар беради. Бу фанни ўрганиш мутахассисларни халқаро талабаларга мувофиқ иш юритишини, ўз билимларини халқаро даражада бўлишини, халқаро меъёрлар даражасида баҳолаш каби кўникмаларни ҳосил қилишга хизмат қилади.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар фани икки қисмдан иборатдир, булар икки ўзаро бевосита яхлит бўлган жараёнлардир.

Халқаро иқтисодий муносабатлар предмети асосан икки муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни халқаро иқтисодий муносабатлар ва уни амалга ошириш механизмининг камраб олгандир. Уни миллий хўжаликлараро, минтақавий уюшмалараро, алоҳида ҳудудлараро ва айрим корхоналараро (ТМК ва ТМБлар каби) ўрганади.

Халқаро иқтисодий муносабатларни (ХИМ) таркиби:

1. Халқаро меҳнат тақсими.
2. Халқаро товарлар ва хизматлар савдоси.

3. Халқаро капиталлар ҳаракати ва хорижий инвестициялар.
4. Халқаро ишчи кучи миграцияси.
5. Халқаро валюта - молия ва кредит муносабатлари.
6. Халқаро иқтисодий интеграция жараёни.
7. ТМКлар ва кредит –молиялаш институтларини ташкил топиши ва ривожланиши.
8. Давлатлараро ХИМни тартибга солиш (валюта-молия савдо муносабатлари).
9. Халқаро кредит-молия институтлари фаолияти (ХВФ,ХТТБ ва бошқаларни ХИМ соҳасидаги фаолияти).
10. Илмий –техника ва ишлаб чиқаришдаги ҳамкорликлар.

Жаҳон хўжалиги халқаро иқтисодий муносабатлар фаолиятининг объектив асосидир.

Фаннинг ўрганишини муҳим қондаси бўлган ҳудудийлик принциpidан келиб чиқиб, уй хўжалиги, деҳқон, фермер, ширкат, шаҳар, туман, вилоят, микроҳудуд, миллий хўжалик, алоҳида макро минтақа ва умуминсониятнинг «ялпи юқори истеъмол» қилишнинг моддий асоси бўлган жаҳон хўжалигини халқаро жаҳон иқтисодиёти ва ХИМ фани яхлит ҳолатда ўрганади.

Ўрганиш усуллари асосан икки гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ- «ананъавий» усуллар:

илмий абстракциялаш:

фаразлар қилиш:

таҳлил қилиш:

статистик таҳлил:

математик таҳлил:

иқтисодий районлаштириш ва бошқа усуллар.

Иккинчи гуруҳ- «ноанаънавий» усуллар;

математик таҳлил;

масофадан кузатиш, шу жумладан космосдан кузатиш (аэрофотосуръатлар, белгиланган жойни суръатга олиш, ерни турли мақсадларда таҳлил қилиш ва ҳоказо);

ахборот тизимлари маълумотлари (интернет) ва ҳаказолар.

Фаннинг принциплари:

тарихийлик:

миллийлик:

ҳудудийлик:

назария ва амалиёт бирлиги:

тушунарли бўлишлик принципи ва ҳаказолар.

Фаннинг қондалари:

эквивалентлик:

кетма-кетлик:

мукамаллик ва ҳаказолар.

Тадқиқотлар олиб бориш усуллари қўллаш, ўрганиш объекти ва вазифасига боғлиқ.

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши бир неча босқичларга бўлинади.

Ҳозирги даврда дунёда 230 дан ортиқ давлат мавжуд бўлса, уларнинг табиий иқлимий шароитлари нихоятда турли-туман. Уларнинг аҳолиси, хўжалик фаолияти, турмуш тарзи ҳам хилма-хилдир

Классик иқтисодий мактаб вакили Адам Смит (Adam Smith) ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлари» (1776), (меркантилизмни танқидига бағишланган) асарида давлат учун фақат товарлар экспортига фойдали бўлмай унинг импорти ҳам фойдали эканлиги исботлаб берилди.

Буюк иқтисодчи илгари сурган тамойил:

	А мамлакат	В мамлакат
S. товар	3 соат	12 соат
T. товар	6 соат	8 соат

Бирон бир мамлакатни барча товарлар бўйича устунлигини А.Смит таҳлил этмаган бу вазиятни Д.Рикардо таҳлил этган ва у бир мамлакатни бир неча товарлар бўйича мутлоқ афзаллигини исботлаб берган.

2-мавзу: Умумжаҳон хўжалиги ва миллий иқтисодиётлар.

XX асрнинг иккинчи ярмида, жаҳон иқтисодиёти жараёнида ишлаб чиқариш кучларини тезкорлик билан ўсиши ва илмий-техника инқилобининг моддий асоси бўлиб хизмат қилиши, жаҳон хўжалигида туб ўзгаришларга олиб келди.

Жаҳон амалиётида дунёнинг барча мамлакатлари уч асосий йирик гуруҳларга:

- ривожланган бозор иқтисодиётидаги мамлакатлар (РБИМ);
- бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар (БИЎМ);
- ривожланаётган мамлакатлар (РМ)га бўлинади.

Бундай гуруҳларга бўлиш ЭКОСОС (БТМ иқтисодий ва ижтимоий кенгаши) томонидан таклиф этилган бўлиб, ундан мақсад, давлатларни иқтисодий-ижтимоий таҳлил қилиш ва кейинги даврда содир бўлаётган кардинал, геосиёсий ўзгаришларни ўрганиш учун қулайлик яратишдан иборатдир. Ривожланган бозор иқтисодиётдаги мамлакатлар дунёнинг йирик sanoat индустриясига, замонавий технологияларга эга бўлган давлатлар бўлиб, улар асосан юқори рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эриша олган мамлакатлар ҳисобланади. Дунёнинг **“катта еттилиги”** мамлакатлари бу гуруҳнинг қарвонбошилари ҳисобланади. Уларда дунёни ЯИМ ни катта қисми яратилади. Бу давлатлар гуруҳига - АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Франция ва Япония киради;

Европа Иттифоқи мамлакатлари - ЕИ (Белгия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Буюк Британия, Франция, Швеция, Финляндия);

Европа эркин савдо уюшмаси (ЕЭСУ) мамлакатлари; Австрия, Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швейцария, Швеция; Бенилюкс мамлакатлари: Белгия, Нидерландия, Люксембург;

Шимолий Америка мамлакатларни эркин савдо тўғрисидаги келишуви (НАФТА) га аъзо мамлакатлар: АҚШ, Канада, Мексика.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар. Шарқий Европа мамлакатлари - Албания, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехия, Словакия ва собиқ СССР парчаланиши натижасида ташкил топган янги мустақил давлатлар: Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Арманистон, Молдава, Озарбайжон, Грузия, Латвия, Литва, Эстония, шунингдек, Югославияни парчаланиши натижасида ташкил топган янги мамлакатлар киради. Амалий жиҳатдан бу мамлакатларда 90-йилларнинг бошидан туб иқтисодий ислохотлар бошланди, бу ислохотларнинг бош мақсадлари бозор иқтисодиётига ўтишдир. Уларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари турличадир. Бу мамлакатлар ичида Польша, Чехия, Венгрияда уч йиллик (1991-1993 йил) ислохотлар давридан кейин (1994 йилдан) иқтисодиётнинг барқарорлашув жараёни бошланди, 1995-1996 йиллардан эса бу мамлакатларни миллий даромадлари ўртача йилига 6 % дан ошиб бормокда. 1995 йилдан Руминия, Болгария ва Словакияда иқтисодий ўсиш бошланди. Бошқа бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда ҳам иқтисодиётни тасаввурга сиғмайдиган гиперинфляцияси ҳолатининг сўнгги нуқтасидан тикланиш ва ўсиш босқичига ўтиш даври бошланди.

Ривожланаётган мамлакатлар. Бу мамлакатлар одатда ҳудудий географик жойлашуви асосида гуруҳлаштирилади. Таҳлил қилиш мақсадларида, уларни яна актив тўлов балансига эга бўлган ва капитал импортёрлари бўлган мамлакатларга бўлинади. Охирги бўлиниш энергия ресурслари экспортёри мамлакатлари ва импортёр мамлакатлари асосида амалга оширилади. У бир вақтда ҳам экспортёр, ҳам импортёр мамлакат бўлса:

а) унинг ишлаб чиқаришида дастлабки энергия ресурслари (тошқўмир, лигнит (паст нав қўнғир тошқўмир), нефть, табиий газ, сув энергияси, атом энергияси) ўзининг хусусий истеъмолидан 20 фоиздан камроқ миқдорда ошади;

б) энергия ресурслари улуши умумий экспортда 20 фоиздан кам бўлади. Ривожланаётган мамлакатлар орасидаги - энергия ресурслари импортёрлари асосан яқин йилларда актив тўлов балансига эга бўлган мамлакатлар, шундай давлатлар авлодини дастлабки вакиллари Шарқий-Жанубий Осиё мамлакатлари бўлган. Корея Республикаси, Сингапур, Тайланд, Сянган (ХХР) киради. Бу мамлакатлар тайёр маҳсулотлар экспорт қилишга ўтган.

Ҳозирги шароитда ривожланаётган мамлакатлар орасида кейинги иқтисодий табақаланиш жараёни бормокда. Хўжаликни ривожланишини, уч ҳил даражасини бу жараёнда кўришимиз мумкин. Ҳозирда саноати анчайин ривожланган мамлакатлар гуруҳи (ЯИМ нисбатан тез ўсаётганлари) қаторига Аргентинани, Бразилияни, Гонгконгни (ХХР), Жанубий Кореяни, Мексикани, Чили, Сингапурни, Тайландни, Туркияни, Хитойни, Ҳиндистонни, Малайзия ва бошқаларни киритиш мумкин. Кейинги ўринда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) салмоғида саноат ишлаб чиқариши анчайин паст бўлган, аҳоли жон бошига ҳам тақсимланганда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш паст бўлган мамлакатлар туради. Бу гуруҳга бир қисм Яқин Шарқ мамлакатлари ҳам киради. Бу мамлакатлар иқтисодиётини тармоқли тузилиши аҳолининг

ижтимоий қатлами билан юқоридаги гуруҳдан катта фарқ қилади. Энг кам ривожланган мамлакатлар гуруҳига 50 га яқин ривожланаётган мамлакатлар киради. Бу мамлакатлар иқтисодиёти асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги агротехникаси эса жуда паст бўлиб, аҳоли жон бошига нисбатан энг кам маҳсулот етиштирадилар. Иқтисодиётни ривожланиши кўп жиҳатдан чет эл капиталига боғлиқдир. Улар жаҳон ҳамжамияти томонидан ўтказиладиган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар орқали кўпинча қўллаб-қувватланиб турилади. БМТ бу мамлакатларни аниқлашда асосан учта белгиларига:

- ЯИМнинг аҳоли жон бошига улуши 350 доллардан озлиги;
- катта ёшдаги аҳолининг саводхонлиги 20 фоиздан ошмаслигига;
- қайта ишлаш саноатини улушини мамлакат ЯИМни 10 фоиздан ошмаслиги ҳолатларига эътиборни қаратади.

Бу давлатлар гуруҳига Осиёни 8 та, Африкани-28, Лотин Америкасини-5, Океания ва бошқалар киради.

Иқтисодий таҳлилларда нисбатан икки муҳим аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичлар ялпи маҳсулот ва миллий даромад асосий ўрин эгаллайди. МХТда марказий кўрсаткич ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳисобланади. Уларнинг ҳар иккиси, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни бир йиллик (чораклик, ойлик) якунлари бўйича ушбу кўрсаткичларни жорий баҳолар (амалдаги), шунингдек, доимий таянч йилдаги (базавий) баҳоларда ҳисобланади. ЯИМ билан ЯММ ўртасидаги фарқ қуйидагича: ЯИМ - бу мамлакат ҳудудидаги барча чет эл қўшма ёки бошқа шакллардаги корхоналар бўлишидан қатъий назар биргаликда ялпи моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги жами маҳсулотларни қимматини баҳоловчи кўрсаткичдир;

ЯММ - бу барча миллий хўжаликка тегишли бўлган жисмоний ва юридик шахсларни моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги маҳсулотларни баҳоловчи кўрсаткичдир. Миллий маҳсулотни қайси давлат ҳудудида ишлаб чиқариши ёки хизмат кўрсатишидан қатъи назар биргаликдаги ялпи миллий маҳсулотнинг кўрсаткичидир. Шундай қилиб, ЯММ ЯИМдан фарқланади, миллий хўжаликдаги барча даромадлар келтирувчи омиллар, яъни ушбу мамлакат ресурсларидан фойдаланиб чет элларда ёки ўз мамлакатини ҳудудида яратилган барча миллий хўжаликка тегишли маҳсулотлар йиғиндиси ЯММдир. Одатда ЯИМга мамлакат ташқарисида яратилган барча маҳсулотлар қўшилганда ЯММни ташкил этади.

3-мавзу: Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ).

Халқаро меҳнат тақсимоти—жаҳон хўжалик ҳаётини байналминаллашуви ва алоҳида давлатларни ички умумий меҳнат тақсимотининг макрокўламдаги давомидир.

Халқаро меҳнат тақсимоти асосан икки жараён — кооперацияни таркибий бўлиниши (ихтисослашуви ва бирлашуви) асосидаги жараёндир.

Ихтисослашув жараёни икки йўналишда ривожланади: ишлаб чиқариш ва ҳудудий ишлаб чиқаришга ихтисослашувига боғлиқлик даражаси асосида тармоқлараро, ички тармоқлараро ва алоҳида компаниялараро.

Ҳудудий ихтисослашув алоҳида давлатлар, давлатлар гуруҳлари ва ҳудудлар бўйича амал қилади.

Ихтисослашувни асосий кўринишлари:

— ишлаб чиқаришни алоҳида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви;

— ишлаб чиқаришни алоҳида қисмлар ёки маҳсулотларни алоҳида таркибидаги компонентларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви;

— алоҳида операцияларга ёки технологик жараёнларга (йиғиш, кавшарлаш, бўяш ва бошқаларга) ихтисослашуви.

Кооперация — хўжалик фаолиятини бирлашувини қийин жараёнидир. У қуйидагиларга бўлинади:

— кўриниши бўйича (иқтисодий кооперация, саноат ишлаб чиқариши бўйича ҳамкорлик ва бошқалар);

— босқичи (даражаси) бўйича (ишлаб чиқариш олди, ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ);

— сони бўйича (объектлар, субъектлар ва бошқалар).

Юқоридагилар ҳозирги замонда алоҳида мамлакатлар, мамлакатлар гуруҳлари ва ҳудудлараро халқаро меҳнат тақсимотининг маълум тур маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашувига асосланган, юқори босқичларида содир бўлаётган жараёнлардир.

Халқаро меҳнат тақсимоти тизими ўзининг тарихий ривожланиш босқичларини ўтаб, эволюцион такомиллашувни узоқ тарихий йўлини босиб ўтган.

Натурал хўжалик даврида товар-пул муносабатлари ривожланган эмас эди, бу даврда халқаро меҳнат тақсимоти алоҳида давлатлар табиий шароитлари асосидагина содир бўлган ёки жуда кам мамлакатлараро товар айрибошланганлиги учун у ривожлана олмаган эди.

Халқаро меҳнат тақсимоти жараёни нисбатан ривожланган мамлакатларда машиналашган саноат ишлаб чиқариши (саноат инқилоби) даврида XVIII аср охири-XX аср бошларига келиб ривожланди. XIX аср ўрталаридан халқаро меҳнат тақсимоти тармоқлараро ихтисослашуви асосида шаклланиб илм-фан тараққиёти жараёни билан уйғунлашиб то иккинчи жаҳон урушига қадар давом этган деб иқтисодчи олимлар ҳисоблайдилар. Бу даврлар ҳозирги замон халқаро меҳнат тақсимотини шаклланишига асос бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусиятлари саноат ишлаб чиқаришини ихтисослашувини чуқурлашуви, халқаро меҳнат тақсимотини

умумий даражасида тармоқлараро ихтисослашувни камайиши ва ички тармоқлараро ихтисослашувни кучайиши билан характерлидир. Шунингдек, ишлаб чиқаришни кенгайиши, йириклашуви, байналминаллашуви, интеграциялашуви натижасида бир маҳсулотни бир жойда тўла ишлаб чиқариб бўлмайди, аксинча, ишлаб чиқариш жараёнини ихтисослашуви ҳам халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишини асосий омили ҳисобланади.

Саноати ривожланган мамлакатлар кўпроқ ташқи истеъмолчилар талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилиб ички талабларни импорт ҳисобига қоплашга қаратилган йўл тутмоқдалар. Ривожланаётган мамлакатлар эса ўз ички бозорини экстенсив кенгайтириш йўлидан бормоқдалар. Кейинги ўн йилликда дунёда катта иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жараёнлар бўлиб ўтди. Бу жараёнлар ҳам халқаро меҳнат тақсимотининг кенгайишига ўз ижобий таъсирини кўрсатувчи омиллардан бўлди.

Ҳозирги замон халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишини бош йўналиши халқаро ихтисослашувни кенгайиши ва ишлаб чиқаришни кооперациялашувидир.

Халқаро кооперация (ХК) ва халқаро ихтисослашув (ХИ) халқаро меҳнат тақсимотини асосий шакли ва унинг моҳиятини очиб берувчи жараёндир.

У турли мамлакатларнинг корхоналарини ҳозирги замон илмий – техника тараққиёти асосида маҳсулотларни турли қисмлари ёки компонентларини ишлаб чиқаришга мослашуви, ихтисослашуви билан ривожланиб бормоқда. Масалан, ҳар бир енгил автомобиллар 20 минг қисмлардан ташкил топгандир. Ҳозирги замон саноат дастгоҳлари 100 мингдан ошди, электровозлар 250 мингга яқин қисмлардан ташкил топгандир.

Халқаро меҳнат тақсимотини бошқа шакли бўлган ишлаб чиқаришни халқаро кооперациялашуви ривожланишини объектив асоси ишлаб чиқариш кучларини мутахассислик даражасини ошириш ва мустақил корхоналарни халқаро алоқаларини мустаҳкамланиши, у мамлакат ичида ёки халқаро даражада бўлишидан қатъий назар катта аҳамият касб этди, ҳамкорлик соҳаси эса турли шаклларни ўз ичига олди.

1. Ишлаб чиқаришда технологик ҳамкорликлар:

- а) лицензиялар бериш ва ўз мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи;
- б) технологик жараён, маҳсулотни техник даражаси ва сифати, қурилиш ва монтаж ишлари, кооперациялашган корхоналарни қайта қуриш, лойиҳа конструкторлик ҳужжатларини келишиш ва ишлаб чиқиш;
- в) ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш, андозалаштириш, унификациялаш, сертификациялаш, ишлаб чиқариш дастурларини тақсимлаш.

2. Кооперация маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш.

3. Сотилган техникага хизмат кўрсатиш.

Кооперация алоқаларини ишини амалга оширишда асосан учта усул қўлланади:

- 1) ҳамкорликда қўшма дастурни амалга ошириш;
- 2) шартномавий мутахассислашув;

3) қўшма корхона ташкил этиш.

Ҳозирги замон ғарб назариятчиларини халқаро меҳнат тақсимотини қайта қуриш назариялари.

Бу назарияларни шартли икки асосий гуруҳга бўлишимиз мумкин:

- «Ўзаро боғлиқлик» назариясини турли вариантлари.
- амалдаги халқаро меҳнат тақсимотини қайта қуриш режасига аниқ амалий рекомедациялар (йўлланмалар).

70-йилларда «Ўзаро боғлиқлик» назарияси кенг тарқалган эди. У «янги халқаро меҳнат тақсимоти» учун асосий таълимот ҳисобланар эди. Бундай таълимотни асосчиларидан бири Голландиялик иқтисодчи К. Новенхузе ҳисобланади. У ўз ғояларида, биринчи навбатда экологик омилларга мурожаат этади ва бу барча давлатлар учун бир хил таъсир этувчи омил деб ҳисоблайди. Унга қуйидагиларни киритган:

- атроф муҳитни ўзгарувчанлиги, бекарорлиги;
- ердаги табиий ресурсларини тугаб бораётганлиги ва чегараланганлиги.

Унинг фикрича саноати ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларнинг табиий ресурсларига боғлиқ бўлса ривожланаётган мамлакатлар саноати ривожланаётган мамлакатларнинг техника-технологиялари, кредитлари ва бошқаларга боғлиқ деб ҳисоблайди ва бу воситалар мамлакатларни ўзаро бир-бирига «таъсир ўтказди» деб ҳисоблайди. Шу билан бирга халқаро меҳнат тақсимотини ривожлантириш фикрларини ҳам илгари суради.

Бошқа бир Ғарб иқтисодчиси-Р. Кўпер (Гарвард университети) ҳам ўзаро боғлиқлик назариясини илгари суради ва у ўзаро боғлиқликни бир неча кўринишларини кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича тўртта кўринишдаги ўзаро боғлиқлик шакллари мавжуддир:

- мамлакатлар иқтисодиёти эркинлашиши ва халқаро меҳнат тақсимоти натижасида мамлакатлар иқтисодиётини турли тармоқлари таркибий жиҳатдан ҳам доимий ўзаро боғланиб боради;
- иқтисодий сиёсат соҳасида ҳам бир-бирларига боғланиб борадилар ;
- иқтисодий ривожланишнинг ташқи омиллари асосида бир-бирларига ўзаро боғланиб борадилар;
- сиёсий ўзаро боғлиқликлардир.

Тармоқларни ихтисослашуви уч босқичдаги чизма асосида олиб борилди:

- Янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ) асосан юқори технологиялар асосида, юқори малакали ишчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан фарқ қилди.

- нисбатан кам ривожланган мамлакатларда кўп меҳнат ва хом-ашё талаб қилувчи маҳсулотларни ишлаб чиқдилар ва хом-ашёни экспорт қилдилар (нисбатан паст ривожланган мамлакатлар бу чизмага қўшила олмадилар);

- Саноати ривожланган мамлакатлар эса кўп капитал талаб этувчи, юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган таркибий қайта қуришлар асосида ишлаб чиқаришга ўтдилар.

Назорат учун саволлар:

1. Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти, турлари, унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
2. Ихтисослашувнинг асосий кўринишлари.
3. Халқаро меҳнат тақсимотининг ҳозирги ривожланиш хусусиятлари
4. Ишлаб чиқаришда технологик ҳамкорликлар ва унинг таркиби.
5. Ҳозирги замон ғарб назариётчиларининг ХМТ қайта қуриш назарияси.
6. Ўзбекистонни ХМТ даги ўрни.

4-мавзу: Саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти.

XXI аср бошларида саноати ривожланган мамлакатлар 40 тадан озроқни ташкил этади. Улар Ғарбий Европада, Шимолий Америкада, Осиёда, Австралия ва Океанияда жойлашган. 29 таси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) аъзосидир. 7 давлат : АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция. Канада, Италия «**катта еттилик**» деб юритилади. Айнан шу мамлакатлар умумжаҳон хўжалигини асосий ривожланиш йўналишларини ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилайдилар. Айрим бир мамлакатни ва гуруҳларни ривожланиш даражасини кўрсаткичларини ЯИМ ни киши бошига тақсимотидаги даражаси белгилайди.

Ҳисоблар БМТ томонидан ишлаб чиқилган тартиблар асосида ҳисобланади. Асос қилиб миллий валютасини харид қуввати паритети (МВП) олинган.

Умумжаҳон хўжалигини саноати ривожланган мамлакатлар ўз назоратига олиши кенгайиб бормоқда. Бу жараён ташқи савдо, чет элларга қилинаётган инвестициялар, трансмиллий корпорациялар (ТМК) тармоғи, илмий-техника соҳасини монополлашуви ва бошқа омиллар орқали амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётни давлат бошқаруви даражасига қараб саноати ривожланган мамлакатларда аралаш иқтисодиётни бир неча моделлари (йўллари) мавжуддир:

—Эркин иқтисодиёт (америкача) модели, хусусий мулкчиликни устунлиги характерлидир. Ишлаб чиқаришда бозор рақобати, товарларни инвестициялаш, юқори малакали ишчи кучидан фойдаланиш, ижтимоий дифференциацияни юқори даражасидаги механизмини амал қилилиш билан характерлидир.

Бу модел АҚШ, Канада ва бунга Буюк Британия, Ирландия, Белгия, Италия, Франция иқтисодий тизимига хосдир;

— Ижтимоий бозор (Германия) модели, ижтимоий бозор ҳўжалиги асосида ривожланиб боради. Бунда рақобатга асосланган бозор механизми билан қўшимча алоҳида ижтимоий инфратузилмани ташкил этади.

—Швед модели, Швеция ва бошқа Скандинавия мамлакатларида, шу жумладан Австралияда тарқалган. Ушбу моделни корпоративистик модел деб ҳам аталади. Ҳарактерли томонлари, ижтимоий кафолатнинг юқори даражада эканлиги, асосийси даромадни кенг қайта тақсимланиши ва ижтимоий консенсусиал излашдан иборатдир. Бунга қўшимча кучли касаба уюшмаси ва кўп қиррали «эркин уюшмалар»нинг хизмат қилишидир. Улар жамоа ва хусусий манфаатларни умумлашувини координациялаш, шунингдек ижтимоий ҳамкорлик ғоясини ривожлантириш, тадбиркорлар ва касаба уюшмаларни келишувини юқорилиги натижада сиёсий жараёнларда бу амалга оширилади. Иқтисодий масалалар ихтиёрий ва доимий тарзда турли гуруҳлар келишмовчиликларини координациялаш асосида давлатнинг актив иштирокида қарорлар қабул қилиш билан хал этилади.

—Япония моделининг ҳарактерли томони ҳам энг илғор ғояларни амалга ошириш орқали ишлаб чиқаришни, меҳнатни миллий анъаналар асосида қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам Япония иқтисодий ривожланиш моделини Иерархия корпоративизими деб аталади ва швед моделини тўлдиради.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишининг бошқа муҳим бир қонунияти иқтисодий ривожланишнинг нотекислигидир. Бу бевосита циклик ривожланиш билан боғлиқ бўлиб, саноати ривожланган мамлакатлар турли гуруҳларини даврий ривожланишида намоён бўлади. Масалан, XIX асрда умумжаҳон ҳўжалигини биринчи даражали давлати Англия бўлса, XIX асрнинг охирига келиб ўз ўрнини АҚШга берди, кейинроқ эса Германияга берди. Бу мамлакатларнинг иқтисодий риволанишидаги ўзига хос бўлган мусобақа биринчи жаҳон уруши билан боғлиқдир. Биринчи жаҳон урушидан Германия мағлуб бўлиб чиқди, натижада, ўз ўрнини йўқотди. АҚШ, Англия, Франция эса жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини мустаҳкамлади. Албатта, АҚШ дунёни биринчи даражали давлати сифатида ўз ўрнини мустаҳкамлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам ушбу хол қайтарилди. АҚШ ўз ўрнини янада мустаҳкамлади.

Жаҳон иқтисодиётидаги интеграция жараён саноати ривожланган мамлакатларлар «иккинчи иқтисодиёт»ни ривожланишига олиб келди. Бу жараён ТМКнинг тармоғини чет мамлакатлар ҳисобига кенгайиши натижасида кучайди.

Ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўпроқ ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш орқали очик иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқдир.

Маълумки ҳар қандай ташқи иқтисодий алоқаларни ҳисоб-китоблари валюта (унинг алмашинуви) билан амалга ошади. Барча саноати ривожланган мамлакатлар эркин валюта сиёсатини олиб борадилар. Айрим ҳоллардагина валюта чекловларини қўллашлари мумкин.

Тинч ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида ҳам саноати ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни давлат бошқарув даражаси ўзгариб туради. Бунга даврли мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий инқирозлар сабаб бўлади. Давлат инқироздан чиқиш ва барқарор ривожланиш учун ижтимоий- иқтисодий жараёни бошқаради.

Қоидага кўра даврий инқироз шароитида баҳони ўсиши ҳам бирга боради. Шунинг учун даврий инқирозлардан чиқиш даврида давлат инфляцияга қарши чора-тадбирларни ҳам амалга оширилади. Антиинфляцион сиёсат 70-80-йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозлари даврида кенг қўлланилди.

Давлат секторининг иқтисодиётда камайиши шароитида давлат бошқарувининг асосий қуроли давлат молияси бўлиб қолади. Давлат бюджети орқали мамлакатни барча миллий даромадини катта қисмини қайта тақсимлайди ва ундан турли мақсадларда фойдаланади. XIX асрда давлатлар ЯИМ ни барқарор 8-12 фоизнигина қайта тақсимлаган эдилар, бу жараён XIX асрда аста секин кўпайиб берди ва XX асрни 90 йилларида 4-5 мартага ошди.

Ҳозирги шароитда стратегик индикатив режалаштириш шакли кенгаймоқда. Бу режалаштиришнинг асосий мақсади миллий иқтисодиётни ривожлантиришни устивор йўналишларини аниқлаш ва уни амалга оширишда давлат хал қилувчи рол ўйнашидир. Францияда 1989-1992 йилларга мўлжаллаган 10 чи индикатив режалаштириш йўналишлари белгиланган бўлиб, унда:

- миллий валютани мустаҳкамлаш;
- меҳнат билан таъминлаш;
- маорифни ривожлантириш;
- илмий тадқиқотлар;
- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;
- ҳудудни ободонлаштириш ишларида давлат хизматини кенгайтириш кабиларни амалга ошириш кўзда тутилади.

АҚШ да стратегик индикатив режалаштиришнинг бош мақсади:

- рақобатда мувофақиятли бўлиш, ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш;
- иқтисодиётни ривожлантиришнинг максимум таъминловчи давлат сиёсатини олиб бориш;
- асосий йўналишда штат ва маҳаллий ҳукматларга тўла ишонч ва молиявий қўллаб қувватлаш ҳисобланади.

Бюджетни режалаштириш. Бу режалаштиришнинг асосий қуроли давлатни пул-кредит сиёсати ҳисобланади, уни давлат марказий банки амалга оширади.

Назорат учун саволлар.

1. Эркин иқтисодиёт (американча) модели кандай хусусиятга эга?
2. Ижтимоий бозор (Германия) модели кандай хусусиятга эга ?
3. Швед модели кандай хусусиятга эга ?
4. Япония модели кандай хусусиятга эга ?

5. Саноати ривожланган мамлакатларни иқтисодий ривожланишнинг умумий қонуниятлари.

6. Ҳозирги босқичда саноати ривожланган мамлакатларни иқтисодий ривожланишнинг асосий тенденциялари.

7. Саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида давлатни роли.

5-мавзу: Ривожланаётган мамлакатлар (РМ) иқтисодиёти.

Ривожланаётган мамлакатлар сон жиҳатидан 140 та мамлакатларни ўз ичига олган энг катта қисмини ташкил этади. Улар Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Океания ҳудудларида жойлашган. Бу давлатларнинг кўпчилиги мустамлака тизимининг шиддатли емирилиши ва ёш мустақил миллий давлатларнинг илмий, маълумотли бўлиши натижасида халқаро майдонга чиқди. XX асрнинг 50-60 йиллари 1943-1963 йиллар мобайнида аҳолиси 988,3 млн. киши, умумий майдони 30,2 млн. кв кмда яшайдиган 5 та мамлакат ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Ривожланаётган мамлакатларни умумий таснифланиши

Ўз мустақиллигини қўлга киритгунга қадар мустамлака ва ярим мустамлака бўлган давлатлар бир неча умумий жиҳатларга эга эди. Улардан асосийлари қуйидагилар:

- иқтисодиётнинг кўп укладлилиги;
 - қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқаришни хом ашёга йўналтирилганлиги;
 - чет эл монополист капиталининг ҳукмронлиги, уни халқ хўжалигига сингиб кетиши ва мустақилликка эришган давлатлар табиий бойликлари устидан назорат қилиш;
 - маҳаллий миллий капиталнинг ривожланмаганлиги, унинг нафақат жаҳон бозорида, балки ички бозорда ҳам имкониятларининг чегараланганлиги;
 - ёш мамлакатларнинг ҳаётий эҳтиёжларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида қондирилгани ва ёлланиб меҳнат қилувчиларнинг умумий сони уқадар катта бўлмаганлиги учун ички бозорларнинг яхши ривожланмаганлиги;
1. миллий даромаднинг чет эл монополияси кўринишида, ташқи қарзлар ҳисобида ноэквивалент айрбошланиши.

Бир қатор долзарб муаммолар ичида биринчи ўринга иқтисодий муаммолар қўйилди.

Озод давлатларнинг кўпчилигининг иқтисодиёти кўзга кўринарли иқтисодий натижалар бера бошлади. Ўртача йиллик ЯИМнинг ўсиши 1956-1980 йилларда 5,54 фоизни ташкил этди. Саноати ривожланган мамлакатларда 4,06 фоизига тўғри келади.

Индустриаллаштиришнинг биринчи босқичида давлат ўз зиммасига таълимни ривожлантириш, инфратузилмани шакллантириш, ижтимоий муҳитни яхшилаш ва бошқа ижтимоий муаммоларни хал қилишни олди.

Иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашиши, собиқ мустамлака иқтисодиётини қайта ташкил этиши жаҳон хўжалигида уларнинг аҳамиятини янада оширди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши аҳолининг ўсиш суръатларидан орқада қолди. Натижада ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг қашшоқлиги ортди, камбағалроқ қисми 800 млн киши (аҳолининг 40 фоиз)ни ташкил этади.

Мустақилликка эришган мамлакатлар иқтисодиётнинг ривожланишини паслигини кўпчилик тадқиқотчилар илм-фан тараққиёти орқада қолаётганлигини асосий сабаб деб кўрсатмоқдалар.

Илм-фан ютуқларига асосланган технологияларга эришиш учун эса ёш мустақил мамлакатлар ривожланган мамлакатларга асосан хом ашё экспорт қилиш эвазига улардан ўзларига керакли бўлган техникаларни импорт қилишди. Бу ҳолат иқтисодиётини олдинги мустамлакачи давлатларга қарамлигини намаён этар эди.

Саноатни ривожлантириш учун зарур бўлган техника-технологияларни импорт қилиш йўлга қўйилди. Маҳаллий бозорларда импорт маҳсулотларини ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш саноатини ташкил этилди. Бу эса маълум маънода ўз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга имкон берди.

60-70 йилларда Лотин Америкаси, Африка ва Осиё мамлакатларида, Европа ҳамжамиятида эркин савдо ҳудудлари, божхона иттифоқи, эркин иқтисодий ҳудудлар ва «умумий бозорлар» ташкил топди. Амалда, бундай жаҳон хўжалигини интеграциялашуви иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун қулай шароит бўлади.

Биринчи гуруҳ. Янги индустриал мамлакатлардир. Бу мамлакатларда ЯИМ жон бошига нисбатан юқори бўлган давлатларга яқин эди.

Иккинчи гуруҳ. Бу мамлакатларга ўртача даромадга эга бўлган кўплаб давлатлар кирази. Масалан, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Миср, ЖАР, нефт қазиб олувчи мамлакатлар Эрон, Жазоир, Венесуэла, Ливия, Габон, Нигерия; мамлакатлари бу гуруҳни ташкил этади. Африка ва Лотин Америкасидаги аграр хом-ашё мамлакатлари тез ривожланиб борди. Айниқса 1990-2000 йилларда уларнинг иқтисодий ривожланиши тезлашди. Масалан, 90-йилларнинг иккинчи ярмида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жон бошига Ҳиндистонда 2,200 доллар, Чилида 10,100 долларгача ўзгарди. (Манба : Us Census Bureau International and Teh World Factobook, 2001)

Учинчи гуруҳ. Бу гуруҳни камроқ (нисбатан) ривожланаётган мамлакатлар ташкил этади, уларни сони 48 та бўлиб асосан Африка, Осиё, Яқин Шарқда жойлашгандир (аҳолиси кўп бўлган Бангладеш, Конго Республикаси, Танзания, Судан, Эфиопиядир) ва бошқалар ташкил этади. Бу давлатларнинг умумий аҳолисини сони 555 млн киши (1996 й). Бу аҳолининг 78 фоизи чала маълумотли ёки умуман маълумотсиз аҳолидир. Киши бошига ўртача ЯИМ ҳажми 950 доллардан ошмайди, ўртача умр куриш 50,6 йилни ташкил этади. Йилига киши бошига электр-энергияси истеъмоли 14 кВт/с дан

ошмайди. ЯИМда қишлоқ хўжалигини салмоғи- 37 фоизни, саноат эса 19 фоизни ташкил этди.

Трансмиллий корпорациялар собиқ мустамлака давлатлар иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга уларга салбий таъсир ҳам ўтказади. Улар маҳаллий бозорларда рақобатни кучайтириб, маҳаллий корхоналар маҳсулотларини ички бозордан сиқиб чиқара бошлайди. капитални эркин ҳаракатига миллий валютанинг барқарорлашувига путур етказиши ва миллий хавфсизлигига тажовуз қилиши мумкин. Бу ҳолда “янги иқтисодий тартиблар” асосида жазо чораларини қўллаши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатларларнинг XXI асрдаги энг асосий муаммоси ташқи қарздорлик бўлиб қолмоқда.

Миллий даромадни фоиз кўринишида ташқи қарзларни қоплаш мақсадида фойдаланиш иқтисодий ўсиш суръатини пасайишига, шунингдек, инфляцион жараёнларнинг ривожланишига ва турмуш даражасининг тушиб кетишига олиб келади ҳамда ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг бузилишига сабаб ҳам бўлади.

1997-1998-йилларда Париж клуби аъзолари бўлган давлатлар қолоқ давлатларнинг қарзларини кечиш дастурини ишлаб чиқишди.

Қарзларини қайта кўриб чиқиш шу нарсага олиб келдики, қарздорликни маълум бир қисми узоқ муддатли облигацияларга айлантирилди ва бу қарздорликни облигациялар орқали уларнинг номинал кийматидан паст бўлган нархларда сотиш, шунингдек, давлатлар саноат корхоналарига кредитларни ўзлаштиришга имкон берди.

Бироқ 80-90- йилларда ташқи қарздорликни камайитириш бўйича қабул қилинган чора тадбирлар, бу муаммони хал қила олмади. Нефтнинг баҳосини тушиши бошқа хом ашё ресурсларига, шунингдек, ички механизмни модернизация қилиш анча орқада қолган давлатларда ташқи қарздорлик бўйича инқирозга олиб келди.

Назорат учун саволлар:

1. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишининг умумий хусусиятлари.
2. Иқтисодий ривожланишнинг босқичлари.
3. Қишлоқ хўжалиги.
4. Янги индустриал мамлакатларни ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрни.
5. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий – ижтимоий муаммолари.
6. Ривожланаётган мамлакатлар билан Ўзбекистоннинг иқтисодий муносабатлари.

6-мавзу: Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар иқтисодиёти (Шарқий Европа, МДХ ва ХХР мисолида).

Собиқ социалистик мамлакатлар 90- йиллар бошларидан ўзларининг «коммунизм» қуриш йўлидан воз кечиб бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танладилар. Бу анча мураккаб жараён бўлиб, мавжуд бўлган сиёсий иқтисодий

ва ижтимоий ривожланиш йўлидан янги бозор иқтисодиёти асосидаги ривожланиш йўлига ўтиш билан боғлиқ муаммолар эди. Унинг натижасида кўпмулчиликка асосланган демократик жамият куриш турар эди.

Бозор ислохотлари бозор хўжалигини ривожланишини таъминлашда, ўзини-ўзи ҳаракатга келтириши, ривожланиши, яъни бозор хўжалигини механизмини такомиллаштириш керак бўлади:

- мустақил хўжалик масалаларини хал қила олишга қодир бўлган субъектларни шакллантириш;
- рақобат тизимини ташкил этиш орқали монополияга қарши чора тадбирлар қўллаш;
- бозор баҳосини ташкил этиш ва уни давлат назоратидан чиқариш (баҳони эркинлаштириш);
- хўжалик механизмини ҳаракатлантириш учун эса: давлат секторини катта қисмини хусусийлаштириш орқали давлат тасарруфидан чиқариш;
- ишлаб чиқаришни монополиядан ҳоли қилиш ва маҳсулотни эркин бозор баҳоларида сотиш.

Шу билан бирга бозор ислохотлари талаб қилади:

1. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали очик иқтисодиётга ўтиш. Бу ҳолатда миллий валютани конвертация қилиш муаммосини қўяди.

2. Иқтисодиётни барқарорлаштириш (захира) жамғармаларини ташкил этиш, бозор ислохотлари қутилмаган ҳолатларга олиб келишини ҳисобга олиб жамғармалар ташкил этилади. Ўтиш даврида катта иқтисодий-ижтимоий сиёсатда қийинчиликлар келиб чиқиши қутилмаган ҳолатларни давлат тезда назоратга олаолмай қолади, бу эса давлат сиёсатида катта қийинчиликлар келтириб чиқаради.

Бозор иқтисодиётига ўтишда бозорга ўтаётган мамлакатлар турлича йўлдан бордилар.

Ислохотларни ўтказишни турли йўналишларда ва босқичларда амалга оширишлари мумкин. Мисол учун, бир қатор мамлакатлар (Россия, Полша) баҳоларни эркинлаштириш орқали бордилар. Хитойда эса баҳони бошқариб бориш ҳозирга қадар сақланиб қолмоқда. Бу ерда давлат корхоналари эркин рақобат шароитида турли хўжалик механизми тузилишида ишлайди.

Бозор иқтисодиётини туб ислохотларини икки йўналишга бўлиш мумкин:

Эволюцион- бозор иқтисодиётига аста секин халқнинг менталитетини ҳисобга олиб, босқичма-босқич борилади.

Тартибсиз - бунда ислохотлар чуқурлашган бўлиб тез бозорга ўтилади. Бунга чуқур инқирозлар (гиперинфляция) ҳолати, иқтисодиётда беқарорлик, мувозанатни бузилиши ҳолатлари содир бўлади.

Бундай йўлдан Полша, Венгрия, Чехия, Словакия, Болтик бўйи Республикалари Молдавия, Македония, Словения, Хорватия, Руминия, Россия, Болгария, Грузия Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ва бошқалар борди.

Эволюцион йўлдан: Хитой, Вьетнам, Белорусия, Азарбайжон, Ўзбекистон, Туркменистон ва бошқалар борди.

1979 йилдан Хитой иқтисодий ривожланиш тарихида янги давр бошланди.

Ислохатлар даврида (1979-1990 йиллар) пўлат ишлаб чиқариш 32 млн. тоннадан 66 млн. тоннага етди, электроэнергия 257 млрд. киловатт соатдан 618 млрд. киловатт соатга, нефть қазиб олиш 104 млн. тоннадан 138 млн. тоннага, кўмир 618 млн. тоннадан 1080 млн. тоннага ошди.

ХХР "махсус иқтисодий минтакалар" ташкил этилди. Бундан мақсад чет эллик ишбилармонлар учун Хитойни эшикларини очиб бериш эди. Ҳозирда ХХР да 4 "эркин иқтисодий ҳудудлар" (ЭИХ), 14 та очиқ шаҳарлар мавжуд бўлиб бу ерга чет эл капитали эркин кириб келиш учун барча ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиб берилган.

1997 йил Гонконгни Хитойга қайтарилиш ХХР иқтисодиётида янги юксалишларга йўл очиб берди деган қарашлар Хитойда кучли.

Ҳозирда Хитой провинцияси бўлган Тайванни ҳам ўз тасарруфига олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин Хитой билан бўлган қадимий савдо-сотик, ўзаро иқтисодий муносабатлар кенгайди. 90 йиллар Хитой-Ўзбекистон иқтисодий муносабатларини янги истикболли босқичини бошланиш даври бўлди.

Айни пайтда жаҳон иқтисодиётни глобллашуви ва ўтиш даврининг ички жараёнлари янги кийинчиликларни тугдирмоқда келажакда қилиниши лозим бўлган тўртта жиддий муаммо турибдики, бусиз олдинга ривожланиш мумкин эмас:

- демографик;
- қишлоқ хўжалиги;
- ресурслар тақчиллиги ва атроф- муҳит муҳофазаси;
- алоҳида ҳудудлар ривожланиш даражасидаги тафовутни йўқотиш муаммоларидир.

Хитой ислохотларни янада ривожлантириш орқали бозор иқтисодиётини шакллантиришда ва умумий иқтисодий ривожланишда анча ютуқларга эришган.

XXI асрга кадам қуйилган бир пайтда Хитой олдида янги улкан вазифалар турибди. Бу вазифаларни катта меҳнат ресурсларига эга бўлган Хитой, ўзининг 20 йиллик тажрибалари асосида муваффақият билан хал қила олади ва XXI асрда дунёнинг етакчи давлатларидан бирига айлана олиш имкониятлари каттадир. Бу масала ҳозирда ХХР ни 100-йиллигини нишонлашга қадар ривожланиш дастурида илгари сурилган ва ҳозирги Хитой ЯММ ни 48 мартага оширишни эҳтимол қилмоқдалар. 1978 – 2009 йилларда Хитой фонд бозори 11.01.2009 йили рекорд кўрсаткичга эришди ва 1,01 триллион доллардан ошиб кетди, шу йилда Хитой иқтисодиёти 10 маротабага ўсган. “Блумберг” ахборот агентлигининг маълумотлари бўйича аввалги йилларга нисбатан ХХР фонд бозоридаги савдо 3 мартадан ошиб кетди. 11.01.2009 йилда Хитой юани биринчи марта 13 йил ичида Сянган (Гонконг) доллари қийматига тенглашди деб “Маркетвеч” ахборот беради. Охириги йилларда Хитой иқтисодиёти ўртача 9,6 % ўсиб бормоқда. Хитой иқтисодий

ривожланишида чет эл омиллари 2 % ташкил этади, ички омиллар эса 98% ташкил этмоқда. 11.01.2009 йилда савдодадан келаётган фойда ўзининг рекорд даражасига етди. 2006 йилнинг 10 ойида фонд бозорлари савдо балансидаги профицит (фойда) 133,6 млрд. долларни ташкил этди. 2006 йилда Хитой автомобил бозори дунёнинг 2-ўриндаги бозорига айланди. Шу йили Хитойда 7,22 миллион автомобиллар сотилган. Бу аввалги йилгидан 4 маротаба кўпдир. Буларнинг 2,04 миллиони юк автомобиллар, 5,18 миллиони енгил автомобиллардир йил охирига бориб сотилган автомобиллар сони 7,28 миллион донани ташкил этди. “Ассосиэйтед Пресс” ахбороти бўйича GM ва SAIC (ЖиЭм ва ЭсЭйАйСи) қўшма корхоналари орқали 365400 дона автомобиллар сотилган. Энг оммабоп модел “Седан Волксваген жетта” бўлиб уни VW ва FAW (ВиДаблю ва ЭфЭйДаблю) қўшма корхоналарида ишлаб чиқилган автомобиллар бўлди ва бу автомобил 2006 йилда 177 минг дона сотилди. “Хитой Миллий иқтисодий татқиқотлар институти” директори Фонь Ган Гонгонгда 22.09.2004 йили бўлган “Форбс” йиғилишида сўзлаган нуткида кўп давлатлардан фарқли Хитойда “кичик бизнесга” банклар ёрдам бермас экан, шуни, эътиборга олиб ушбу камчиликни тезда тугатилиши учун ҳукумат чоратадбирлар ишлаб чиқаётганлигини қайд этди.

Назорат учун саволлар.

1. Социалистик хўжалик тизимининг емирилиш сабаблари ва унинг оқибатлари.
2. Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларининг бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари ва натижалари.
3. Эволюцион йўли–босқичма–босқич бозор иқтисодиётига ўтиш
4. Тартибсиз ислохотлар чуқурлаштирилган йўл.
5. Иқтисодий ривожланишнинг Хитой йўли.
7. Шарқий Европа, МДХ ва Хитойни Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий муносабатлари.

7-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалиги тизимидаги ўрни.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритишига қадар мамлакатдаги ташқи иқтисодий фаолият собиқ СССР нинг тегишли вазирликлари ихтиёрида эди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон бир қанча хорижий мамлакатлар билан бевосита иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга киришди. Бу масала республика ривожининг устивор, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Бу йилларда ташқи сиёсатни йўлга қўйишнинг асосий тамойиллари:

-ташқи сиёсатнинг тенг ҳуқуқлилигига ва ўзаро манфаатдорликка асосланганлиги шартида давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

-бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик негизида, бирон бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаслик асосида мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни мустақил белгилаш;

-халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устунлиги;

-икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш ва халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш қоидасига изчил амал қилиш;

-суверен давлат сифатида очик иқтисодиётни вужудга келтириш, бунда бозор иқтисодиёти - эркин иқтисодиёт эканлиги, у очик тусда бўлиб яққаланиш биқиклик унга ёт эканлигидан иборат ҳақиқатга асосланиш ишлаб чиқилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва тартибга солишда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари ва янги стратегик» қарорига мувофиқ Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги иши қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон кўплаб минтақавий интеграция ташкилотларга, жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Марказий Осиёда Ҳамкорлик (МОХ), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШХТ) аъзо бўлди.

Ўзбекистон интеграциядан қандай наф қўради:

- халқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан тўлароқ фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадолиги ортади;
- ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ҳисобига самарадорлик ортади;
- бозор сиғими кенгаяди ва маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ошади;
- минтақа миқёсида кучли рақобат юзага келади ва натижада маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлиги ошади;
- истеъмолчилар учун маҳсулотлар ва ҳом-ашёларнинг турлари кенгаяди ва баҳоси пасаяди;
- минтақадаги давлатлар билан илмий-техника ҳамкорлик ривожланади;
- минтақада инфратузулма тизимини барпо қилиш осонлашади (молия, сув хўжалиги, транспорт, транзит ва бошқалар);
- минтақадаги давлатлар билан биргалашиб жаҳон бозорида умумий минтақавий иқтисодий манфаатлар ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон интеграция жараёнларида фаол иштирок этиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш зарурдир:

- экспорт тузилмасида тайёр маҳсулот ҳажмини ошириш керак. Бунинг учун эса миллий иқтисодиётимизда сароя жойламоқчи бўлган маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга турли ҳилдаги енгилликлар яратишимиз зарур;
- экспорни молиялаш, кредитлаш ва суғурталаш сингари экспортёрларга ёрдам берувчи давлат рағбат тизимини ташкил қилиш керак;
- божхона тизимидан камситувчи (дискриминацион) тўсиқларни олиб ташлаш орқали самарали савдо режимни ташкил этиш керак.

Юқорида келтирилган халқаро савдо тўсиқларини бирданига олиб ташлаш ҳам яхши натижалар бермайди.

Минтақавий иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши ва умумий бозорнинг вужудга келтирилиши митақадаги давлатлар орасида маҳсулот айланмасини, капитални ва иш кучини ўзаро эркин кўчиб юришини таъминлаши зарур.

Марказий Осиё минтақавий интеграциянинг ривожланиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги янги стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади: экспорт-импорт операцияларини марказлаштирмаслик; давлат эҳтиёжлари учун зарур товарларнинг экспорти ва импорти устидан назоратни кучайтириш; давлат учун стратегик муҳим бўлмаган товарлар экспортини осонлаштириш; экспортнинг хом ашёвий йўналишини бартараф этиш, хорижий инвестициялар оқимининг кенгайишига кўмаклашиш.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги энг йирик савдо-иқтисодий шериги ҳисобланади. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича битим тузилган. Ўзбекистонда Европа Иттифоқининг «Тасис» техникавий кўмаклашиш дастурлари мувафақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон экспортининг асосий маҳсулотлари: пахта толаси (пахта толаси экспорти бўйича жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди), машиналар, уларга жиҳозлар ва эҳтиёж қисмлар, рангли ва қора металллар, минерал хом ашё, ўғит, пилла, пахта чиқиндилари, ўсимлик мойи, ип газламалар ташкил этади.

Ўзбекистон ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда салмоғли ўринни эгаллайди.

Шунингдек, Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимотида пахта, рангли металллар, минерал хом ашё, пилла маҳсулотлари етказишда алоҳида эътиборли ўринга эгадир. У айниқса пахта ва олтин каби маҳсулотлари билан жаҳон бозорига ўз таъсирини ҳозирда кўрсата олиш имкониятига эгадир.

Ўзбекистон қудратли меҳнат салоҳиятига эга бўлиб унинг заҳиралари бутун аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади. Халқаро туризм йўналиши ҳам Ўзбекистоннинг катта имкониятидир. Халқаро алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистоннинг жуда катта ютуғи шундаки, республикада ривожланган энергетика, коммуникация ва сув тизимларига, ягона бир-бирини тўлдирадиган темир йўл ва автомобил йўллари тармоғига эга.

Ўзбекистон қонунчилик асосини транспорт муносабатларини тартибга солувчи қисмини умум қабул этган халқаро норма ва қоидаларга яқинлаштириш эгаллайди.

Республикада ишлаб чиқарилаётган асосий экспорттоварларига жаҳон бозорида қулай конъюнктураси динамикаси натижасида нархларнинг

ортиши экспорт ўсишининг асосий омилларидан бири бўлди. Экспортнинг ҳажмини ўсишига юқори қўшилган қийматига эга бўлган товарларни экспорт қилинишини ортиши, шунингдек, халқаро операциялар бўйича сўмни чет эл валюталари конвертациясига қулай имконият яратди.

Ўзбекистонда хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шароит яратишга эътибор кучайтирилган.

Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилди:

-ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни қўлаб сиёсат юритиш;

-Республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора имкониятларини кенгайтириш;

-Республикага жаҳонни илғор технологияларини етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий тизимини вужудга келтиришга қўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиқ қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;

-мблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устивор йўналишларда жамлаш.

Республикада лизинг операцияларини ривожланиши машина ва ускуналар билан таъминлашни мунтазам оширишга имконият яратиш бермоқда.

Қўшма корхоналар фаолиятидаги йўналишлар: тўлиқ хорижий эгалик қилиш расман таъқиқланган бўлсада, Ўзбекистонга бевосита хорижий инвестициялар асосан қўшма корхоналар орқали кириб келади.

Назорат учун саволлар.

1. Ўзбекистонни жаҳон хўжалиги тизимига кириш ва унинг истиқболлари.
2. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар.
3. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни тармоқлар бўйича жойлашуви.
4. Қўшма корхоналар ва уларнинг фаолияти.
5. Ўзбекистонни жаҳон хўжалигида тутган ўрни.

8-мавзу: Халқаро савдо.

Халқаро савдо – бу маҳсулотлар, хизматлар, янги илмий-техника маълумотларини замонавий илмий техника инқилоби ва халқаро меҳнат тақсимотини кучайиши асосида миллий хўжаликлар ҳаётининг ҳар томонлама байналминаллашуви шароитида турли мамлакатлараро бўладиган айрибошлаш жараёнидир.

Ташқи савдо энг қадимги давлатлар пайдо бўлган даврларданок бошланган. Масалан, Шарқда, эрамыздан аввалги 3 минг йилликлардаёқ шаклланган.

Ташқи савдо амалиётда, мамлакатлар ўзи учун зарур бўлган маҳсулотларни ташқаридан ўзлари учун энг қулай шартларда олиб келишга ҳаракат қилади. Масалан, саноати ривожланган мамлакатлар хом ашёларни, ишчи кучини ва бошқаларни.

Халқаро савдонинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги ривожланиши динамик хусусиятга эгадир.

Шунингдек, миллий саноат тармоқларини ривожланиши халқаро даражада кенгайишга, яъни ўзининг маълум бир ишлаб чиқариш тармоқларини хорижга чиқаришга қаратилган жараёни бошланишига олиб келди.

Жаҳон савдосини тез ривожланишининг асосий сабаби фан-техника тараққиёти шароитида ишлаб чиқаришни ҳақаро даражада ихтисослашуви бўлди. Бу жараёнлар давлатлараро маҳсулотлар айрибошлашни, капитал экспортини тезлаштирди, трансмиллий корпорацияларни ихтисослашувига ва кооперациялашувига олиб келди.

Халқаро савдони ривожланишига интеграция жараёни, хусусан Ғарбий Европа интеграциясида ва бошқаларда савдо-сотиқни чекловчи тўсиқларни олиб ташланиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу мамлакатлараро савдо дунё савдосини ярмига яқинини ташкил этиши ҳам унинг аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Иккинчи жаҳон урушига қадар халқаро савдо тузилишидаги товар айланмасида хом ашё етакчи ўринни эгаллаган бўлса, 90– йиллардан тайёр маҳсулотлар ўрни ошиб келмоқда. Ҳозирда жаҳон товар айланмасини 2/3 қисмини тайёр маҳсулотлар эгаллайди.

Замонавий юқори даражада ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида капитал чиқариш, ташқи савдони ривожланишини рағбатлантиради.

Трансмиллий корпорация миллий капитал ҳисобига ташкил топди, лекин унинг фаолият соҳаси байналминал характерга эгадир.

Халқаро корпорация капитали ҳам, фаолият соҳаси ҳам байналминалдир.

Трансмиллий корпорация ва халқаро корпорациялар жаҳон савдосида катта таъсирга эгадир, уларнинг корпорацион товар айланмаси жаҳон экспортини 1/3 қисмини ташкил этади.

Дунёнинг йирик экспортёрлари қаторига Япония, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия каби мамлакатлар киради. Ривожланаётган мамлакатлар ичида Жанубий Шарқий Осиёни Янги индустриал мамлакатлари Корея Республикаси, Сингапур ва Тайван кабилар дастлабки ўринларни эгаллайди. Дунёнинг энг йирик импортёри АҚШдир.

Жаҳон савдосида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоизга қадар ошди. Қишлоқ хўжалиги ва қазиб олиш тармоқларида барча экспортни асримиз ўрталарида 2/3 қисмини ташкил этган бўлса, ҳозирда тайёр маҳсулотларни 1/3 қисмини ташкил этмоқда. Хизмат кўрсатиш халқаро товар айирбошлашни 30 фоизини ташкил этади. Шу жумладан, янги илмий-техник маълумотларни айрибошлаш 10 фоизга яқинини ташкил этади.

Умуман олганда, ҳар қандай давлат жаҳон бозори талаблари ва андозалари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга зўр бериб ҳаракат қиладилар ва унда актив

иштирок этишдан манфаатдордирлар. Жаҳон савдоси амалиётида биржа савдоларининг ҳам ўрни каттадир. биржалар асосан икки гуруҳга бўлинади:

- товарлар биржаси;
- фонд биржаси.

Биржа баҳоларини котировкаси уч йирик биржа марказлари (Лондон, Нью-Йорк ва Сингапур)да ўзаро боғланган ҳолда шаклланади.

Ташқи савдо сиёсати асосан миллий бозорни ҳимоя қилиш ёки ташқи савдони ривожланишини рағбатлантиришга ва унинг чиқараётган товар гуруҳи тузилишини ва йўналишини ташқи бозор ўзгаришига мослашувига ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлди.

Ташқи савдо сиёсатида икки тизими амал қилади – протекционизм (савдони чеклаш) ва эркин савдо, ёки савдони эркинлаштириш.

Протекционизм – импорт товарларга юқори божхона божлари белгилаш билан чет эл товарларини мамлакатга келишини чегаралаш, четга товар чиқаришни рағбатлантириш орқали миллий иқтисодий ҳимоялашдан иборатдир.

Эркин савдо – бу мамлакатга келаётган товарларга умуман божхона божлари қўйилмайди, ёки қисмангина божхона божлари белгиланиб ташқи савдо эркин бўлади.

Ҳозирда ташқи савдони эркинлаштириш ривожланаётган мамлакатлар билан саноати ривожланган мамлакатлар ўртасидаги сиёсатга айланмоқда. Бу сиёсатни асоси эркинлаштириш сиёсати деб ҳисобланмоқда.

Шунингдек, Фарбий Европа ва Япония давлатлар блокларини халқаро савдода ўрнини ошиши АҚШни савдодаги салмоғини пасайиши билан ҳам характерлидир. Саноати ривожланган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда давлатлар иқтисодий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳартияси – янги халқаро иқтисодий тартибларни (ЯХИТ) ўрнатилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу меъёрлар ва талаблар БМТнинг барча иқтисодий ташкилотлари фаолиятида ривожланди ва 25 муҳим дастурда ўз ифодасини топган.

Ташқи савдони эркинлаштириш учун кенг халқаро ташкилот “Таърифлар ва Савдо бўйича Бош Келишув (ГАТТ)”ни Женевада 1947 йил 30 октябрда бўлган давлатлараро йиғилишида ташкил этиш тўғрисидаги келишув имзоланди. У ўз фаолиятини 1949 йилдан бошлади. 1994 йилда унинг аъзолари 130 мамлакат, яна 27 мамлакат унинг қоидаларини қабул қилган 5 мамлакат эса унга кириш тўғрисида музокара олиб бормоқда. Бу ташкилотга аъзо бўлган давлатлар улушига жаҳон ташқи савдонининг 90 фоизи тўғри келади.

ГАТТни ҳуқуқий механизми принцип ва меъёрлари:

-савдони чекламаслик, савдони ривожланиши учун кенг имконият яратиш, экспорт, импортни, транзит операция ва бу билан боғлиқ божхона божлари ва йиғимларини камайтириш;

-миллий бозорни ҳимоя қилишни рағбатлантирувчи тарифлар воситасидан фойдаланиш, лекин уни сон жиҳатдан чегаралаб қўйиш ёки шунга ўхшаш тўсиқлар қўймаслик;

-божхона божларини устун даражада олиб ташлаш, унинг даврли раундларида янада камайтириб бориш, ҳуқуқий асосларини яратиб, уни ҳуқуқий томондан расмийлаштириш, қатъий келишилган даражасини белгилаб бориш;
-ўзаро келишилаётган савдо сиёсатида ён бериш;
-савдо билан боғлиқ тортишувларга консультациялар ва ўзаро келишувлар асосида олиб боришга йўл бериш, агарда бу йўл билан муаммо ҳал бўлмаса, тортишувли масалани махсус ташкил этилган третейк гуруҳда кўриб чиқилиб ҳал қилиш, бунда томонлар ГАТТнинг третейк гуруҳи чиқарган қарорга бўйсунилари керак бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Халқаро савдонинг моҳияти ва унинг ҳозирги босқичдаги ривожланиш хусусиятлари
2. Ташқи савдони давлат бошқаруви.
3. Ташқи савдони давлат бошқаруви.
4. Товар ва фонд биржаси, аукцион савдо шакллари.
5. ГАТТ (УСТ) фаолияти ва унинг ривожланишини асосий босқичлари.

9-мавзу: Эркин иқтисодий ҳудудлар.

XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон иқтисодиётидаги энг муҳим ходисаларнинг бири эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти ҳисобланади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ) кўпгина мамлакатларда кенг тарқалди. Ҳозирга келиб, жаҳонда 4000 дан ортиқ турли хилдаги эркин иқтисодий ҳудудлар фаолият олиб борарди. Халқаро корпорациялар ўз фаолияти учун имтиёзли шарт-шароитлар қидирар экан, ЭИХни юқори даромад олиш учун жуда қулай жой деб ҳисоблашади. Йирик халқаро корпорациялар эркин иқтисодий ҳудудларда ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этишни муҳим йўналишларидан бири деб ҳисоблашади.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ЭИХ орқали XXI аср бошида жаҳон савдо айланмасининг 30 фоизга яқини ўтади.

Эркин иқтисодий ҳудудлар— бу миллий иқтисодиётнинг бир қисмини ташкил этиб, бу ерда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рағбатлантиришлар тизимидан фойдаланилади. Одатда, ЭИХ – у ёки бу даражада мослаштирилган жўғрофий территориядир.

Япониянинг Киото шаҳрида 1973 йил 18 майда қабул қилинган «Божхона жараёнларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича Халқаро конвенция»га мувофиқ эркин ҳудуд деганда мамлакатнинг шундай ҳудуди тушуниладики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташқарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва солиққа тортишдан озод этилади.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар учун эркин ҳудудлар амалда ҳудуддаги ишчиларнинг турмуш тарзи, ишлаб чиқариш салоҳиятининг концентрациялашуви кабиларга кўра экстерриториаллик жиҳатдан махсус ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай ҳудудларга «махсус иқтисодий ҳудудлар» атамаси мос келади.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш мамлакат ичидаги иқтисодий жараёнларни тезлаштиришга қаратилган ҳодиса, яъни хорижий капитални жалб қилишдан ташқари қуйидаги уч асосий вазифа билан боғланади:

- саноат экспортини рағбатлантириш ҳамда мана шу асосда валюта маблағларига эга бўлиш.
- бандлик даражасини ўстириш.
- ҳудудни хўжалик юритишнинг янги усулларини синаш майдончасига айлантириш.

Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг яна бир муҳим томони шундаки, кўпинча мамлакат ўз иқтисодиётини хорижий капитал оқиб келиши учун тўлиқ очишни хоҳламайди, шунинг учун махсус ҳудудлар тарзидаги қисман, локал очикликдан фойдаланади.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳам эркин иқтисодий ҳудудлар худди шунга ўхшаш мақсадларда ташкил этилган бўлиб, бу қолоқ ҳудудларни ривожланган ҳудудларга айланишини таъминлаган. Аммо саноати ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда бу мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудудларни яратишда асосий эътибор хорижий капиталларни жалб қилишга қаратилган.

Эркин иқтисодий ҳудудларни яратишда иккита концептуал ёндашиш мавжуд: ҳудудий ва нуқтавий.

Эркин иқтисодий ҳудудларнинг энг содда кўринишларидан бири эркин (божсиз) божхона ҳудудларидир (ЭБХ).

Эркин савдо ҳудудлари (ЭСХ) ҳам жаҳонда кенг тарқалган.

Оддий эркин савдо ҳудудлари қаторига йирик халқаро аэропортларда жойлашган махсус «дьюти фри» магазинларини қўшиш мумкин. Амалдаги режим нуқтаи назаридан бу ҳудудлар давлат чегарасидан ташқарида ҳисобланади. Эркин савдо ҳудудларига, шунингдек, имтиёзли савдо режимли эркин гаванлар (портлар) ҳам киради.

Саноат-ишлаб чиқариш ҳудудлари иккинчи авлод ҳудудларига киради. Улар савдо ҳудудларининг ривожланиб бориши натижасида пайдо бўлди, яъни бу ҳудудларга товар билан бир қаторда капитал ҳам олиб кирилиб, фақатгина савдо фаолияти билан эмас, балки ишлаб чиқариш фаолияти билан ҳам шуғулланиш йўлга қўйилди.

Саноат-ишлаб чиқариш ҳудудлари экспортга мўлжалланган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариладиган махсус божхона режимли ҳудудларда ташкил этилади.

Сервис хизмати кўрсатиш ҳудудлари – бу турли молиявий, суғурта ва бошқа хизматлар кўрсатувчи фирмаларнинг тадбиркорлик фаолияти олиб бориши учун имтиёзли режимли территориядир.

Сервис хизмати кўрсатиш ҳудудларига оффшор ҳудудлар ва солиқ гаванлари киради. Оффшор ҳудудлар ва солиқ гаванлари тадбиркорларни бу ҳудудлардаги қулай валюта-молиявий, фискал режим, банк ва тижорат сири сақланишининг юқори даражадалиги ҳамда давлат томонидан бошқарувнинг сустлиги билан ўзига тартади.

Саноат, савдо, банк, суғурта ва бошқа компаниялар оффшор ҳудудларда умуман солиққа тортилмайди (Ирландия, Либерия) ёки унча катта бўлмаган паушал солиққа тортилади (Лихтенштейн, Антил ороллари, Панама, Мен ороли ва бошқалар). Масалан, Швейцарияда нисбатан паст солиқ олинади, ҳатто маълум шароитларда умуман олинмаслиги мумкин.

Комплекс ҳудудлар маъмурий барпо этилган алоҳида ҳудудда умумий хўжалик режимига нисбатан махсус имтиёзлар бериш орқали ташкил топади. Комплекс ҳудудларга Хитойдаги бешта махсус ҳудудни ва «очиқ районлар»ни, шунингдек, Бразилиядаги «Манаус» ҳудуди, Аргентинадаги «Оловли ер» территорияси, саноати ривожланган мамлакатларнинг колоқ районларида яратилган эркин тадбиркорлик ҳудудларини киритиш мумкин.

Турли хилдаги эркин иқтисодий ҳудудларга хос умумий хусусият ўз ичига божхона, молиявий, солиқ имтиёзларини олувчи қулай инвестиция муҳити ҳамда у ёки бу мамлакатдаги тадбиркорлар учун мавжуд хўжалик режимига нисбатан устунликлардир.

Имтиёзларни тўртта асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

Ташқи савдо имтиёзлари. Улар махсус божхона-тариф режими (экспорт-импорт солиқларини камайтириш ёки олиб ташлаш)ни киритиш ва ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартибини соддалаштиришни назарда тутди.

Солиқ имтиёзлари. Тадбиркорларнинг аниқ бир фаолиятини солиқ орқали рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган меъёрларни ўз ичига олади. Бу имтиёзлар солиқ базаси (даромад, мулк баҳоси кабилар), унинг айрим таркибий қисмлари (амортизация ажратмалари, маошга ҳаражатлар, ИТТКИ, транспорт ҳаражатлари), солиқ ставкалари даражаси, солиққа тортишдан вақтинча ёки батамом озод қилиш масалаларига тегишли бўлиши мумкин.

Молиявий имтиёзлар. Молиявий имтиёзлар турли кўринишдаги субсидияларни ўз ичига олади. Улар нисбатан паст баҳодаги коммунал хизматлар, ер участкалари ва ишлаб чиқариш иншоотларига ижара тўловини камайтириш, имтиёзли кредитлар кўринишда берилади.

Маъмурий имтиёзлар. Улар ҳудуд маъмурияти томонидан корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва хорижий фуқароларнинг келиб-кетиш тартиби жараёнларини осонлаштириш мақсадида ва турли хизматлар кўрсатиш орқали таклиф этилади.

Санаб ўтилган имтиёзлар турли комбинацияларда қўлланилиши мумкин. Эркин иқтисодий ҳудудларда бериладиган имтиёзлар ҳар доим ҳам хорижий капитал жалб қилишга рағбат бўлавермайди. Бу жиҳатдан қараганда, сиёсий барқарорлик, инвестиция кафолатлари, инфратузилма сифати, ишчи кучининг малакаси, маъмурий процедуранинг осонлаштирилганлиги ва бошқа омиллар кўпроқ аҳамият касб этиши мумкин. Шундай бўлса-да, барча шароитлар бир хил бўлганда, ҳудудда таклиф этиладиган имтиёзлар биринчи ўринга чиқади.

Назорат саволлари

1. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг замонавий жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти қандай?
2. ЭИХ кўринишларига тавсиф беринг.

10-мавзу: Трансмиллий корпорациялар.

Ўз таркибига бош бошқарувчи марказ орқали ривожланишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, икки ёки ундан ортиқ мамлакатда ҳўжалик бирликларига эга бўлган ҳамда катта миқдорда хорижий активларга эга халқаро компания мутахассислар томонидан трансмиллий корпорация (ТМК) номини олган.

Жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос «умуртқа поғонаси» бўлган замонавий ТМКларнинг характерли белгилари қуйидагилар ҳисобланади:

- Ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятининг катта қисмини бош штаб-квартира жойлашган мамлакат иқтисодий макони чегарасидан ташқарига олиб чиқиш;

- Турли давлатларда шахобчалар, шўба ва ассоциацияланган компанияларнинг катта тармоғини шакллантириш;

- Иқтисодий фаолиятни самарали башоратлаш ва режалаштириш шароитида ташки ва ички инвестицион оқимларни бошқариш;

- Капиталлар, ишчи кучи, ахборот кўчиши (трансферти)нинг фирма ичкарасидаги каналларининг кўплиги.

Ишлаб чиқариш қувватларини ва сервис марказларини жаҳоннинг турли ҳудудларига бўлиб-бўлиб жойлаштириш (диверсификациялаш) бундай корпорацияларга халқаро меҳнат тақсимои шартлари ва ички миллий бозор хусусиятларидан келиб чиқувчи устунликлардан фойдаланиш ҳисобига катта даромад олиш имкониятини беради.

Миллий компаниянинг хаоқаро компанияга айланишига аниқ мисол сифатида «Электролюкс» гуруҳини келтириш мумкин. «Электролюкс» электр ускуналари ишлаб чиқиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи икки швед фирмасининг қўшилиши йўли билан 1912 йилда ташкил этилган. 50-йилларда бу компания аввал Швецияда сўнгра бошқа Скандинавия мамлакатларида ҳам етакчи мавқега эга бўлади. Тайёрланаётган маҳсулотлар номенклатурасини узлуксиз кенгайтириб борган ҳолда компания Ғарбий Европада савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини яратишга киришди. 80-йилларда «Электролюкс» ўз тузилмасига АҚШ («Уайт Консолидейтид» электр ускуналари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 3-ўринда турарди), Италиянинг («Занусси» - 1-ўрин) бир неча йирик компанияларини қўшиб олди. Ҳозирги пайтда унинг жаҳондаги 75 мамлакатда бўлимлари мавжуд, бу ТМК персонали 110 минг кишидан ортиқ, йиллик айланмаси 16 млрд. доллардан ошади.

ТМКнинг намунавий тузилмаси бош компания (ушбу мамлакатда рўйхатдан ўтган корпорациянинг бош штаб-квартираси) ва бошқа давлатларда жойлашган шахобчалар, шўба ва ассоциациялашган компаниялар тизими ташкил этади. Кўпинча ТМК тузилмасига молия-кредит муассасалари (банклар, инвестиция фондлари ва суғурта компаниялари) ҳам киритилиш мумкин. Бундан ташқари йирик халқаро корпорациялар одатда ўзининг муҳофаза хизмати, кадрлар тренинги, транспорт ва бошқа хизматларига эга бўлишади.

Шаҳобчаларнинг шўъба корхоналардан фарқи шундаки, улар ўз балансига ва иқтисодий мустақилликка эга эмас. Ассоциациялашган компанияларга келсак, улар бош компания томонидан одатда шартнома муносабатлари тизими (пудрат, траст кабилар) орқали назорат қилинади.

ТМК кўринишлари танланган мезонга боғлиқ равишда турлича синфланади. Энг кенг тарқалган халқаро корпорациянинг бош тузилмаси низом фондидаги капитал улушини белгиловчи миллий мансублик белгиси ҳисобланади. Бу ҳолатда қуйидагиларга ажратиб кўрсатилади:

- мономиллий компаниялар (миллий компания, масалан— Швейцариядаги «Нэстле» концерни);

- мултимиллий компаниялар (байналмилал компания, масалан — минглиз-голланд «Ройял Датч Шелл» корпорацияси);

- консорциумлар (узок муддатли катта капитал сиғимли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бир неча корпорациялар активларининг бир қисмини вақтинчалик мақсадга йўналтирилган ҳолда бирлаштириш).

Жаҳон иқтисодиёти қайд этилган гуруҳларнинг таркиби доимо ўзгариб туради. 70-йилларда мономиллий ТМКлар кўпчиликни ташкил этган бўлса, 80-йилларга келиб консорциумлар пайдо бўлди. Сўнгги ўн йил ичида рақобат кўрашининг кучайиши ва глобал бозорлардаги муаммолар инқирозли вазиятлар туфайли миллий компаниялар бир-бири билан қўшилиб мултимиллий ТМКларга айланди.

Трансмиллий корпорацияларнинг пайдо бўлиши XIX асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. 1939 йилда мутахассислар тахминан 300 та инглиз, америка, француз, герман ва япон ТМКлари борлигини ҳисоблашган. Ҳозирда уларнинг сони 12 мингга етган бўлса, ҳозирги кунга келиб дунёнинг 150 мамлакатада 270 минг шаҳобча ва шўъба компанияларига эга 60 минг бош компания мавжуд деб баҳоланмоқда.

ТМКлар ҳиссасига тўғри инвестицияларнинг 90 фоизи, янги техникага патент ва лицензияларнинг 80 фоизи, ташқи савдо айланмасининг 63 фоизи ва жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг тахминан 50 фоизи тўғри келади.

ХИМнинг муҳим соҳаларини назорат қилувчи тахминан 500 та ТМК жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос ўзаги ҳисобланади. Айнан ана ТМКлар халқаро ишлаб чиқариш омилларини айирбошлашнинг самарали каналларини яратишади, бунда ахборотлар ва юқори технология айирбошлаш муҳим аҳамият касб этади. Йирик корпорациялар тузилмаларида илмий-тадқиқот йўналишида унумли фаолият олиб бора оладиган энг кучли мутахассислар ишлашмоқда.

Трансмиллий корпорацияларни шаклланишини ва кенгайишини сабабларини умумлаштирсак, уларнинг барчаси четга капитал чиқариш билан ёки умуман унинг тадбиркорлик шакли билан боғлиқ сабабларини асосийлари деб кўрсатиш мумкин бўлганлари қуйидагилардир:

- чет элга капитал чиқаришни таъминловчи, ишлаб чиқариш ва капитални байналминаллашуви;

- капитал чиқариш ва уни кўп фойда берадиган жойга жойлаштиришда, миллий ва халқаро кучли рақобатга тайёр туриш;

- халқаро савдо соҳасида, имтиёз ва сиёсий тўсиқларни йўқолганлиги ҳисобидан кўшимча имкониятларга эга бўлиш ва бошқалар.

Трансмиллий корпорациялар фаолиятининг асосий мақсади, ҳар қандай бошқа тадбиркорлик тизими каби фойда олиш ҳисобланади. Хорижда фойда олишнинг бир қатор ўзига хос томонлари бор. Масалан, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, табиий, ижтимоий шарт-шароитлар турли мамлакатларда турличадир, жаҳон ҳўжалигини ривожланишини умумий тенденциялари:

—турли-туман ресурслар салоҳияти, (бу ерда нафақат табиий ресурслар, шу билан бирга меҳнат ресурслари ҳам);

—истеъмолчиларнинг талабларини турлича эканлиги;

—миллий ишлаб чиқариш соҳасидаги мавжуд технологияларининг бошқа мамлакатлардан устунлиги;

—фаолиятга таъсир этувчи самарали омилларнинг даражаси, бозорнинг хажми, капитал қўйилмалар манбаси ва бошқалар;

—анъанавий халқаро савдо соҳасидаги протекционизмнинг ўсиши, амалда савдо-сотиқ ўрнига капитал қўйишини устун қўйиш;

—турли мамлакатлардаги иқтисодий сиёсатни турлича кўринишга эга эканлиги;

—мамлакатдаги мавжуд турли иқтисодий ва табиий ресурслар ҳолатларни трансмиллий корпорациялар жойлашувига таъсири.

Ҳозирда трансмиллий корпорацияларни: байналминал, кўп миллатли ва глобал корпорацияларга бўлиш қоидаси қабул қилинган.¹

ТМКларнинг принциплари:

1. Товарлар нафақат ички бозорларда, балки бутун дунёда сотилиши бу асосий бизнеснинг давоми деб эмас балки асосий стратегиянинг ажралмас қисми сифатида қаралади.

2. У ёки бу фаолият турини мамлакатларига жойлаштиришдан мақсад миллий имкониятлардан кенгрок фойдаланиш, айрим ноқулай ҳолатларда компенсация қилиш ёки миллий бозорнинг ноқулай ҳолатдан чиқиб олишига кўмаклашиш.

3. Турли фаолият соҳаларини жаҳон масштабида кординациялаш ва интеграциялашни амалга ошириш билан барча компанияларни барқарор ривожлантиришдир.

Ҳозирда трансмиллий корпорацияларнинг фаолияти кўпроқ кам ривожланган мамлакатларга қаратилмоқда, сабаби у ерда қуйидаги омиллар мавжуд:

— арзон ишчи кучи;

—паст солиқ тўловлари;

—хом ашёга бойлиги ва яқинлиги;

—давлат бошқарувининг кучсизлиги;

—экологик зарарли ишлаб чиқаришни жойлаштириш имконияти борлиги;

—барқарор сиёсий вазият ва бошқалар.

1.Владимирова И.Г. Роль и место ТМК в современной экономике // менеджмент. 1999.№ 8.-с.78

Корпорация глобаллашувининг ижобий томонлари трансмиллий корпорация бўлимлари жойлашган мамлакатлар иқтисодиёти тез ривожланишга ёки ҳеч бўлмаганда миллий иқтисодиётни ривожланишини таъминлашга ўз таъсирини ўтказди. Агар маҳаллий фирмага нисбатан хорижий фирманинг ишлаб чиқариши юқори ва самарали бўлса, унда хорижий фирмаларга энг янги технологиялар ва бошқа активларни бош корпорация тез жойлаштиради. Назорат саволлари:

1. Халқаро корпорациялар фаолияти кўлами қандай?
2. ТМК тузилмасига тавсиф беринг.
3. ТМКларнинг қандай кўринишларини биласиз?
4. ТМКларнинг жаҳон инвестициялари жараёнидаги роли қандай?

11-мавзу: Халқаро валюта ва кредит муносабатлари.

Халқаро иқтисодиётнинг ҳаракати асосида валюта - молия тизими туради. У ўзини валюта-молия муносабатлари шаклида номоён қилади. Ҳамда иқтисодий субъектларни жаҳон иқтисодиётида халқаро келишувлар шаклида мустаҳкамлайди. Бу муносабатлар нафақат халқаро товар ва хизматлар кўринишида номоён бўлади, шунингдек, нисбатан мустақил ҳаракат соҳаси ҳамдир.

Халқаро валюта-молия тизимида қуйидаги ўзаро боғлиқ бўлган элементлар туради (уларга нисбатан алоҳида тизимлар сифатида қараш ҳам мумкин:

- **валюта муносабатлари, миллий валютани ўзаро конвертацияси, валюта курсларини бошқариш механизми ва муомала шароитлари;**

- **молиявий муносабатлар, халқаро молия бозори ва савдо механизми шаклидаги молиявий инструментлар (валюта, қимматли қоғозлар, кредитлар);**

- **иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳисоб-китоблар жараёни йиғиндиси, мамлакатни тўлов балансини ифодаси. Халқаро ҳисоб-китоблар товар ва хизматлар ҳаракатига хизмат қилади, шунингдек, ишлаб чиқариш, валюта, қимматли қоғозлар ва кредитлар олиш бўлиб хизмат қилади.**

Валютани конвертациялаш даражаси турлича бўлиши мумкин.

Тўла миллий валютани конвертациялашга ўтиш, босқичма –босқич амалга оширилади: дастлаб конвертация товарлар ҳаракати, хизматлар ва трансфертлар соҳасида, кейин эса имконият даражасида миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, капиталлар ҳаракати соҳасида амалга оширилади.

Жаҳон валюта тизими асосида миллий валюталар тизими ва халқаро валюта институтларини ўзаро таъсиридаги ҳаракати туради. Жаҳон

хўжалигини ривожланишини турли босқичларида, турлича ўзига хос бўлган қуйидаги Жаҳон валюта тизимлари амал қилган:

- олтин стандарти;
- олтин девизи;
- бошқариладиган сузиб юрувчи валюта курси.

Ҳар бир тизим ўзига хос бўлган давр талабларига мос халқаро иқтисодий муносабатлар манфаатларига хизмат қилади.

Иккинчи жаҳон валюта тизими — «олтин девиз стандарти».

Биринчи жаҳон урушидан сўнг ғолиб ва мағлуб давлатлар иштирокида 1922 йили Италиянинг Генуя шаҳрида бўлиб ўтган иқтисодий конференцияда давлатлараро келишув асосида расмийлаштирилди. Бу олтин девиз стандарти тизимида дунёни етакчи 30 давлатлари иштирок этдилар. Бу тизимда қоғоз пулларда қатий, олтин паритети (тенглиги) бўлган ва исталган вақтда олтинга алмашуви мумкин бўлган. Масалан, агар 1929 йилда бир фунт стерлинг 7,32 г соф олтинни, АҚШ доллари 1,5 г соф олтинни ташкил этган бўлса, улар ўртасидаги ўзаро нисбат ёки олтин паритети (тенглиги) 1 фунт стерлинг 4,86 АҚШ доллари ҳисобланган.

$$1 \text{ фунт стерлинг} = \frac{7,32000}{1,50416} = 4,86 \text{ доллар.}$$

Учинчи жаҳон валюта тизими — олтин баъзасидаги девиз стандарти халқаро муносабатларда сақланиб қолди. Иккинчи жаҳон уруш ва урушдан кейинги даврдаги Жаҳондаги етакчи мамлакатлар ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди ва бу ўзгаришлар халқаро иқтисодий муносабатлар, шу жумладан валюта муносабатлари ҳарактерига таъсир этди. Бу муносабатларда АҚШнинг ўрни урушдан олдин бўлганидек кескин ошиши давом этди ва шунга мувофиқ унинг миллий валютаси долларни роли ҳам ўсиб борди. Урушдан кейинги воқеаларини ва хусусиятини ҳисобга олувчи янги жаҳон валюта тизимини шакллантириш зарурияти туғилди. 1944 йилда Бреттон-Вудс (АҚШ)да бўлиб ўтган халқаро валюта- молиявий конференциясида иштирокчи мамлакатлар бошқариладиган валюта курслари тизимини (Бреттон-Вудс тизими) ташкил этиш шартномасини имзоладилар. У яна “олтин-девиз тизими” номини ҳам олди. Бу тизимда “олтин қиммати белгиланган-девиз” (кредит қоғоз пуллар баъзасида) жаҳон пули вазифасини бажариши керак эди. «Генуя валюта тизимидан фарқи доллар ва фунт стерлинг захира валюта мақомини олди. Амалда «доллар стандарти» тизими бўлди. Бу янги тизимини ишлашини таъминлаш учун ХВФ ташкил этилди. Унга аъзо мамлакатлар ўз миллий даромадлари даражасида аъзолик тўловларини тўладилар. Бу тизим тўлақонли 1971 йилга қадар амалда бўлди (долларни олтинга алмашуви тўхтатилгунга қадар). Халқаро валюта фонди ҳозирга қадар халқаро молиявий соҳада муҳим аҳамиятга эга ролни ўйнамоқда. Бреттон-Вудс тизими қуйидаги тартибларни ўрнатди:

- олтин, тизимнинг асоси функцияси бўлиб яна сақлаб қолинди. Унинг баҳоси ўзгармас: 35 доллар баробар 31,1 олтинга;

- АҚШ доллари тизимининг асоси олтин захира функцияси бўлиб, у талаб қилинганда олтинга алмашиши мумкин бўлган (АҚШ бекиёс олтин захираларига собиқ Иттифоқни қўшмаганда 2,3 дунё олтин захираларига эга бўлган, шунингдек, унинг ривожланган иқтисодиёти ҳам бунинг учун асос бўлган);
- ҳар бир мамлакат ўз пул бирлигида олтин миқдорини белгилаши шарт бўлди. (Олтин валюта паритетига ва бошқа ХВФ иштирокчи мамлакатлари валюталарига тенглик белгиланадиган бўлди);
- ҳар бир мамлакатга ўз валюта курсини бошқа мамлакатлар валютасига нисбатан ўзгартирмаслик мажбурияти белгиланди.

Тўртинчи жаҳон валюта тизими- “эркин сузиб юрувчи” валюта курси.

ХВФга аъзо мамлакатлар 1976 йилда Ямайка пойтахти Кингстонда янги халқаро валюта тизимига асос солган битимни имзоладилар. Халқаро валюта тизими ўз ривожланишининг ҳозирги босқичида қатор хусусиятларга эга:

Биринчидан, “Сузиш” эркинлиги мамлакатларда давлат томонидан чекланган бўлса ҳам, “сузиб юрувчи валюта” курслари қондаси расман тан олинган ва киритилган. (“Эркин сузиб юрувчи” валюта курси маълум валютага бўлган бозор талаби ва таклифи остида ўзгариб туриши мумкин).

Иккинчидан, АҚШ доллари ўзининг асосий валюта сифатидаги аҳамиятини йўқотмоқда ҳамда Буюк Британия фунт стерлинги, Япония йенаси, Евро ва бошқалар тобора халқаро резервлар ва тўлов валюталари сифатида қўлланилмоқда.

Учинчидан: давлатларнинг ХВФ теварагида ягона валюта тизимига бирлашиши алоҳида ҳудудий валюта тизимлари фаолият кўрсатишни инкор қилмайди чунки улар жаҳон тизими таркибида ривожланиб боради. Хусусан, 1979 йилда Европа иттифоқи мамлакатлари Европа валюта тизимини барпо этдилар. Унда ягона валюта «Экю» кейинроқ Евро валюта курсларини ўрнатиш ва валюта операцияларининг амалга оширишнинг ягона механизмини ишлаб чиқдилар ва такомиллаштириб бормоқдалар. Европа Иттифоқи янги валюта-молиявий интеграция босқичига ўтмоқда. Бунда ягона пул-кредит сиёсати ягона марказий банк ва ягона валюта “Евро”га ўтиш амал қилади. Бу эса бу мамлакатларни асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини янада яқинлаштирмоқда. Европа валюта институти Европа Марказий банки тизимига алмаштирилди у ўз таркибига (1998 йили) 15 та аъзо мамлакатлар марказий банкларини бирлаштирган. Бундан ташқари Евро тизими ташкил этилган, унда ҳозирга 12 та аъзо мамлакатлар ҳамкорликда ягона пул кредит сиёсатини олиб борадилар. Евротизим янги валюта “Евро”ни муомалага киритиш ва уни айланиши бўйича операцияларга масъулдир. Унга Евро валютани чиқариш ва уни Евро ҳудудида муомалада бўлишини таъминлашни чекланмаган ҳукуқи берилган- Евротизимга ҳозирча учта давлатлар (Буюк Британия, Дания ва Швеция) марказий банклари кирмагандир. У нисбатан ёпиқ иқтисодий майдон ҳисобланади сабаби бу ерда ўзаро иқтисодий муносабатлар кенг йўлга қўйилган, шунинг учун уларни ҳудуддан ташқаридаги ташқи иқтисодий алоқалари кўлами анча пастдир. Шу билан биргаликда ягона пул-кредит

сиёсатини олиб бориши уларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини кўламини кенгайтишига шарт шaroит яратди ва у унинг таркибий қисми ҳам ҳисобланади. Кейинги даврларда АҚШ иқтисодиётидаги иқтисодий инқирозлар унинг валютаси бўлган долларни имкониятларини биров бўлсада чеклаб қўймоқда.

Назорат учун саволлари:

1. Валюта муносабатлари ва унинг моҳияти.
2. Халқаро валюта - молия тизими ва унинг элементи.
3. Миллий ва чет эл валюталари.
4. Валютани конвертацияси.
5. Пул кредит сиёсати.
6. Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси.

12-мавзу: Халқаро капитал ҳаракати.

Ҳозирги шароитда мамлакатлараро капитал ҳаракатини аҳамияти ошиб бориши муносабати билан, бу жараёни ўрганишга бўлган эътибор ҳам кучайди. Бу жараён ишлаб чиқаришни байналминлашувини шарти бўлиб хизмат қилади. Молия бозорини кучайиши жаҳон хўжалигининг муҳим омили ҳам ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг омили сифатида капитал, физик ва пул шаклида бўлади.

Жисмоний капитал- инвестицион товарлар бўлиб, у бошқа товарлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Бундай капиталлар машиналар, бутловчи қисмлар ва бошқалар бўлиб, мамлакатлараро халқаро савдо доирасида ҳаракат қилади.

Пул капитали- пул капитали шаклида бўлади.

Халқаро капиталнинг миграцияси - бу мамлакатлараро капитал ҳаракати ҳисобланади, унга экспорт ва импорт операциялари ҳам киради.

Халқаро капитал ҳаракати- иқтисодий ривожланишни экспортни рақобатбардошлилигини оширувчи самарали воситаси, мамлакатни жаҳон хўжалигидаги ўрнини мустаҳкамловчи муҳим генератор ҳам ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётининг нисбатан камбағал субъектлари учун ҳам бу жараён муҳим ҳисоблани ва у Жаҳон капиталлар бозорини спецификациясини ҳам ойдинлаштиради. Жаҳон капитал бозорида ҳам бошқа бозорларда бўлгани каби “талаб”, “таклиф” ва “баҳо” катта аҳамиятга эгадир.

Капиталга талабнинг мавжудлиги жаҳон инвестициялари шаклидаги ҳаракатини кучайтиради. У мамлакатларни капиталга бўлган талабини ўзи қондира олмаслик оқибатида капиталнинг хориждан импорт қилишга эҳтиёжи натижасида вужудга келади

Мамлакат импорт қилса, бу капитал ҳисобига мамлакатга хориждан товарлар ва хизматларни олиб келишни кенгайтиради.

Пул бозори - халқаро савдога хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қисқа муддатли операциялар (бир неча соатдан бир йилгача) бозоридир. Унинг муҳим қисми қисқа муддатли таъминланмаган банклараро ссудалар (депозитлар) бозоридир. Бу ерда ссуда капитали харид ва тўлов маблағи

сифатида амал қилади ва юқори ликвидлилик ва ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради.

Капитал бозори- узоқ муддатли операциялар бозори ҳисобланади. Унда ссуда капитали ўз-ўзидан ўсиб боровчи қиймат сифатида қатнашади, яъни шаклига кўра у ўз навбатида кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорига булинади.

Қисқа муддатли капиталлар ҳаракати таркибига, халқаро валюта бозорида келишилган шартномавий, ҳамма кредитлар ёки займлар киради. Жаҳон капиталлар бозори узоқ муддатли активларни инвестиция шаклидаги ҳаракати билан бошқарилади. Узоқ муддатли кредитлар ҳаракати барча хорижий узоқ муддатли кредитларни ва уни қайта фоиз ставкаси билан қайтариш жараёнини ўз ичига олади. Агар жамғарманинг асосий субъекти уй хўжалиги бўлса, капитал қўювчи асосий субъектлар хусусий бизнес ва давлатдир. Шунинг учун, инвестицион ресурслар оқимини амалга оширувчилар ҳам макроқўламда ҳам микроқўламда ҳаракат қилади.

Макроқўламда- Ҳукуматлараро келишувлар асосидаги давлатлараро кредитлар, махсус ёрдамлар, халқаро молиявий ташкилотлар кредитлари ва бошқалардан ташкил топади ва ҳаракат қилди.

Микроқўламда- Бу даражадаги ҳар қандай хорижий инвестицияларни мамлакатга келиши ёки миллий молия бозори, ёки миллий иқтисодиётга жаҳон капиталлар бозори орқали амалга ошади.

Молия кредиторлари ва олувчилари аро бўладиган операцияларга ҳар икки даражада ҳам молия ва воситачилик қилади.

Институционал воситачи корхоналар:

— хусусий миллий ва халқаро молия-кредит корхоналари. Булар, биринчи навбатда миллий ва трансмиллий банклар, (суғурта компаниялари, нафақа жамғармалари ва бошқалар), шунингдек, қимматли қоғозлар бозори институтларини роли ошиб бормоқда. Булар қаторига биринчи навбатда Халқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон Банки (ЖБ), унинг ҳудудий бўлимларидан ва бошқалар киради. Ҳар қандай инвестицион ресурслар эгаси маълум даражада даромад қилади. фоиз фойдаси шаклида бўлади. Инвестицияларни икки шакилларда бўлиши мумкин тадбиркорлик ва ссуда.

Тадбиркорлик капиталини чиқариш-у ёки бу мамлакат иқтисодиётига фойда олиш мақсадида инвестиция қўйишдир.

Ссуда капиталини чиқариш-ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш бўлиб, фойда олиш кўзда тутилади.

Капитал ҳаракатининг шакллари.

Иқтисодий мазмунига кўра	Ким томонидан амалга оширилишига кўра	Кўриниши бўйича	Муддатига кўра
Ссуда капитали	Хусусий, давлат	Пул кўринишида	Қисқа муддатли
Тадбиркорлик капитали	Хусусий, давлат	Товар кўринишида	Узоқ муддатли

Тадбиркорлик инвестицияси- чет элга ишлаб чиқаришга қўйиладиган капитал ҳисобланади. Унинг катта қисмини хусусий инвестициялар ташкил этади. Улар хусусий шахслар, банклар, суғурат, инвестицион компаниялар ва бошқалар ҳисобланади.

Бу инвестицияларнинг икки хил шакли мавжуд: портфель ва тўғридан - тўғри.

Портфель инвестициялари- мамлакатни портфель инвестициялари билан шуғулланувчилар томонидан қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқалар) шаклида йирик молия марказларига жойлаштирилади. қимматли қоғозларни сотиб олишда корхонани бошқариш кўзда тутилмайди. Бош мақсад даромад олиш ҳисобланади, унинг хажми корхонани бошқариш ҳуқуқини берувчи миллий давлатлар белгилаган фоиз ставкаларидан паст бўлади ва портфель инвестициялари деб номланади.

Тўғри инвестиция - бу ишлаб чиқаришга қўйилган капитал бўлиб, инвестор учун бошқариш ҳуқуқини беради. Жаҳон амалиётида капитал қўйишнинг бундай шакли “чет эл тўғри инвестициялари” деб, аталади. Инвестор (резидент)га берилган бошқаришда иштирок этиш ёки унинг капитал қўйилмаси, умумий назорат пакетини ташкил этса, корхонани бошқаришни бевосита ўз қўлига олиш ҳуқуқини олади.

Тўғри инвестиция корхонанинг тўла маънодаги мулки ҳисобланади. Тўғри инвестор бўлиш учун назорат пакетига эга бўлиш шарт эмас лекин, мамлакат белгилаган акционерлик капиталининг ҳиссасидан паст бўлмаслиги керак. Бу кўрсаткич АҚШда 10 фоиз, Францияда ва Буюк Британияда 20 фоиз, Германияда 25 фоиздан 50 фоизга қадар, Ўзбекистонда у 49 фоиз даражасида белгиланган. Агар у бу кўрсаткичдан паст бўлса бошқаришда иштирок этмайди ва портфель инвестицияси ҳисобланиб дивиденд олиш ҳуқуқи билан чекланади.

Тўғри инвестициянинг :

-тўғри инвестиция натижасида корхона энг янги имкониятларга ва бошқарув салоҳиятига эришади;

- ўзаро манфаатли асосда илғор техника-технологияларга ва ноу - хауга;
- мультипликатив самарадорлик, миллий ишлаб чиқаришда аралаш мулк асосида ривожланишга;
- миллий ишлаб чиқаришда рақобатни кучайишини ва кичик бизнесни ривожланишига;
- маълум маънода ижтимоий - иқтисодий барқарорликга;
- мамлакатни солиқ олиш баъзасини кенгайтиши;
- янги иш ўрнини ва корхона ишчи ва хизматчилар даромадларини оширишга бошқаларга эришади.

Шундай қилиб тўғри ва портфель инвестициялар нисбатини капитал экспортёрлари (резидентлари) бўлган саноати ривожланган мамлакатлар белгилайди. Улар ўзлари учун қулай ва юқори фойда олиши мумкин бўлган йўналишларга йўллайдилар.

Давлат инвестициялари. Улар юқори фойда олишга мақсадли йўналтирилмайди, аксинча сиёсий мақсадларни кўзлаб йўналтирилади. Мисол учун, машҳур АКШ томонидан ишлаб чиқарилган “Дауэс”, “Юнг” ва “Маршал” дастурларини олишимиз мумкин. Улар Европани иқтисодий тиклашга маълум даврларда йўналтирилган иқтисодий дастурлар эди.

Давлат инвестициялари хорижга тўғри ёки миллий мамлакатлар ҳукуматлари орқали қўйилади. Унинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- 1) тўғри капитал қўйилмалар;
- 2) давлатлараро заёмлар;
- 3) иқтисодий ёрдам.

Давлат инвестициялари шу билан бирга воситачилар орқали ҳам қўйилади.

Назорат учун саволлар:

1. Жаҳон инвестициялари ва жамғармалари.
2. Физик капитал
3. Халқаро пул капитали.
4. Халқаро капитал миграцияси.
5. Жаҳон капиталлар бозорида «талаб», «таклиф» ва «баҳо»
6. Жаҳон инвестицияларининг асосий манбалари.
7. Трансмиллий корпорацияларни жаҳон инвестициялар жараёнидаги роли.

13-мавзу: Халқаро ишчи кучи миграцияси.

Жаҳон ҳамжамиятининг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган аҳолини ўрни жаҳон иқтисодиётида катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам бу жараён жаҳон иқтисодиётида кенг ўрганилади.

Демографик ривожланиш деганда вақтнинг қисқа даврида юз берадиган мамлакат аҳолисини узоқ эволюцияси ва сифат ўзгаришларини ўзаро таъсири жараёни тушунилади.

Туғилиши ва ўлими натижасида узлуксиз янгилашиб боради.

Шундай қилиб, узлуксиз равишда икки жараён юзага келади: авлод алмашуви ва аҳолининг табиий ўсиши.

XX асрнинг иккинчи ярмида ва XXI аср бошларида дунёни демографик ривожланишида қуйидаги йўналишлар кузатилмоқда.

1950-1996 йилларда дунё аҳолисининг умумий сони 2,3 мартага кўпайди 2000 йил бошида 6 млрддан ошиб кетган эди. 2011 йилда 7 млрддан ортди.

Саноати ривожланган мамлакатларда аҳоли сонини ўсиши ўртача дунё кўрсаткичидан секин борди. Шу билан бир вақтда ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Африкада, Лотин Америкасида, Осиё мамлакатларида аҳоли сони юқори суръатларда (ўртача 2 фоизга) ўсганлигини кўришимиз мумкин. Дунё аҳолисининг бундай ўсиши суратлари демографик портлашга олиб келди. Демографик ўсишнинг асосий сабабларидан бири ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши, замонавий медицина хизматидан фойдаланиш натижаси ҳамдир.

Бунинг муҳим белгиси- ўлимнинг анча пасайиши ва туғилишни кўпайиши натижасида ўсиш даражасининг юқорилиги билан демографик портлашнинг намоён бўлишидир.

Аҳоли кексايиши ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кучайишига олиб келмоқда. Масалан, ҳозирда ривожланган мамлакатларда 3 ишчига 1 нафақахўр тўғри келади. Чорак асрдан сўнг бу нисбат 1:1 га тўғри келиши кутилмоқда. Нафақа жамғармасига тўловларнинг ортиши солиқларни ошишига олиб келади, бу эса жамият жамғармаларини камайишига олиб келиши мумкин. Бу эса мамлакатнинг ўз навбатида инвестицион потенциални тушириб юборади.

Аҳоли кексايиши ҳисобига унинг меҳнат қилиш қобилияти пасаяди ва ЯИМнинг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолатга йўл қўймаслик учун давлатлар миграция муаммосига дуч келади, натижада кексалар ўрнини тўлдирувчи хорижий ишчиларни қабул қилади ёки камбағал қариликка дучор бўлади. Лекин кўп мамлакатларда хорижий ишчиларни қабул қилишга имкониятлари чегаралангандир.

Натижада иш стажини узайтириш, нафақага чиқишни кечиктириш ва ишлашга хоҳиши ва имкони бор 70-75 ёшли қарияларни ишга жалб этишга тўғри келади.

Аҳолини ўсиш суратлари, унинг ёш бўйича тузулиши қисман меҳнат ресурсларини сон параметрларини аниқлайди, бу жараён дунё иқтисодиётини ривожланишини ҳам маълум маънода белгилайди.

Меҳнат ресурслари деб, меҳнатга лаёқатли ва ёши ва ақли билан меҳнатга лаёқатлилар тушунилади.

Дунёни демографик ривожланиши замонавий тенденцияси асосида меҳнат ресурслари Шарқий-Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига -55 фоиз, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида- 16 фоиз актив аҳоли тўғри келади.

Мутахассис ишчиларни малакасини оширишда АҚШ етакчи ўринни эгаллайди. 90-йиллар охирида АКШда мутахассислар малакасинини ошириш дастур 93 фоиз фирмаларида мавжуд эди.

Аҳолининг маълумотлилиқ даражасини интеллектуал, ижодий потенциал ҳарактерлайди. Юқори малакали ишчи ресурслари ривожланаётган мамлакатларда ҳам мавжуд. Лекин бу мамлактларнинг кадр сифати ривожланган мамлакатлардагига нисбатан анча пастдир.

Африка ва Осиёнинг айрим жойларида аҳолини кўп қисмини маълумотсиз аҳоли ташкил этмоқда.

Бандлик - бирор бир иқтисодий жараёнга жалб этилганлик, аҳолини кўрсаткичидир.

Ҳозирда хизмат кўрсатиш секторида банд бўлган аҳоли сони кескин ошиб бормоқда. Шунингдек, бу секторда ишчи кучини узоқ банд бўлиши билан ажралиб туради. 90-йиллар ўрталарида хизмат кўрсатишда банд бўлганлар Японияда 58,4 фоиз, Германияда 63 фоиз, Францияда 69 фоиз, Италияда 62 фоиз ташкил қилди.

Дунё аҳолисининг маълум бир қисми, ҳар хил сабаблар натижасида иш ва яшаш жойини алмаштириб туради.

Жисмоний шахснинг географик жойдан бошқа белгиланган жойга бориши миграция дейилади.

XXI аср бошларидан дунё аҳолисининг миграцияси кучайди ва халқаро миграция глобал жараёнга айланди.

Миграция муддатига қараб доимий ва вақтинчаликка ҳаракатга эгадир. Доимий миграцияда яшаш жойи ўзгаради, аҳолининг вақтинчалик кетиши ва ўз доимий яшаш жойига қайтиши кузатилади бундай миграция вақтинчалик ёки қайтувчи миграция дейилади.

Якунлланувчи миграция ташқи ва ички миграциядан иборатдир.

Аҳоли кўчиши сабабига қараб миграция мажбурий ва ихтиёрий бўлади:

- мигрант ўз ихтиёри билан четга чиқилса, ихтиёрий миграция бўлади.
- мигрантга тегишли бўлмаган сабаблар билан четга чиқса мажбурий миграция дейилади.

Миграция ҳаракатига кўра 3 хилдир:

-даврили- бу кўчиш маълум бир сабабга кўра вақтинчалик бўлиб, маълум муддатдан кейин ўзининг доимий яшаш жойига қайтишидир;

-мавсумий-бу кўчиш маълум бир мавсумда ишлаш учун чиқиши ва доимий яшаш жойига қайтаришидир;

-маятникли –бу миграция маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб аҳолини бир қисмини ишлаши ва ўқиши учун ҳар кунлик давлат чегарасидан чиқиши ва қайтишидир.

Аҳолининг чегарадан ташқарига ҳаракатланиши, миграцион оқимни ташкил этади.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан миграцион оқимнинг 5 типи белгиланган:

-кўчманчилар - булар, чет элга доимий яшаш учун кўчиб кетувчилар. (Оқимнинг асосий қисми АҚШ, Канада ва Австралияга йўналган.)

- шартнома билан ишловчилар - бу категориядаги аҳолининг чет чиқиши шартнома асосида бўлиб, мавсумий ва мавсумий бўлмаган меҳнат билан шуғулланувчилардир;

- матахассис мигрантлар- бунга юқори малакали ва ишга тайёр аҳоли киради.

- ноқонуний мигрантлар- бунга бошқа давлатга ноқонуний йўллар билан бориши. (Буларга сайёҳ бўлиб бориб ишда қолганлар ва муддати ўтиб кетган визаси бор ўша ерда яшаб меҳнат билан шуғулланувчилар киради).

- мажбурий мигрантлар- бунга оммавий ҳаракатланишга сабаб бўлган урушлар, инсон ҳуқуқларининг бузилиши, экологик фавқулоддаги ҳолатлар мажбур этади.

ХММ ўз ичига иммиграцион ва эмиграцион оқимларни олади:

- иммиграция- меҳнатга лаёқатли аҳолининг четдан киришидир;

- эмиграция- меҳнатга лаёқатли аҳолининг шу давлатдан чет давлатга чиқишидир;

- реэмиграция- эмигрантларнинг доимий яшаш жойига қайтиб келиши.

Қонунчилик нормаларга қараб мамлакатлар легал ва нелегал меҳнат миграцияларини белгилайдилар.

Меҳнат миграцияси кўламини аниқлаш мезонлари:

* чиқиш кўлами- ишга жойлашиш мақсадда мамлакат чеграсидан вақтинчалик чиқиб кетган эмигрантлар сони;

* кириш кўлами- иш излаб маълум муддатга мамлакатга кириб келган иммигрантлар сони;

* сальдо - маълум муддат ичида давлатга иш излаб кирганлар ва чиққанлар орасидаги фарқ. Сальдо манфий ва мусбат бўлиши мумкин. У солиштирмада берилади (100, 1000 кишига нисбатан, ва абсолют кўрсаткичларда);

* ялпи ёки умумий миграция- кириш ва чиқишни белгиланган муддатдаги йиғиндиси.

Назорат учун рейтинг саволлар:

1. Дунёнинг ҳозирги демографик ривожланишининг асосий йўналишлари.
2. Халқаро меҳнат ресурслари ва миграцияси.
3. **Халқаро меҳнат бозорлари.**
4. **Бандлик сиёсати.**
5. **Жаҳоннинг асосий меҳнат бозорлари.**
6. **Жаҳон меҳнат бозорларининг ўзига хос хусусиятлари.**
7. **Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва унинг ривожланиш босқичлари.**

14-мавзу: Жаҳон иқтисодиётининг глобал муаммолари.

Экологик муаммо кўп йиллардан буён давом этиб келаётган тарихий жараёндир. Аммо у XIX асрнинг иккинчи ярмида индустриаллаштириш жараёнини бошланиши билан айниқса кучайди. Кейинги юз йилликда ҳисоб-китобларга қараганда ишланадиган ерларни 1/4 ва ўрмонларнинг 2/3 қисми ишдан чиққан, кесиб юборилган ёки бошқа мақсадларда йўқотилган. Жаҳонда ҳар 10 йилда 7 фоиз унумдор ерлар ишдан чиқмоқда. Ҳозирда ҳар икки йилда 12 млн. га ерлар қўриқларга айланмоқда. Ўрмонларнинг майдони ҳар секундда 0.5 гага қисқармоқда, икки йилда эса бутун Финляндия мамлакатига тенг майдон ўрмонлари йўқотилмоқда. Агар иш шу тарзда давом этса бир неча ўн йилда бутун ўрмонлар тугатилиши мумкиндир. Шу асосда экологик муаммо бутун жаҳон мамлакатларини қамраб олмоқда. Бунинг натижасида табиатни мувозанатини издан чиқишига аниқ хавф солинмоқда. Мувозанатнинг бузилишига эса инсонлар фаолияти асосий сабаб бўлмоқда.

Экологик инқирозларнинг асосий йўналишлари.

Ананавий экологик инқирозлар жумласига қуйидагилар кирази.

Биринчидан, ер майдонларидан интенсив фойдаланишда керагидан ортиқча кимевий ўғитлардан жуда кўплаб фойдаланишлар натижасида, ерни

таркибий тузилишини бузилиши, тупроқни шўрланиши, шамол ва сув билан боғлиқ емирилишлар ва бошқалардан иборатдир.

Иккинчидан, ҳар томонлама химиявий воситалардан деҳқончиликда ва чорвачиликда кенг фойдаланиш ундан олинадиган маҳсулотларга салбий таъсир кўрсатиши, сувга, шу атрофда яшовчи инсонларга, ўрмонларни тугатилиши ва бошқаларнинг барчаси охири оқибатда барча инсонлар соғлигига ва ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади, бу ерда табиий ресурсларни ишлаб чиқариш қобилиятларини тўғридан-тўғри тугатилиши ҳақида сўз бормади.

Учинчидан, атмосферага жуда катта миқдорда ердан юз минглаб тонна зарарли газлар чиқарилиб юборилмоқда. Бу ҳозирнинг ўзида ерни озонли қатламини ҳимоя қатламини фожеаси, ўзининг салбий оқибатларини кўрсатмоқда. Бу масалада кескин чора-тадбирлар кўриш бугунги куннинг долзарб муаммосидир.

Тўртинчидан, жуда кўплаб ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини чиқариб ташланиши ер майдонларида ахлатхоналар уйумини кўпайишига олиб келмоқда, бу инсонлар ҳаётига хавф солувчи ўчоқларни кўпайтирмоқда ва фойдаланиладиган ер майдонларини камайтирмоқда.

Бешинчидан, инсонлар ҳаётига, табиатга алоҳида катта хавф-хатарли бўлган атом электр станцияларини кўпайиши бўлмоқда. Бунга биргина мисол Чернобил фожеасини келтириш мумкин, у қанчадан-қанча инсонлар ҳаётига ва атроф муҳитга ўзининг тугатувчи салбий таъсирини кўрсатди ва кўрсатмоқда. Бунинг зарарини ҳисоблаб чиқиш ҳам аслида мумкин эмасдир. Кўриб турибмизки, унинг салбий чегараси ҳам фойдаси қаби каттадир.

Жаҳон аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашнинг умумий ҳолати. Инсоният маданий ҳаёти урушдан кейинги ўн йилликларда инсонларни озиқ-овқат билан таъминлашни бир неча баробарига барча ҳудудларда кўпайтирсада, анъанавий озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини асосан тўла ҳал қила олмади. Бу муаммони ҳал қилиш ўнлаб саноати ривожланган мамлакатларлар учун актуал бўлиб қолмоқда.

Биринчидан, бунинг асосий сабаби озиқ-овқат маҳсулотларини барча аҳоли ўртасида тенг тақсимламанганлиги айрим мамлакатлар, ҳудудлар доирасида намоён бўлмоқда.

Иккинчидан, ер аҳолисини тез кўпайиши ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Амалда, аҳолининг ўсиши билан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш даражаси бир-бирига тенглашган, масалан, кейинги 30 йилда дон маҳсулотларини етиштириш 2 марта ошган бўлса, аҳолининг кўпайиши нисбати 1,8 мартани ташкил этади. Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки келажакда муаммо анчайин кескинлашиши мумкин бўлади. Бунинг сабаби аҳолининг ўсишини тезлашиши, озиқ-овқат етказиб берувчи майдонларни камайтиришидир. Бу жаҳон иқтисодиёти мувозанатига кўшимча юк бўлади деб ҳисобланмоқда.

Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларида озиқ-овқат муаммоси. Ҳозирда мамлакатларни озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш имкониятлари даражасидан анчайин пастдир. Масалан, олайлик Россия, Қозғистон, Украинани уларда кишлоқ хўжалигини, чорвачиликни, балиқчиликни ривожлантиришни катта имкониятлари мавжуддир. Шунга қарамай бу мамлакатлар чет элдан импорт қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилмоқдалар (80-йилларда собиқ СССР даврида ҳар йили 5 млрд. долларга тенг бўлса, бу кўрсаткич ҳозирда 8 млрд. долларга етди). Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикасида ҳам ижобий ҳал қилинмоқда. Бу ерда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ дон мустақиллиги учун қатъий кўраш бошланганлиги ўзининг ижобий натижасини берди,

шунингдек, картошка, сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари мустақиллигига эришилди. Бу куйидаги жадвалларда ўзининг тўла ифодасини топгандир.

Ҳозирги ривожланаётган мамлакатлардаги озиқ-овқат муаммоси кечиктириб бўлмас глобал муаммога айланмоқда. Бу мамлакатларда бу муаммони ечимини топиш узоқдан давом этаётган иқтисодий ва илмий-техника соҳасидаги қолоқликларни тугатиш билан боғлиқдир. Бу ерда туб иқтисодий-ижтимоий қайта қуришлар, қишлоқ хўжалигидаги қалоқликларни тугатиш энг янги илғор илмий усулларини қўллаш билан унинг ривожланишини таъминлаш орқалигина бу муаммоларни хал қилиш мумкин бўлади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг аҳолисининг катта қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадилар. Бу ерда бош муаммо экин экишга яроқли ерларнинг камлиги бўлиб қолмоқда.

«Яшил инқилоб» халқаро ҳамкорлик дастури

Ривожланаётган мамлакатларнинг катта умидлари «Яшил инқилоб» номи билан юритилувчи ҳаракат билан боғлиқдир. Бу қишлоққа янги илғор агротехник усулларни киритиш билан қишлоқ хўжалигини тез ривожланишини таъминловчи ҳаракатлар мажмуасидир.

«Яшил инқилоб» халқаро ҳамкорлик дастури сифатида амал қилиб, бунда янги ҳосилдор сортларни яратиш ва уни ҳамкорлик асосида етказиб бериш. Шунингдек, минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ИФТ ютуқларини қишлоқ хўжалигига кенг тадбиқ этиш. Қишлоқ хўжалигини моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1.Экологик инқироз глобал муаммо.

- 2.Иқтисодий йўналишдаги халқаро озиқ-овқат муаммолари
- 3.Глобал халқаро ҳамкорлик ва БМТ.
4. Экологик инқирозларнинг асосий йўналишлари.
5. Барқарор ривожланиш назарияси.
6. Экологик муаммони хал қилиш учун ҳаракатлар.

15-мавзу: Жаҳон хўжалигида халқаро иқтисодий интеграция жараёни.

Халқаро иқтисодий интеграция — бу миллий хўжаликларнинг иқтисодий сиёсий бирлашувини турли даражада ва турли шаклда амал қилиш шаклидир.

Интеграцияга қадар бўлган жараён бу дифференциациядир. Халқаро майдонда бу жараён турли мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ўз манфаати йўлида мустақил ривожланиб боришини билдиради. Ер юзида янгидан-янги

мустақил мамлакатлар пайдо бўлиб, уларнинг иқтисодиёти мустақил ривожланади.

Дифференциация чуқурлашиб боргандан сўнг, иқтисодий интеграция бошланади. Интеграция микро кўламда, кўшни миллий хўжаликлардаги алохида бўлимлари шаклида хўжаликлараро иқтисодий ҳамкорликлар тўғрисидаги келишувлар тизими асосида вужудга келади. Макро кўламда эса миллий мамлакатлараро сиёсий иқтисодий келишувлар, битимлар асосидаги иқтисодий бирлашув жараёнидир.

Уларнинг чуқурлашиб ва кенгайиб боришига қараб интеграция 4 поғонали бўлади.

1. Эркин савдо ҳудудидаги интеграция — энг оддий иқтисодий интеграция шакли бўлиб, бунда ҳудудни ташкил этган мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотиқ эркин бўлади, бож пули бекор қилинади.

Бошқа шакли — божхона Иттифоқи ҳисобланади, бунда ҳудудни ташкил этувчи мамлакатлараро ягона ташқи савдо тармоқлари ва сиёсати амал қилади. Ҳар икки ҳолатда иштирокчи мамлакатлар учун эркин савдони ривожланиши ва молиявий ҳисоб-китоблар учун тенг имкониятлар яратилади.

2. Эркин иқтисодий ҳудудлар доирасидаги интеграция бу ҳудудлар комплекс характерда бўлиб, нафақат савдо-сотиқ балки саноат фаолияти, банк, суғурта иши ва технологик соҳада ҳам интеграцион алоқалар ўрнатилади, бу ҳудудлар очиқ ҳудудлар деб юритилади. Иқтисодий фаолият эркин бўлиб, унинг барча иштирокчиларига имтиёзлар берилади.

3. Умумий бозор доирасидаги интеграцион алоқалар — нисбатан анча мураккаб мамлакатлараро иқтисодий интеграция ҳисобланади. Миллий бозорлар бирлашиб ҳамма учун ягона бўлган умумий бозор вужудга келади. Бундай бирлашма доирасида илмий бозор товар ва хизматлар ва иш кучи ва капитални эркин кўчиб юриши юз беради. Миллий иқтисодий чегаралар бекор бўлади, ёки улардаги иқтисодий тўсиқлар минимал даражага келади. Умумий бозорнинг намунаси Европа Иттифокидир, унга 1957 йили 6-давлат иштирокида асос солинган, 1973-1986 йилларда унга яна 8 та давлат қўшилди. 1996 йили жами 15 та давлатни бирлаштирди.

4. Иқтисодий ва валюта Иттифоқи доирасидаги интеграциянинг олий шакли ҳисобланади. Мазкур Иттифокқа кирган мамлакатлар иқтисодиёт ва валюта соҳасида ягона йўл тутадилар. Европада иқтисодий соҳада бирлашган 15 та мамлакат 2000 йилга қадар уюшмани ташкил этди ва кейинчалик яна 10 та давлат қўшилди. Бу ерда бюджет, солиқ, кредит тизими ўрнатилади. Бунинг асосий сабаби миллий валютани ўз аҳамиятини йўқотишдан хавотирдалар.

Иқтисодий интеграция — иштирокчи мамлакатлар учун бир қатор қулай иқтисодий шароитлар яратади.

Биринчидан, интеграцион ҳамкорлик юритаётган хўжалик субъектларига турли ресурслардан: молиявий, моддий, меҳнат, янги технологиялардан интеграция доирасида эркин кенг фойдаланишга имкон берса тайёр маҳсулотларни сотиш учун эса очиқ, эркин бозор вужудга келади.

Иккинчидан, ҳамкорлик доирасидаги мамлакатларни иқтисодийетини уйғунлашувига олиб келади. Шунингдек, интеграция доирасидан ташқаридаги мамлакатлар рақобатидан ҳимоя қилади.

Учинчидан, интеграция иштирокчилари алоҳида аҳамиятга эга бўлган ижтимоий муаммолар: ривожланмаган иқтисодий ҳудудларни ривожланган ҳудудларга тенглаштириш: ишчи кучи бозор билан боғлиқ ҳолатларни юмшатиш, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоясини кафолатлайди.

Байналминаллашув жараёнини кучайтиришда транс миллий корпорациялар (ТМК) нинг аҳамияти каттадир.

БМТ нинг берган маълумотиға қараганда ГТМК нинг жаҳон мамлакатларига чиқариб сотган маҳсулоти 6 трн. долларни ташкил этган, бу корпорациялар ҳозирги кунда дунёдаги хусусий секторларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг деярли 75 фоиз устидан назорат қилиб турибди. Уларнинг умумий суммаси чет эл инвестициялари бўйича трлн. долларга тенгдир, ҳозирги кунда тахминан дунёнинг 95 фоиз патент ва лицензиялари ана шу ТМК лар қўлида тўпланган.

Характерли томони шундаки, корпорацияларнинг кўрган даромадларининг ҳажми 1- ўриндагиси билан охириги ўринда туривчи ўртасидаги фарқ жуда катта бўлиб, 20 баробардан ортиқдир.

Халқаро кредит доирасидаги Япония банклари ҳозирда 1- ўнликнинг 8 та позициясини эгаллаб турибди. Жаҳон бозорларидаги қимматбаҳо қоғозлар (1-ўринда акция ва облигациялар) нинг 35 фоиз Америка компаниялари ҳисобига, 28 фоиз эса Япония компаниялари ҳисобига тўғри келади. Шунини қайт қилмоқ керакки, саноат инвестициялари пайдо бўлишда Американинг 8 та молиявий гуруҳлари, Англиянинг битта кейинги ўринларда эса Швецариянинг молия шериклари турибди. Интеграцион жараёни аниқловчи ва ривожланишини таъминловчи асосий омиллар қаторида халқаро меҳнат тақсимоли катта аҳамиятга эгадир.

Интеграцион жараён ривожланишини бошқа омили халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлашиб бориши биринчи навбатда илмий-техника тараққиёти (ИТТ) шароитида ҳар бир мамлакат ўзининг устунлигини реализация қилишга интилади, жаҳон бозорига ишлаб чиқариш омили нисбатан арзон бўлган йўл билан тайёрланган товарлар кўпроқ чиқарилади..

Илмий техника тараққиётининг ҳозирги босқичи бу жараёни байналминаллашувига олиб келмоқда. Бу жараён туб сифат ўзгаришлари асосида ривожланмоқда. Лекин илмий техника тараққиёти барча дунё мамлакатларида бир хил ривожланмайди.

Ҳозирги яшароитда миллий иқтисодиётнинг очиқлиги хорижий сармоядорларни иқтисодиётни янада ривож-лантириш учун кенг жалб этиш имконини беради. Шунингдек, хорижий тадбиркорлар ва халқаро ташкилотлар билан ишлаб чиқариш соҳасида қисқа вақтда фойда кўриб ишлашни таъминлайдиган лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шароит яратади ва умумжаҳон хўжалигига интеграциялашувини тезлаштиради. Хорижий

фирмалар, трансмиллий корпорациялар, трансмиллий банклар (ТМБ), халқаро ташкилотлар миллий хўжалик фаолиятида кенг иштирок этади.

Назорат учун саволлар

1. Иқтисодий интеграциянинг мазмуни, шакллари ва уни аниқлаш омиллари.
2. Интеграциянинг тўрт поғонаси.
3. Интеграция иштирокчилари учун қулайликлар ва муаммолар.
4. Иқтисодий интеграция омиллари.
5. Байналминаллашув жараёнида трансмиллий корпорацияларнинг ўрни.
6. Интеграция жараёнида халқаро меҳнат тақсимоти.
7. Интеграция жараёнида илмий - техника тараққиётининг ўрни.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Андижон-2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда)

УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

2-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон

Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;

таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

4-модда. Билим олиш ҳуқуқи

Жинси, тили, ёши, irqий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий давкеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар қафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-хунар ўргатиш;

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истикомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

5-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган [Низомга](#) мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

6-модда. Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

7-модда. Давлат таълим стандартлари

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

8-модда. Таълим бериш тили

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби Давлат тили ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси [Қонуни](#) билан тартибга солинади.

II. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ

9-модда. Таълим тизими

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

10-модда. Таълим турлари

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-хунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

11-модда. Мактабгача таълим

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

12-модда. Умумий ўрта таълим

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

бошланғич таълим (I—IV синфлар);

умумий ўрта таълим (I—IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшидан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

13-модда. Ўрта махсус, касб-хунар таълими

Ўрта махсус, касб-хунар таълим олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юртидир.

14-модда. Олий таълим

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлади.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус касб-хунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

Бакалаврият олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун

хужжатларида белгиланади.

16-модда. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусика мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

18-модда. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга қўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

19-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибда имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади, давлат таълим муассасаларида ўқитилиши шарт бўлган ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган мутахассисликлар бундан мустасно.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади.

Диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Давлат таълим стандартларига мос келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида ҳар икки томоннинг маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда ўзаро тан олинishi мумкин.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат тасдиқлаган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисослик бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

20-модда. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллار ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақиға мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақли.

22-модда. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23-модда. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узок вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг ҳулосасига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида

бўлади.

24-модда. Ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари

Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтож бўлган болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

IV. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар қиради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
давлат грантлари миқдори ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;
таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

26-модда. Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доираси

Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар қиради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;
таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;
давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;
ўқув ва ўқув-услубият адабиётларини нашр этишни ташкил қилиш;
таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:
таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;

таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;

ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёزلарни белгилайдилар;

таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

28-модда. Таълим муассасасини бошқариш

Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради.

Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

29-модда. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

V. ЯКУНЛОВЧИ ХУЛОСАЛАР

30-модда. Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

31-модда. Таълимни молиялаш

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

33-модда. Халқаро ҳамкорлик

Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

34-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
1997 йил 29 август,
464-І-сон

**"Мустаҳкам оила йили" давлат дастури тўғрисида
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ
27.02.2012 й.
№ ПК-1717**

Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий

манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида, шунингдек 2012 йил Ўзбекистон Республикасида “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760-сон фармойиши билан тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарор” деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини амалга оширишнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар, қоида ва нормаларни ишлаб чиқиш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш;

ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш;

жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш, Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оилаларга зарур қўмак ва ёрдам бериш;

оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, бунда оилани мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш;

“Соғлом она - соғлом фарзанд” тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш;

жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий кадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш;

жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

2. Республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев) зиммасига “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг амалга оширилишини ташкиллаштириш ва мониторинг қилиш вазифалари юклатилсин.

Республика комиссияси:

икки ҳафта муддатда, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг устувор йўналишлари ва тадбирларидан келиб чиққан ҳолда, республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари томонидан ҳар бир идора, вилоят,

шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича “Мустаҳкам оила йили”нинг ҳудудий ва тармок дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурига киритилган тадбирларни тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари даражасида ишлар аниқ-пухта мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастур амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги материалларни йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқсин;

ҳар чорак якунлари бўйича “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот бериб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманларда (шаҳарларда) “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари бошчилигида ҳудудий комиссиялар тузилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар тегишли ҳудудларда оғишмай ва тўлиқ ҳажмларда амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарликни юқласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари:

аҳоли, айниқса, ёш оилалар ўртасида “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, давлат томонидан оилаларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича унда белгиланган чора-тадбирларнинг мунтазам ва кенг қўламда тушунтириб борилишини;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга оширишга қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг амалга оширилиши тўғрисида кенг жамоатчилик доимо хабардор қилиб турилишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. Каримов

OLIY TA'LIM MUASSASALARINING MODDIY-TEXNIK BAZASINI MUSTAHKAMLASH VA YUQORI MALAKALI
MUTAXASSISLAR TAYYORLASH SIFATINI TUBDAN YAXSHILASH CHORA-TADBIRLARI TO'G'RISIDA

20.05.2011

№1533

Oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash va modernizatsiyalash, ularni zamonaviy o'quv va ilmiy-laboratoriya jihozlari bilan ta'minlash, yuqori malakali kadrlar tayyorlash yo'nalishlari va mutaxassisliklarini maqbullashtirish, ta'lim standartlarini takomillashtirish hisobiga ta'lim jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, ilg'or pedagogik texnologiyalar va o'qitish shakllarini joriy etish, o'qituvchi kadrlar mehnatini rag'batlantirishni kuchaytirish asosida iqtisodiyot soha va tarmoqlarida talab qilinadigan oliy ma'lumotga ega mutaxassislarni tayyorlash sifatini tubdan yaxshilash maqsadida:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2010 yil 28 sentyabrdagi F-3501 sonli farmoyishiga binoan tashkil etilgan Ishchi guruh tomonidan ishlab chiqilgan, 2011-2016 yillarda oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini modernizatsiyalash va mutaxassislar tayyorlash sifatini tubdan yaxshilash bo'yicha quyidagilarni o'z ichiga olgan Dastur ma'qullansin:

2011-2016 yillarda oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash va rivojlantirish bo'yicha chora-tadbirlar majmui 1- ilovaga muvofiq;

yuqori malakali kadrlar tayyorlash yo'nalishlari va mutaxassisliklarini maqbullashtirish, davlat ta'lim standartlarini yanada takomillashtirish bo'yicha chora-tadbirlar majmui 2-ilovaga muvofiq;

2011-2016 yillarda oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini modernizatsiyalash va mutaxassislar tayyorlash sifatini tubdan yaxshilash bo'yicha Dasturni amalga oshirish uchun moliyaviy xarajatlarning hisob-kitob qilingan hajmlari ko'rsatkichlari 3-ilovaga muvofiq;

o'quv-laboratoriya binolari, sport inshootlari va talabalarining turarjoylarini qurish, rekonstruksiya qilish, kapital ta'mirlash va jihozlash bo'yicha manzilli dasturlarga kiritiladigan oliy ta'lim muassasalarining ro'yxati 4-ilovaga muvofiq;

oliy ta'lim muassasalarida tashkil etiladigan zamonaviy ilmiy-tadqiqot laboratoriyalarining ro'yxati 5-ilovaga muvofiq.

2. 2011-2016 yillarda oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini modernizatsiyalash va mutaxassislar tayyorlash sifatini tubdan yaxshilash bo'yicha Dasturning o'z vaqtida va sifatli amalga oshirilishini ta'minlash borasidagi ishlarni muvofiqlashtirish uchun Maxsus komissiya tarkibi 6-ilovaga muvofiq tashkil etilsin.

Maxsus komissiya (R.Azimov):

O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi, Moliya vazirligi, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi takliflariga binoan har yili, moliyaviy xarajatlarning umumiy tasdiqlangan ko'rsatkichlari doirasida oliy ta'lim muassasalarining amaldagi texnik holati, shuningdek, har bir oliy ta'lim muassasasining moddiy-texnik ta'minlanganlik darajasidan kelib chiqib, ularning binolari va inshootlarini qurish, rekonstruksiya qilish, kapital ta'mirlash va jihozlash bo'yicha manzilli ro'yxatlarini tasdiqlasin;

2011-2016 yillarda oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini modernizatsiyalash va mutaxassislar tayyorlash sifatini tubdan yaxshilash bo'yicha Dasturning amalga oshirilishi ustidan tizimli monitoring o'rnatish va har yarim yillik hamda yil yakunlari bo'yicha uning ijrosi natijalarini Vazirlar Mahkamasiga ko'rib chiqish uchun kiritish.

3. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining manfaatdor vazirliklar, idoralar va xo'jalik birlashmalari bilan kelishilgan ixtisoslashuvini o'zgartirish va qayta tashkil etish to'g'risidagi quyidagi takliflari qabul qilinsin:

Andijon muhandislik-iqtisodiyot instituti – Andijon mashinasozlik institutiga;

Namangan muhandislik-iqtisodiyot instituti – Namangan muhandislik-texnologik institutiga;

Buxoro oziq-ovqat va yengil sanoat texnologiyasi instituti – Buxoro yuqori texnologiyalar muhandislik-texnik institutiga.

Vazirlar Mahkamasi bir oy muddatda ko'rsatib o'tilgan har bir institut bo'yicha 2016 yilgacha bo'lgan davrda o'quv jarayonini tashkil etish, tegishli professor-o'qituvchilar tarkibini shakllantirish va zarur moddiy-texnik bazani yaratish bilan bog'liq talablarni e'tiborga olgan holda, ularni qayta tashkil etish bo'yicha alohida qarorlar qabul qilsin.

4. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Iqtisodiyot vazirligining O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi qoshida Oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini rivojlantirish Jamg'armasini tashkil etish to'g'risidagi taklifi ma'qullansin.

Jamg'arma mablag'larini shakllantirish manbalari etib quyidagilar belgilansin:

Davlat byudjeti mablag'lari;

zamonaviy texnologik jihozlar bilan ta'minlash uchun jalb qilinadigan xalqaro moliya tashkilotlarining imtiyozli kreditlari;

xalqaro donorlar grantlari, vasiylar va mamlakatimizdagi homiylik mablag'lari;

Jamg'armaning vaqtincha bo'sh mablag'larini joylashtirishdan tushadigan daromadlar va qonunchilikda taqiqlanmagan boshqa tushumlar.

Vazirlar Mahkamasi ikki hafta muddatda O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi qoshidagi Oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini rivojlantirish Jamg'armasi mablag'larini shakllantirish va ulardan foydalanish to'g'risidagi Nizomni tasdiqlasin.

O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining Investitsiyalar boshqarmasi tarkibida 5 ta shtat birligidan iborat Jamg'arma mablag'larini boshqarish bo'yicha bo'lim tashkil etilib, vazirlikning cheklangan xodimlari soni tegishli ravishda ko'paytirilsin.

5. O'zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy aloqalar, investitsiyalar va savdo vazirligi boshqa manfaatdor vazirliklar va idoralar bilan birgalikda 2011-2016 yillarda oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini modernizatsiyalash va mutaxassislar tayyorlash sifatini tubdan yaxshilash bo'yicha Dasturni bajarish uchun chet el kreditlari va grantlarini jalb qilish yuzasidan tizimli ishlarni amalga oshirsin.

6. Belgilab qo'yilsinki, 2011-2016 yillarda oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini modernizatsiyalash va mutaxassislar tayyorlash sifatini tubdan yaxshilash bo'yicha Dasturning amalga oshirilishini moliyalashtirish uchun xo'jalik yurituvchi sub'ektlar tomonidan 2011-2016 yillar mobaynida homiylik yordami shaklida yo'naltirilgan mablag'lar yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig'i va yagona soliq to'lovini hisoblashda soliq solinadigan bazadan chiqariladi.

7. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Sog'liqni saqlash vazirligi va Xalq ta'limi vazirligi bilan birgalikda ikki oy muddatda, ilg'or xalqaro tajribani o'rgangan holda, Vazirlar Mahkamasiga oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilarining mehnatiga haq to'lash tizimini yanada takomillashtirish bo'yicha takliflar kiritсин. Ularda quyidagilar ko'zda tutilsin:

o'qituvchilar lavozimlari kategoriyalarini maqbullashtirish va ularga qo'yiladigan lavozim talablarini qayta ko'rib chiqish asosida oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilari tarkibi tarifikatsiyasining takomillashtirilgan tizimini joriy etish;

«dotsent» va «professor» ilmiy unvonlarini berish tizimini takomillashtirish, mazkur tizimning oliy o'quv yurtlari o'qituvchilarining muntazam ravishda o'z malaka va pedagogik mahoratini oshirishga rag'batlantirishdagi rolini kuchaytirish;

yuqori malakali o'qituvchilarga ularning kasb mahorati va o'quv jarayonini yaxshilashga qo'shgan aniq hissasi, yuqori samaradorlik, ta'lim sifati va samarali tarbiyaviy ishi uchun oylik ustamalar tizimini joriy etish.

8. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi ikki oy muddatda ilg'or xalqaro tajribani chuqur o'rganish asosida Vazirlar Mahkamasiga oliy o'quv yurtlari va ilmiy muassasalar negizida o'quv jarayonining o'qituvchilar va talabalarining ilmiy-tadqiqot ishlari bilan integratsiyalashuvini yanada chuqurlashtirishni nazarda tutadigan o'quv-ilmiy komplekslar va markazlarni tashkil etish to'g'risida taklif kiritсин.

9. 2016 yilning 31 dekabrighacha 2011-2016 yillarda oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini modernizatsiyalash va mutaxassislar tayyorlash sifatini tubdan yaxshilash bo'yicha Dastur doirasida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tasdiqlagan ro'yxatlar bo'yicha respublikaga olib kiriladigan o'quv-laboratoriya va kompyuter jihozlari, ilmiy-uslubiy adabiyotlar bojxona to'lovlaridan (bojxona rasmiylashtirish yig'imi bundan mustasno) ozod etilsin.

10. Ushbu qaror ijrosini nazorat qilish O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri Sh.Mirziyoyev zimmasiga yuklatilsin.

***O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti I.Karimov***

*Toshkent shahri,
2011 yil 20 may*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширсин. Давлат бюджетини тасдиқлашда миллий дастурнинг молиявий ва моддий таъминотига алоҳида эътибор берилсин.

Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**
1997 йил 29 август.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ
МИЛЛИЙ ДАСТУРИ**

(Ўзбекистон Республикаси 29.08.97 й. қонуни билан тасдиқланган)
Мазкур Дастурга ЎЗР 09.04.2007 й. ЎРҚ-87-сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

Умумий қоидалар

1. Муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизimini тубдан ислох қилиш омиллари
2. Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқислари
3. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий модели
4. Кадрлар тайёрлаш тизimini ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
5. Дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик хусусий давлат ва очик фуқаролик жамияти курмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий ҳулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизimini шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустасил равишда мўлжалли тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, хусусий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

1. МУАММОЛАР ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОХ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

- 1.1. Ривожланишнинг эришилган даражаси
- 1.2. Камчиликлар ва муаммолар
- 1.3. Ислох қилиш омиллари

1.1. РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭРИШИЛГАН ДАРАЖАСИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар қўришни: "Таълим тўғрисида"ги Қонунни жорий этишни (1992 йил); янги ўқув режалари, дастурлари, дарсликларини жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни; ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.

Мақтабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда "болалар боғчаси-мактаб" мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Болаларга чет тилларни, хореография, тасвирий ва мусика санъати, компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилган.

Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда 238 лицей ва 136 гимназия ишлаб турибди. "Соғлом авлод учун", "Маънавият ва маърифат", "Иқтисодий таълим", "Қишлоқ мактаби", "Ривожланишда нуқсонли бўлган болаларни тиклаш" ва бошқа тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 73 фоизи олий маълумотлидир.

Меҳнат бозорини, энг аввало қишлоқ жойларда меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 ўқув юрти, шу жумладан, 209 касб-хунар мактаби, 180 касб-хунар лицейи ва 53 бизнес-мактаб ишлаб турибди. Бугунги кунда бошланғич касб-хунар таълими ўқув юртларида қарийб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда.

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 ўрта касб-хунар таълими ўқув юрти ишлаб турибди. Уларда қарийб 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон олий мактаби тизими 58 олий ўқув юртини, шу жумладан 16 университет ва 42 институтни ўз ичига олади, уларда 164 минг талаба таълим олмоқда; 16 университетнинг ўн икkitаси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Олий ўқув юртларида ишлаётган 18,5 минг ўқитувчининг 52 фоизи фан доктори ва фан номзодларидир. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан хусусий йўналишга ўтказиш иши олиб борилмоқда, ўқув юртларининг тармоғи кенгаймоқда, университет таълими ривожланмоқда. Билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш бошлаб юборилди, олий мактабни қўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилмоқда. Абитуриентлар ва талабаларнинг билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илғор усуллари жорий этилмоқда.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар сифатига ошган талабаларга мувофиқ аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлаш иши кенгаймоқда. Олий аттестация комиссияси ташкил этилди. Республикада қарийб 4 минг аспирант бўлиб, улардан 69 фоизи олий таълим тизимида ва 31 фоизи илмий-тадқиқот институтларида таълим олмоқда. Жами илмий ва илмий-педагог кадрларнинг 8 фоизини фан докторлари ва 37 фоизини фан номзодлари ташкил этади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, 4 марказ ва 14 малака ошириш курслари ишлаб турибди.

Иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Истеъдодли ўсмир ва қизларни излаб топиш, уларга қўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус фондлар ташкил этилди, қобилиятли ёшларни чет эллардаги етакчи ўқув юртлари ва илмий марказларда ўқитиш ва стажировкадан ўтказиш йўлга қўйилди.

Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгайиб бормоқда.

Шунга қарамай, содир этилган ўзгаришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлай олмади.

1.2. КАМЧИЛИКЛАР ВА МУАММОЛАР

Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради.

Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуksиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас. Амалдаги таълим тизими замонавий, таракқий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмайди.

Мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислохот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан боғланмаган.

Мактабгача таълим ва тарбия аҳоли коникарсизлигича қолмоқда. Боғча ёшидаги болаларнинг 25 фоизигина мактабгача тарбия муассасаларига қамраб олинган, ҳолос. Мактабгача болалар муассасаларидан ва оиладан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжуд.

Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услубиятидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланиши қолайли, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ. 9-11 синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўрнини аниқлай олмайди. Уларда ўзларига ишонч шаклланиган эмас. Ўрта мактаб битирувчиларининг 10 фоизигина олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқда, ҳолос.

Мажбурий тўққиз йиллик таълимга асосланган ўн бир йиллик умумий ўрта таълим илмий асосланмагандир, у ўқувчиларда касбга йўналтириш ва таълимнинг амалий йўналганлиги етарли даражада бўлиши ҳамда мустақил фикр юритиш, меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланишини таъминламайди. Ҳар йили таянч мактабларнинг 100 минг нафарга яқин битирувчиси ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда касб-ҳунар таълимини давом эттириш учун талаб этилмай қолдирилмоқда.

Таълим тизимидаги мавжуд умумтаълим ва касб-ҳунар дастурлари ўртасида узвийлик ва ворисликнинг йўқлиги сабабли таянч ва ўрта мактаб битирувчиларида касбга йўналтирилганлик ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланимай қолайди. Натижада йигит ва қизлар ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳаёт йўлини белгилаб олишда жиддий қийинчиликлар сезмоқдалар.

Ўқув жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаш каби механизмларидан яхши фойдаланилмайдиган. Ўқув дастурлари мафкуравий сарқитлардан тўлиқ ҳоли бўлганича йўқ, уларда маънавият ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, ҳусусий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмайдиган.

Ҳунар-техника билим юртларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда бўлиб, амалда эса уларда таълим эскириб қолган моддий-техника ва ўқув-услубий базасида, тегишли қайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчи кадрлар билан амалга оширилмоқда.

Бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга олмайди. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқув юртлари етарлича мустақилликка эга эмас, улар касбий меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига яхши мослашиб бормайди.

Илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтлар кадрларни тайёрлаш жараёнига етарли даражада қўшилганлари йўқ. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш вазифалари белгилаб олинмаган. Ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш тизими объективлик ва тезкорликни таъминламайди.

Касб-ҳунар таълимининг обрўси ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб бормоқда. Таълим хизмати кўрсатиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг мавжуд эмас, таълим тизимини қўп вариантли молиялаш схемаси ишлаб чиқилмаган. Олий малакали кадрлардан самарали фойдаланилмайдиган. Кадрлар билими ва улар тайёргарлигининг сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш тизими коникарсиз ишламоқда.

Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда. Мактабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотлидир. Мактабларнинг ўқитувчилар билан таъминланганлиги ўртача 93 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич айрим вилоятларда 77-80 фоиздан, муайян фанлар бўйича эса 50 фоиздан ошмайди.

Илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ўртача ёши “улғайиб” бормоқда. Республика олий ўқув юртларида 40 ёшга тўлмаган фан докторлари жами фан докторларининг 0,9 фоизини, 50 ва ундан катта ёшдагилари эса 79 фоизини ташкил этади. Фан докторлари илмий даражасига тасдиқланганлар ўртача 50, фан номзодлари эса 36 ёшдадир.

1.3. ИСЛОҲ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарिलाб бораётганлиги;

мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хомашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаётганлиги;

давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;

миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

2. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ

2.1. Дастурнинг мақсад ва вазифалари

2.2. Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари

2.1. ДАСТУРНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутди:

"Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳукуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатида баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;

янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг қафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

2.2. ДАСТУРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳукуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу босқичда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

"Таълим тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш;

педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

таълим олувчиларнинг юксак тайёргарликлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатида нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;

таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш.

Ушбу босқичда болаларни олти-етти ёшдан мактабга қабул қилиш, уларнинг жисмоний ва аслий жиҳатдан ривожланганлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Тақозо этилаётган ўқувчи ўринлари зарур моддий-техника шарт-шароитлари ва педагог кадрлар билан таъминланган ҳолда изчил тайёрланади.

Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқ ишга солинади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурсе, кадрлар ва ахборот базалари янада мустахкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўсув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шакллари мустахкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ камраб олинади.

3. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

3.1. Шахс

3.2. Давлат ва жамият

3.3. Узлуксиз таълим

3.4. Кадрлар тайёрлаш тизимида фан

3.5. Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият - таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

узлуксиз таълим малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

3.1. ШАХС

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс фуқарони шакллантиришни назарда тутди. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-хунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутди.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-хунар тайёргарлиги қўриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

3.2. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Давлат ва жамият қуйидагиларга, чунончи:

Фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига;

Мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-хунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими олишга;

Давлат грантлари ёки пуллик-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим олиш ҳуқуқига;

Давлат таълим муассасаларини маблағ билан таъминлашга;

Таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;

Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга;

Соғлиқ ва ривожланишда нуқсонли бўлган шахслар таълим олишига кафолат берадилар.

3.3. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ

3.3.1. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари

3.3.2. Узлуксиз таълимни ислох қилиш йўналишлари

3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

3.3.1. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қуйидагилардан иборат:

таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

таълимнинг демократлашуви таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

таълимнинг инсонпарварлашуви инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

таълимнинг ижтимоийлашуви таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

таълимнинг миллий йўналтирилганлиги таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий таракқиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

иктидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

3.3.2. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари

Узлуксиз таълим соҳасидаги ислохотлар қуйидагиларни назарда тутади:

таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодий ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш;

мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

махсус, касб-ҳунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш;

илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодийдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари қўлларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

таълим олишда, шунингдек болалар ва ёшларни маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига ҳолис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

таълим тизимини молиявий, моддий-техника ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш;

узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ;

таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари

Мактабгача таълим

Умумий ўрта таълим

Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими

Олий таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Мактабдан ташқари таълим

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-хунар таълими дастурларига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I-IX синфлар), ўрта махсус, касб-хунар таълимини қамраб олади.

Мактабгача таълим

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш хиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;

болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;

мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;

мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармогини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

Умумий ўрта таълим

Тўққиз йиллик (I-IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимини (I-IV синфлар) қамраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат қўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуйидагилар зарур:

мактабнинг I-IX синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим;

юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш;

худудларнинг жўғрофий ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;

ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш;

таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;

ўқувчилар касб-хунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.

Ўрта-махсус, касб-хунар таълими

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар қўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўлади. Бу қўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва қўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар коллежлари жихозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шўхулланиш ҳуқуқини беради.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-хунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;
академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
касб-хунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-хунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;
худудларнинг жўгрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар онласидан ажратмаган ҳолда камраб олиш;
академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Олий таълим

Олий таълим ўрта махсус, касб-хунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалаврият ва магистратура) босқичга эга.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизда ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалаврият мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича “бакалавр” даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топирилади.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизда таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

“Магистр” даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интихосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топирилади.

Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш;

олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

олий таълим муассасаларида таркибий ўзгаришлар ўтказиш;

олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассислар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш;

халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртиларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичлари (аспирантура, докторантура) диссертация ҳимояси билан якунланади.

Яқуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топирилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

“Таълим тўғрисида”ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истикболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топирилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитни шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

иктисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш;

профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб боровчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазибаларини ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини қўпайтириш;

миллий педагогик кадрларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмнинг, халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

3.4. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ФАН

Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада:

табиат ва жамият таракқиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади:

олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;

мамлакатимиз илм-фаннинг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимига илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши учун қуйидагилар зарур:

илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш орқали илмий тадқиқотлар натижаларини ўқув-тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмни рўёбга чиқариш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўёбга чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашуви асосида олимларнинг обрў эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш;

мамлакат илм-фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциясини фаоллаштириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро алмашинув жараёнини кучайтириш;

фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, махсус стипендиялар сонини қўпайтириш, ёшлар илмий-техника ижодиётининг доимий ишлайдиган кўргазма ва экспозицияларини ташкил этиш.

3.5. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазибалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шаклларини танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пиловард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги вазибалари қуйидагилар билан белгиланади, чунончи у:

турли савия ва малакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни шакллантиради;

ўз ихтиёридаги моддий-техника, молия, кадр ресурслари ҳамда кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун зарур бошқа ресурсларни бериш билан узлуксиз таълим тизимига қўмаклашади;

муассис, васий, донор, ҳомий тарикасида айрим мутахассисларни ва гуруҳларни мақсадли тайёрлашни, шунингдек турли тип ва даражадаги ўқув юртларини молиялашда қатнашади;

таълим ва илм-фаннинг турли шакллардаги интеграциясини (муваққат ижодий жамоалар, ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари, марказлари, технопарклар, технополислар) ривожлантиради.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги мавқеини кучайтириш қуйидаги йўллар билан таъминланади:

таълимни қархонадаги унумли меҳнат билан, шу жумладан ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

кадрлар тайёрлаш ҳамда биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда қорхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш;

таълим олувчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш (меҳнат, маънавий ва жисмоний тарбиялаш);

ишлаб-чиқаришнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ишлаб чиқаришнинг иетисодий ва технология муаммоларини ҳал этиш учун олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг илмий салоҳиятини жалб этиш;

педагог кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш;

ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларини таълим жараёнига ва педагогик фаолиятга жалб этиш;

ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун таълим олувчиларни иш жойлари билан таъминлаш;

ўзаро интеграцияланган таълим муассасаларини замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш.

4. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш

4.2. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

4.3. Таълим жараёнини мазмунан ислох қилиш

4.4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар

4.5. Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар

4.6. Таълим тизимини бошқариш

4.7. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш

4.8. Таълим тизимини молиялаш

4.9. Моддий-техника таъминоти

4.10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш

4.11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш

4.12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

4.13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш

4.14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш

4.15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш куйидаги устувор йўналишларни камраб олади:

4.1. ТАЪЛИМНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Таълимнинг ўз ичига мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини камраб олувчи янги узлуксиз ва изчил тизими барпо этилади. Олий касб-хунар таълимининг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни назарда тутувчи икки босқичли тизими жорий этилади. Аспирантура ва докторантура фаолияти ривожланиб боради. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устуворлиги таъминланади.

4.2. ПЕДАГОГ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг касб сифатини қўллаб-қувватлаш таъминланади.

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича махсус факультетлар, шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан махсус марказлар ташкил этилади.

4.3. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ МАЗМУНАН ИСЛОХ ҚИЛИШ

Кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий кадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат таълим стандартлари асосида ислох қилинади. Таълим олувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёкни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний кадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади.

Педагог кадрларнинг обрў-эътибори, масъулияти ва касб кўникмасини ошириш юзасидан собитқадам давлат сиёсати олиб борилади. Илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув, шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади.

4.4. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА МАЪРИФИЙ ИШЛАР

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади.

Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият таракқиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар. (ЎЗР 09.04.2007 й. ЎРҚ-87-сон Қонуни тахриридаги хат боши)

4.5. ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ВА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шaroитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собитқадам фаолият амалга оширилади. Академик лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли,

юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намойиш этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади.

4.6. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

Ўзлуksиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб бoрилади. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари "Таълим тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-ҳуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия-ҳўжалик фаолияти олиб бoриш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юртларининг ҳуқуқлари кенгайди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи бeрилади.

Муассис ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳoмийларнинг вакиллариини ўз ичига oлувчи васийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

4.7. КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган, касб-хунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи давлат хизмати ташкил этилади. Мамлакатни истисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истикбол талабларига монанд давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади. Ўқув юртлари фаолиятини, профессор-педагог кадрлар сифатини таълим oлувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тadbик этилади. Кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоат шакллари ривожлантирилади. Таълим муассасалари битирувчиларини якуний аттестациялаш тизими такомиллаштирилади.

4.8. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШ

Таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизими такомиллаштирилади, унинг кўп вариантли (бюджетдан ажратиладиган ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилади, таълим муассасаларининг ўзини ўзи пул билан таъминлаши ривожлантирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбатлантирилади.

Республика фукарolari учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимига асосланган таълим кредитлари бeриш механизми шакллантирилади. Ўзлуksиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда дoнoрлар ва ҳoмийларнинг мавқеи кучайиб бoради.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, тadbиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда устaвда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг дарoмадлари кўпайиши таъминланади.

4.9. МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ

Ҳар бир минтақанинг демографик ва жўғрофий хусусиятларидан келиб чиқиб, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари тармоғи барпо этилади. Таълим oлувчиларни oиладан ажралмаган ҳолда ўқишга имкон қадар кўпроқ қамраб oлинади.

Мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасалари қуриш, уларни норматив талабларга мувофиқ, замонавий техника ва технологияларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш юзасидан ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш қўллаб-қувватланади. Барча бoскичдаги таълим жараёнларини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга oширилади.

4.10. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЯХЛИТ АХБОРОТ МАКОНИНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ

Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизда таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бoради. Таълим жараёнида oммавий ахборот воситаларининг мавқеи oшиб бoради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашувчи таъминланади. Фан ва таълимнинг наشريёт базаси ривожлантирилади, ўқув, ўқув-услубий, илмий, комусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилади.

4.11. ТАЪЛИМ ХИЗМАТИ КўРСАТИШ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади, таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб бoрилади. Асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консултьатив ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш тизими ривожлантирилади.

4.12. ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА БУ СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Педагогик фаолиятнинг oбрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини oшириш юзасидан давлат сиёсати рўёбга чиқарилади. Таълим oлувчиларнинг ва педагогларнинг ўқиши, соғлиги ва дам олиши учун зарур шарoитлар яратилади.

Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш органлари болалар ҳамда ўқувчи ёшларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрадилар. Ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштиришга қаратилган йўналишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шарoитлар таъминланади. Таълим oлувчиларнинг тиббий-гигиена маданиятини oшириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт бoбидаги фаоллигини кучайтириш ҳамда жисмоний қамолот даражасини oшириш учун ташкилий-услубий ёндашувлар такомиллаштирилади. Соғлиқ ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун муносиб муҳит яратилади.

4.13. ФАН БИЛАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тadbикотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига мувофиқ қилишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тadbикотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги

илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогик ва илмий-тадекиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

4.14. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб-қувватланади. Илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб борилади.

4.15. ТАЪЛИМ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгайди. Таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар халқаро миқёсда эътироф этилиши учун асос яратилади. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналарининг кадрлар тайёрлаш соҳасига чет эл инвестицияларини бевосита ва билвосита кенг жалб қилиш борасидаги фаолият кучайтирилади.

5. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Миллий дастурни амалга ошириш мақсадида:

Миллий дастурнинг йўналиш ва босқичларини амалга оширишнинг аниқ механизмлари, муддатлари, ижрочилари, молиявий ва ресурслар таъминоти ифодаланган ечим ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади;

Миллий дастурни бажариш юзасидан давлат ва жамоат институтларининг фаолияти ҳамда вазифалари белгиланади;

Миллий дастурнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнига малакали чет эл экспертлари жалб этилади;

Миллий дастурни бажаришда давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилиб, халқаро ташкилотлар катнашуви ташкил этилади;

Миллий дастурнинг мониторинги ва бажарилишини экспертиза қилиш асосида унинг айрим қондалари ва тадбирларига тузатишлар киритилади;

оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, кадрлар тайёрлаш миллий модели рўёбга чиқарилишини таъминлаш масалалари юзасидан семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали Миллий дастурнинг принциплар ёндашувлари ҳамда асосий қондаларини кенг қўламда тушунтириш ишлари олиб борилади;

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш жараёнига жамоат бирлашмалари ва марказлари, республика аҳолиси кенг табақаларининг фаол иштироки таъминланади;

оммавий ахборот воситаларида Миллий дастурнинг бажарилиши мунтазам ёритиб борилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан Республика комиссияси ташкил этилади, бу Комиссиянинг зиммасига дастурни бажаришга доир барча ишлар ва тадбирларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, шу жумладан қуйидаги вазифалар юкланади:

узлуксиз таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартларига еўйиладиган умумий талабларни ишлаб чиқиш;

умумий ўрта таълим учун давлат таълим стандартларини ва бошқа зарур норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун давлат таълим стандартларини, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан иборат таълим тизимини жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

ўрта умумий таълимга эга бўлган ўқувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизими билан тўла қамраб олиш тадбирларини, бу тизимни ҳудудларнинг демографик, жўғрофик хусусиятлари ва кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, унинг моддий-техника асосини яратиш;

академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишлайдиган ўқитувчилар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун таълим муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш;

олий таълим муассасалари тизимини Миллий дастур талабларига биноан ислоҳ қилиш, бу борада тегишли давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

мактабгача таълим ва тарбия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, болалар тарбиясида ва уларни мактабга тайёрлашда оила, маҳалла ҳамда жамоат ташкилотларининг масъулиятини ошириш;

таълим муассасаларини зарур дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлаш, бу ишга йирик олимлар, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, таълим ва илм-фан соҳасининг наشريёт базасини ривожлантириш;

профессор ва педагог кадрларни ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида махсус Республика жамғармаси ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш;

узлуксиз таълим тизимида чет тилларни фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш, уларни ўргатишнинг жадаллаштирилган услубларини жорий этиш, ўзбекча-чет тиллар лўғатларини, давлат тилидаги махсус адабиётларни нашр этиш;

узлуксиз таълим соҳаси ўқитувчилари ва педагог кадрларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини қайта қўриб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш, кадрлар тайёрлашнинг малака талабларини аниқлаш ҳамда сифатини баҳолаш ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича таълим тизими бошқарувида боғлиқ бўлмаган ягона давлат хизматини ташкил этиш;

таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш;

касб-ҳунар таълими соҳасида кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишни ташкил этиш, таълим хизмати кўрсатиш ва касбий меҳнатнинг рақобатга асосланган бозорини ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш.

МАЪЛУМОТНОМА

Тургунов Ҳошимжон Латипжанович

У 2011 йил 9 ноябрдан буён

Андижон машинасозлик институтининг "Ижтимоий фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси



Туғилган йили:
18.12.1977 й.

Туғилган жойи:
Андижон вилояти,
Андижон шаҳри

Миллати:

Ўзбек

Партиявийлиги:

йўқ

Маълумоти:

олий 1999 йил, Андижон давлат университети (кундузги)

Тамомлаган:

Маълумот бўйича мутахассислиги:

иқтисодчи, араб тилидан таржимон-референт

Илмий даражаси:
йўқ

Илмий унвони:
йўқ

Қайси чет тилларини билади (тўлиқ кўрсатилиши лозим):
рус тили эркин, араб, немис тиллари луғат билан

Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):
йўқ

Халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим)
йўқ.

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

1994 – 1999 йй. - Андижон давлат университети талабаси

1999 – 2000 йй. - Ҳарбий хизматда

2001 – 2002 йй. - “Эркин-Аудит” хусусий аудиторлик фирмасида оператор

2002 – 2008 йй. - Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги “Бизнес ва иқтисод фанлари ўқитувчилари маркази”да менежер

2008 – 2009 йй. - Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтининг Магистратура ва малака ошириш марказида катта услубчи

2009 – 2010 йй. - Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий бўлимида катта назоратчи

2010 – 2011 йй.- Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтининг "Иқтисодиёт назарияси"
кафедраси катта ўқитувчиси
2011 й.-ҳ.в. - Андижон машинасозлик институтининг "Ижтимоий фанлар" кафедраси катта
ўқитувчиси

Тургунов Ҳошимжон Латипжановичнинг яқин қариндошлари ҳақида

МАЪЛУМОТ

Қариндошл иги	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Туғилган йили ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Турар жойи
Отаси	Тургунов Латипжан Давронбекович	1952 йил, Андижон вилояти	Пенсияда ("Андижон газ" муҳандис лавозимида ишлаган)	Андижон шаҳар Олтмишбой Ота кўчаси 27 уй
Онаси	Тургунова Саидахон	1954 йил, Андижон вилояти	2009 йилда вафот этган (илгари уй бекаси бўлган)	
Синглиси	Тўхтасинова (Тургунова) Ҳадичахон Латипжанов на	1979 йил, Андижон вилояти	Уй бекаси	Андижон шаҳар Қўшариқ даҳаси 48/30
Синглиси	Тургунова Мавлудахон Латипжановна	1982 йил, Андижон вилояти	Уй бекаси	Андижон шаҳар Қўшариқ даҳаси 28/22
Турмуш ўртоғи	Тургунова (Ҳошимова) Муҳайёхон Иброҳимовна	1982 йил, Андижон вилояти	Уй бекаси	Андижон шаҳар Олтмишбой Ота кўчаси 27 уй
Ўғли	Латипжонов Оятуллоҳ Ҳошимжон ўғли	2003 йил, Андижон шаҳри	Андижон шаҳар 48- ўрта мактаб ўқувчиси	Андижон шаҳар Олтмишбой Ота кўчаси 27 уй
Қайнотаси	Мирзакарим ов Иброҳимжон	1956 йил, Андижон вилояти	2011 йилда вафот этган (илгари Андижон авиация заводида ишчи бўлган)	
Қайнонаси	Мирзакарим ова (Баҳромова) Хайитхон	1959 йил, Андижон вилояти	Уй бекаси	Андижон шаҳар Шимолий саноат худуди 12 уй

**“Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” fanidan barcha
yo’nalish talabalari bilimini reyting tizimi asosida baholash**

MEZONI

“Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar” fani uchun o’quv rejadagi barcha yo’nalish bo’yicha jami 116 soat ajratilgan: shundan 30 soat ma’ruza, 30 soat amaliyot va 56 soat mustaqil ta’lim.

O’zbekiston Res’ublikasi Oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirligining 2010 yil 25 avgustdagi № 333-sonli buyrug’i bilan tasdiqlangan Oliy ta’lim muassasalarida talabalar bilimini nazorat qilish va baholashning reyting tizimi to’g’risidagi Nizomida ko’rsatilganidek talabalarning fan bo’yicha o’zlashtirishni baholash muntazam ravishda olib boriladi va quyidagi turlar orqali amalga oshiriladi:

- joriy baholash (J.B.);
- oraliq baholash (O.B.);
- yakuniy baholash (Ya.B.).

Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar fani bo’yicha talabalarni bir semestr davomidagi o’zlashtirish ko’rsatkichi 100 ballik tizimda baholanadi.

Ushbu 100 ball quyidagicha baholanadi:

J.B.-35 ball,

O.B.-35 ball,

Ya.B.-30 ball.

“Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar ” fanidan talabalar bilimini baholash yuqoridagi Nizom asosida o’tkaziladi. Xususan:

O.B.da fanning bir necha mavzularini qamrab olgan bo’lim yoki qismi bo’yicha nazariy mashg’ulotlar o’tib bo’lingandan so’ng, talabalarning nazariy bilimlari baholanadi va unda talabaning muayyan savolga javob berish yoki muammoni echish mahorati va qobiliyati aniqlanadi. O.B. ma’ruza darslarida amalga oshirilishi mumkin. «Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar » fani bo’yicha O.B. lar 2 marta o’tkaziladi.

J.B.da fanning har bir mavzusi bo’yicha talabalarning bilimi va amaliy ko’nikmalarini aniqlab borish nazarda tutiladi va u amaliy mashg’ulotlarda amalga oshiriladi. «Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar » fani bo’yicha J.B. lar 2 marta o’tkaziladi.

Ya.B. og’zaki savol-javob shaklida o’tkaziladi.

Talabalarning ballarda ifodalangan o’zlashtirishi quyidagicha baholanadi.

«Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar» fani bo'yicha talabalarning bilimini baholashda quyidagi namunaviy mezonlar inobatga olinadi:

Bal l	Baho	Talabalarning bilim darajasi
0-54	qoniqarsiz	Tarixiy rivojlanishni bilmaslik. "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar " to'g'risida tushunchaga ega bo'lmasa. Mazkurs fan bo'yicha asosiy g'oya va nazariyalar to'g'risida tasavvurga ega bo'lmasa.
55-70	qoniqarli	"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar " fani to'g'risida tasavvurga ega bo'lsa. "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar " fanida berilgan turli xil iqtisodiy fikrlarni ayta olsa. "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar " fanini boshqa fanlar bilan bog'liqligini tushuntira olsa.
71-85	Yaxshi	"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar " fani bo'yicha mustaqil mushohada yurita olsa. Milliy iqtisodiyot va uning rivojlanishida "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar " fanining roli to'g'risida fikr yurita bilsa. "Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar " fanidagi iqtisodiy oqimlarni bir biridan farqlay olsa.
86-100	A'lo	"Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar " fanidagi iqtisodiy oqimlar xaqida to'liq tushunchaga ega bo'lsa. Iqtisodiy yo'nalish vakillarining iqtisodiy g'oyalarini zamonaviy ruhda talqin qila bilsa, to'g'ri xulosa chiqara olsa.

**Barcha bakalavriat yo'nalishlari uchun «Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar» fanidan Ya.B. og'zaki va test usullarida o'tkazishda talabalar reytingini baholash
MEZONI**

«Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar» fani bo'yicha Ya.B. **yoзма usulda baholash mezon**i bakalavr o'quv dasturiga to'la mos holda tuzilgan bo'lib, «Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar» fani bo'yicha savollarni o'z ichiga olgan savolnoma asosida o'tkaziladi va 30 ballik reyting tizimi asosida baholanadi. Har bir talabaga 5 ta savol beriladi. Ushbu sinov davomida har bir talaba 5 ta savol bo'yicha jami 0-30 ballgacha, shu jumladan bitta savol bo'yicha 0-6 ball to'lashi mumkin. Sinov natijalari har bir talabaning «Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar» fani bo'yicha bilim darajasini, uning to'lagan ballari asosida baholashga imkon beradi.

Har bir savolning quyidagi qirralari oydinlashtirilishi tegishli reyting ballari bilan baholanadi:

1. Javoblarda «Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar » fani muammosining nazariy asosi fikran to'g'ri bayon eta olinishi (maksimal 10 ballgacha).
2. Ko'rilayotgan savolning mohiyati va uning zamonaviy ruhda talqin qilinishi (maksimal 10 ballgacha).
3. Savollarga javoblarda ushbu savol bilan bog'liq tortishuvli masalalarning izohlanishi (maksimal 10 ballgacha).

Agar talaba savolning har bir qirrasiga to'g'ri va mukammal javob bersa, savol yuzasidan keltirilgan faktlarni mustaqil fikrlab baholay olsa, shuningdek javobni tushunarli va ifodali bayon etib, mantiqiy xulosa qila olsa, bunday hollarda unga yuqorida belgilangan maksimal ball qo'yiladi.

Talabalar bilimini baholash bo'yicha reyting tizmi ko'rsatkichlari

N	Ko'rsatkichlar	J.B. ballari	O. B. ballari	Yaku niy baholash
1	<i>Darsga qatnashganlik darajasi</i>	0-4	0-4	
2	Darslarda faolligi, kons'ekt va seminar mashg'ulotlar daftarlarning tutilishi va holati	0-5	0-4	
3	Mustaqil ta'lim uchun belgilangan to'shiriqlarning o'z vaqtida va sifatli bajarilishi, uy to'shiriqlarining bajarilishi	0-5	0-6	
4	Yozma nazorat ishi kollokvium yoki test savollariga berilgan javob uchun	0-4	0-5	
5	Fan bo'yicha asosiy va qo'shimcha adabiyotlarni kons'ekt qilish	0-4	0-4	
6	Dolzarb mavzular bo'yicha ijodiy ish bajarish	0-5	0-4	
7	Ilmiy to'garaka va anjumanlarda ma'ruza bilan qatnashish	0-4	0-4	
8	Slaydlar va ko'rgazmali qurollari tayyorlash	0-4	0-4	
9	Yakuniy baxolash	-	-	0-15
9	Nazariy savollarga javob yoki test savollariga javob	-	-	0-15
.1	JAMI:	0-35	0-35	0-30